



**МУҚАДДАС
ОЙЛАР ВА
МУСТАЖОБ
ДУОЛАР**

«Тошкент ислом университети»
нашириёт-матбия «Барзакан»
Тошкент 2013

МАЖБУРЛІК ПУС

УЎК:297.1

86.38 *Ислам*

M95

Муқаддас ойлар ва мустажоб дуолар/
таржимон ва мусаниф Д.Сарварова. - Тошкент:
Тошкент ислом университети, 2013. 492 б.

КБК 86.38

**Ушбу рисолани Аллоҳ розилиги йўлида умргузаронлик
қўилган саҳоватпеша инсон Шокиржон ҳожи Махсум ота
йашларининг руҳи покларига бағишлаймиз. Бу битик
илемидан баҳраманд бўлганилардан у кишининг ҳақларига
дуюи фотиҳа қилишларини сўраймиз.**

Тақризчилар:

Сайдидин Сайфуллоҳ, филология фанлари номзоди,
Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти соҳиби

**Тожихон ҳожи Назарова, Тошкент шаҳар Бош имом
ҳатибининг аёллар масалалари бўйича маслаҳатчisi**

Бугун вужудингиши юракка жойлаб, умид билан, ишонч билан
муҳсии ҳолда қўлларингизни очиб, кўплаб дуоларингизни мустажоб,
тавбаларингизни қабул, гуноҳларингизни мағфират қилишини
сўраб Яратсанга муножот қилинг.

Дуо қилиши одблари, дуо қабул бўладиган замон ва маконлар
ҳамда дуоси қабул бўладиган инсонлар ва дуога оид кўпгина
маълумотлар жамланган ушбу китоб Сизнинг кундалик ҳамро-
ҳингиз, содиқ дўстингиз, беминнат маслаҳатчингиз бўлади, деб
умид қиласмиш.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин
шахарига бўйича тўмимасининг 2012 йил 21 сентябрдаги № 2228-раҳамали
тесслиси билан чоп этилди

2013/04

nomidagi

A 8/73

ISBN 978-9943-590-49-2

10 41545
291

© «Тошкент ислом университети»
наприят-матбаа бирланимаси — 2013
© Дијофузя Сарварова

Муҳтарам китобхон!

Аллоҳининг марҳамати ва сизининг дуоларинигиз изжобати ўлароқ рисоламизниң навбатдаги пашри қўлинигизда.

Тузатилган, тўлдирилган ва қайта ишланган мазкур нашрда аввалги ларда йўл қўйилган хато ва камчиликлар бартараф этилди. Хусусан, Қуръони қаримининг сураси ва оятлари тартибига риоя қилинди. Қуръон алифбосидаги айрим ҳарфларниң ўзбек алифбосида йўқлигини эътиборга олиб, яшги шрифт жорий қилинди. Бу билан араб тилини билмаганлар учун ҳам мумкин қадар ҳарфларнинг маҳражига амал қилиш имкони яратилди.

Нутқий ғализликлар тузатилди.

Олти дин қалимаси, Ҳаж ва Умра дуолари қўшилди.

Бу билан рисолани мукаммал деган фикрдан йироқмиз. Бонси талабалик йилларим ўзим учун дафтар ҳопшиясига ёзилган дуоларниң бир кун келиб китоб ҳолида жамланини, мутасадди идоралар томонидан эътироф этилиб, қайта-қайта нашр қилинишини хаёлимга ҳам келтирмаганман. Аслида буни юртимиздаги тинчлик-осойишаликниң барқарорлиги, ҳар бир қишининг иқтиидори, салоҳиятига яраша берилган эътибор, яратилган имкониятлар самараси деб биламан.

Китобининг нашрдан-нашрга мукаммаллашиб бориши сизларниң кўп соили хатларнигизда билдирилган маслаҳат ва тилакларинигиз инфодаси эканлигини мамнуният билан эътироф этаман.

Аллоҳ барчамизни ўзи рози бўладиган йўлларда собит-қадам қиласин, бизни унуммаган азиз китобхон!


Куёнда сиз азизларга Қуръони қаримининг сураси ва оятларини имкон қадар ҳарфларниң маҳражига амал қилиб ўқиш учун қисқа жадвални ҳавола этамиз.

Мұқаддас ойлар да мұстажоб дүолар

Арабчиси	Хәсаптама	Китобда берілгенни	Талағиғұз қылышынни
ث	са	с	Тиян тишилар орасында бир ол-датта чыңғарлады на тоқоралған тишилар тегіб тұрады. Тиян үшін білан иштеп тишилар орасында оспана тирикші қозады. Өмір ҳарғын талағиғұз қылышыннанда кафтимизин оқынмынан яқын оліб көзекі, кафтимизин оқынмынан ҳаво оқынған төкканини сезіміз. Замонавий үзбек тишилде бу ҳарғын мое көлөумчі хеч қандай товуш үз.
ص	сод	с	Тилимизнің учы оғаннан ишкі тишилмизнен тубиге тегіб тұрады. Тишилмизнің орқа тарағы тишилтімиздең қыраб құтарлады. Бұның тилимиз оғаннан тәжірибі түзіліп тұрғандақ ҳис қылышыннаа керак.
س	енін	с	Үзбек тишилдегі "с" ҳарғын каби талағиғұз қылышында.
خ	хи	х	Бу топуш ҳәлкүм жүтвенді шайло бўлади. Бу ҳарғыни талағиғұз қылыштасында бўяна мунислари бир ол тарағланышиб, бир бирориган яқын келади. Бўзимнанда кичик йўлакчадан отилиб чиққанда ҳаво ҳа-тонушини беради. Бу тонушини талағиғұз қылышиде барча овоз атъоларын ти-рапланып тұрады. Бу ҳарғыни талағиғұз қылыштасында ҳаво ўттынни сезінімінан керак. Кафтимизин оқынмынан яқын оліб көзіб, бу ҳарғыни талағиғұз қылышыннанда оқынмайды чиққан ҳаво сезінінни керак. Үзбек тишилдегі юмиюқ "х" ҳарғыни талағиғұз қылышыннанда овоз атъоларынмыз әркін қолда бўледи. "ХА" ҳарғыдан исесій фарқи ҳам пешти.
ڇ	хо	х	Үзбек тишилдегі қаттық "х" ҳарғы билди талағиғұзин тұла мое тұшады. Бу топуш ҳәлдүмнінен зир тоқоры қремінде ҳосил бўлади. Бу ҳарғыни талағиғұз қылышыннанда томорымыз қыршилғаннан сезінімінан керак.

Առաջնային համայնքական և սուբյեկտական ազգային անձնագիրը	Թվական	Առաջնային համայնքական և սուբյեկտական ազգային անձնագիրը	Համապատասխան ազգային անձնագիրը
- Առաջնային համայնքական և սուբյեկտական ազգային անձնագիրը	1	10	9
- Առաջնային համայնքական և սուբյեկտական ազգային անձնագիրը	d	od	c
- Առաջնային համայնքական և սուբյեկտական ազգային անձնագիրը	II	rc	d
- Առաջնային համայնքական և սուբյեկտական ազգային անձնագիրը	E	oe	f
- Առաջնային համայնքական և սուբյեկտական ազգային անձնագիրը	E	ve	e
- Առաջնային համայնքական և սուբյեկտական ազգային անձնագիրը	E	me	s
Տրամադրելու անձնագիրը	Kontrolör	Geplandener	Aprendiendo

МУҚАДДИМА



Баидаларига зикр, дуо, истиғфор ва тавба эшигини очиб қўйган Аллоҳга Унинг мақомига яраша ҳамду санолар бўлсени.

Умматларига зикр, дуо, истиғфор ва тавбада намуна бўлган саййидимиз ва Расулнимиз Мұхаммад соллаллоҳу алаихи вассалламга Қиёмат кунига қадар батамом ва мукаммал салавоту дурудлар бўлсени.

6 Дуо инсон эҳтиёжидан келиб чиқсан тилак ифодаси бўлиб, у Холиқ билан баnda ўртасида матънавий кўпприк вазифасини ўтайди. Инсоният тарихининг барча даврларида дуога эҳтиёж сезиб келинган. Дуо Аллоҳ наздида қадрли ибодат бўлиши қаторида инсонни қийинчилик вақтида умид қилишга, хурсандчилик вақтида шукр қилишга даъват этади. Шу сабабли дуо:

- иоумид инсоннинг умид булоғи;
- Холиққа ёлвориш, уни эслаш, зикр этиш ва ундан ёрдам сўраш;

— буюк ибодат, барча оразу-ниятларининг қалитидир.

Дуо банданинг Аллоҳдан умидворлигининг энг гўзал ифодасидир. У бандага жанинат йўлларини очувчи, руҳига озуқа берувчи, Яратганига боғлиқлигини билдирувчи гўзал ибодатdir. У мўмин учун фалокатларга қарши қурашишда энг кучли қуролдир. Дуо бандани ҳар томонлама ўраб олган шур, Аллоҳга муҳтоҷлигини ва Унинг азамати қаршисида ожизлигиши ҳис эттирувчи ҳузурдир. Дуо Аллоҳга боғланиш,

Уиниг илоҳий раҳматидан умидвор бўлишидир. Дуо Аллоҳнииг ҳузурида банданинг шарафини оширувчи, ҳар икки дунёда юзини ёруғ қилувчи, илоҳий раҳмат томчилариши кўнгил тупроғига тўкувчи барокат уругидир.

Дуо қилини банданинг Аллоҳга муҳтоҷлигини билдиргани боис Аллоҳ наизида севимли ибодатлардан биридир. Шу сабабли Куръони карим ва ҳадисларда инсонлар дуо қилишга даъват қилинган. Инсон ўзиниг Аллоҳ қаршисида ожизлигини, ҳамиша Уиниг ёрдамига муҳтоҷлигини ҳис қилиб, хокисорона дуо қилиши мақсадга мувофиқ. Ўзини Аллоҳга муҳтоҷ деб билмаганилар қаттиқ янгилашадилар. Чунки Раббимиз Куръони каримда:

﴿وَقَالَ رَبُّكُمْ أَذْعُنِي أَشْتَجِبْ لِكُنَّ إِنَّ الظَّالِمِينَ يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ

﴿عِبَادَتِي سَيَدُّخُلُونَ جَهَنَّمَ دَاخِرِيَتَ﴾ 7

"Парвардигорингиз: "Менга дуо қилинглар, Мен сизларга (дуоларингизни) мустажоб қиласай", – деди. Албатра, Менга ибодат қилишдан кибр қилган кимсалар яқинда тубан ҳолатда жаҳанинамга киурлар" ("Фоғир", 60).

Аллоҳнииг раҳматидан умидвор ҳолда дуо қилган бандалари ҳақида Парвардигоримиз:

﴿إِنَّهُمْ كَانُوا يُسْرِغُونَ فِي الْخَيْرَاتِ وَيَنْدِعُونَا رَغْبًا وَرَهْبًا﴾

﴿وَكَانُوا لَنَا حَشِيعِتَ﴾

"Дарҳақиқат улар (яъни мазкур пайғамбарлар) яхши ишиларни қилингга шошар ва Бизга рағбат ва қўрқув билан дуо қилилар эдилар. Улар Бизга итоат этувчи эдилар" ("Анбиё", 90).

﴿أَجِيبُ ذَعْوَةَ الْدَّاعِ إِذَا دَعَانَ﴾

"Менга илтижо қылувчининг дуосини ижобат этурман" – деб марҳамат қылган ("Бақара", 186).

Анас (р.а.) даи ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.):

"Дуо ибодатиниг мағзидир" – деганилар.

Баңдага ярашадиган иш ўзининг ожиз, Аллоҳининг ёрдамига муҳтоҷ эканини билди ва Аллоҳининг марҳамат эшигига боп уриб, Унинг марҳаматидан умидвор бўлиш ва қўлини дуога очишидир. Ислом динида дуо қылган инсон дуо қилмаган инсонга ишебатан марҳаматга лойиқроқдир. Дуо фақаттиша памозда ёхуд диний маросимларда эмас, балки ҳар серда қилиниши мумкин. Дуонинг замони ва макони йўқдир.

Инсон дуода Аллоҳдан турли эҳтиёжларини сўрапни билан бирга дуосида сўралиши керак бўлган энг асосий истак, бу Аллоҳининг розилингини топиш, Унинг муборак жамолини кўриш баҳтига муссар бўлишдир.

Иби Аби Ҳотимдан ривоят қилинади. Бир аъробий:

"Эй, Расулуллоҳ, Раббиниз бизга узоқми ёки яқинми? Яқин бўлса, муножот қиласайлик. Узоқ бўлса, Унга ишдо этайлик" деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) сукут сақлаб туриб қолдилар. Шунда Аллоҳ таоло "Бақара" сурасидаги ушбу оятни нозил қилди:

﴿وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادٍ عَنِّي فَإِنِّي قَرِيبٌ﴾

﴿أُجِيبُ دُعَةَ الْمُدْعَى إِذَا دُعِيْتُ﴾

﴿فَلَا تَحْسُنُ أَلِي وَلِيٌّ مُنْوَى لَعْنَهُمْ يَرْثُدُونَ﴾

"Сиздан (эй Мұхаммад), баңдаларим Менинг ҳақимда сўрасалар, Мен уларга яқинман. Менга илтижо қылувчининг дуосини ижобат этурман. Бас, улар ҳам Менинг (даъватларимни) ижобат (қабул) этиб, Менинг

имен келтирсилар, шояд шунда түрін йўлга тушиб кетсалар" ("Бақара", 186).

Яна Раббимиз бу хусусда "Қоғ" сурасининг 16 - оятида шундай марҳамат қиласан:

﴿ وَخَنَّ أَقْرَبَ إِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ الْوَزِيدِ ﴾

"Ва Биз унга бўйин томиридан ҳам яқинроқдиримиз".

**ОҲО ҲАҚИҚА ҚУРДОНӢ ҚАРИМДА
КЕЛГАН ОЯТЛАР**



﴿ أَدْعُوا رَبَّكُمْ تَضْرِغَ وَخُفْيَةً إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِلَاتِ ﴾

"Раббинигизга зорланиб ва хуфёна (овозсиз) дуо қилингиз! Зотан, у ҳаддан ошувчи кимсаларни ёқтирмаиди" ("Аъроф", 55).

﴿ وَأَدْعُوهُ خَوْفًا وَصَمْعًا ﴾

"... ва У зотга (азобидан) кўрқиб, (раҳматидан) умидвор бўлган ҳолинигизда ибодат қилингиз!" ("Аъроф", 56).

﴿ إِنَّمَا يُؤْمِنُ بِقَاتِلَتِنَا الَّذِينَ إِذَا ذُكْرُوا هُنَّا خَرُوا سُجْدًا وَسَجَّلُوا

﴿ سَجَدْرَبِهِمْ وَهُمْ لَا يَشْكُرُونَ ﴾

﴿ الْمَضَاجِعَ يَذْعَنُونَ زَهْمٌ خَوْفًا وَطَمْعًا ﴾

"Бизнинг оятларимизга фақат қачоп у (оятлар) зикр қилинса, сайдә қиласан ҳолларида йиқиладиган ва кибрҳаво қимлаган ҳолларида ҳамду сапо айтни билан

Парвардигорларини поклайдиган зотларгина имон келтирурлар. Уларнинг ёибошлари ўрин-жойларидан йироқ бўйур (яъни тунларини ибодат билан ўтказишиб, оз ухладилар). Улар Парвардигорларига қўрқув ва умидворлик билан дуо-илтижо қўлурлар..." ("Сажда", 16).

﴿أَمْ نُحِبُّ الْمُضطَرُ إِذَا دَعَاهُ وَيُكَثِّفُ الْشَّوَّةَ وَيَجْعَلُكُمْ خَلْفَهُ﴾

﴿الْأَرْضِ أُولَئِكَ مَعَ اللَّهِ قَلِيلًا مَا تَذَكَّرُونَ ﴾

"Ёки ионлож одам дуо қилгани вақтида (*дуосини*) ижобат қиласдиган ва (ундан) ёмонлик (мусибат)ни йўқ қиласдиган ҳамда сизларни ернинг ўрипбосарлари қиласдиган зотми?! Аллоҳ билан бирга (яна бирор) илоҳ борми?! Камдан-кам эслатма олурсизлар!" ("Намл", 62).

﴿وَقَالَ رَبُّكُمْ أَدْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ إِنَّ الظَّبَابَ يَتَنَاهِيُّونَ عَنْ﴾

﴿عِبَادَتِي سَيَدْخُلُونَ جَهَنَّمَ ذَاهِبِينَ ﴾

"Парвардигорингиз: "Менга дуо қилинглар, Мен сизларга (дуоларингизни) мустажоб қиласай", – деди. Албатта, Менга ибодат қилишдан кибр қилган кимсалар яқинда тубан ҳолатда жаҳашамга киурулар" ("Фоғир", 60).



КУРДОННИЙ ӘУОЛАР

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

﴿رَبَّنَا تَقْبِلَ مِنَّا إِنَّكَ أَنْتَ الْعَلِيُّ الْعَلِيُّ رَبُّنَا وَاجْعَلْنَا

سَلِيمَنَ لَكَ وَمِنْ ذَرِيْتَنَا أَمَّةً سَلِيمَةً لَكَ وَارْفُنَا مَنَاسِكَنَا وَثُبُّتْ عَلَيْنَا

إِنَّكَ أَنْتَ الْوَابُ الْرَّجِيْمُ ﴾

1. «Роббанаң тақоббал миниң иннака анта-самийу-л-ъалым. Роббанаң ва-жъалың муслимайни лака ва-мин зуррийятинә умматам-муслиматал-лак, ва-арыңың манасикана ва-туб ъалайың, иннака анта-таввабу-р-рохым».

"Эй Раббимиз, биздан (ушбу амалимизни) қабул эт. Албатта, сен эшитувчи, билүвчесе! Эй Раббимиз, бизни ўзингга бўйни сунувчи қилгиг ва зурриётимиздан ҳам Сенга итоат қиласдиган уммат чиқаргиг. Бизга (қиласдиган) ибодатларимизни ўргатгиг ва тавбаларимизни қабул эт! Албатта, сен тавбаларни қабул этувчи, раҳмли зотдиресан" ("Бақара", 127-128).

﴿رَبَّنَا إِنَّكَ فِي الْذِيْنِ حَسِنَةٌ وَقَدْنَا عَذَابَ النَّارِ﴾

2. «Роббанаң атина фи-д-дунийә ҳасанатав ва фи-л-аҳироти ҳасанатав ва қинна ъазаба-и-шар».

"Эй Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато қиласдиган, охиратда ҳам яхшилик ато этини ва бизни дузах азобидан асраргин" ("Бақара", 201).

﴿رَبَّنَا أَفْرُغْ عَلَيْنَا صَبَرًا وَثِئَتْ أَفْدَامَنَا وَأَنْصُرْنَا عَلَى الْقَزْمِ﴾

آلَّا كُفَّارٍ ﴿٤﴾

3. «Роббана африғ ъалайна қобров ва саббит акдамана ва-исуриә ъала-л-қомми-л-кафирийн».

"Эй Рabbимиз, устимиздан сабру тоқат ёдиргил, қадамларимизни сабит қил ва Ўзинг бизни бу коғир қавм устига ғолиб қил!" ("Бақара", 250).

﴿رَبَّنَا لَا تُوَاجِدُنَا إِنْ كُيْمَنَا أَوْ أَخْطَلَنَا رَبَّنَا وَلَا تُحْمِلْنَا إِصْرًا
كَمَا حَمَلْنَا عَلَى الْذِينَ مِنْ قَبْلِنَا رَبَّنَا وَلَا تُحْمِلْنَا مَا لَا طَاقَةَ
لَنَا بِهِ وَأَعْفُ عَنَّا وَأَغْفِرْنَا وَأَرْحَمْنَا أَنْتَ مُوْلَنَا فَانْصُرْنَا عَلَى
الْقَوْمِ الْكُفَّارِ﴾

آلَّا قَوْمِ الْكُفَّارِ ﴿٥﴾

4. «Роббана ла туахизна ии насийна ав ахто'на. Роббана ва ла таҳмил ъалайна нерон кама ҳамалтахұ ъалаллазйна мии қоблийә. Роббана ва ла тұхаммилнә мә ла тбқота лана бих, ваяфу ъанна ва-ғfir лана вархамнә анта мавлана фа-исуриә ъала-л-қомми-л-кафирийн».

"Эй Rabbimiz, агар унүтсек ёки хато қилсақ, бизни койима! Эй Rabbimiz, биздан илгари үтгайлариниг зымасынга ортап маңаққатпен бизлариниг зымамизга ортма! Эй Rabbimiz, тоқатимиз етмайдигап шарсаны бизга юклаб ташлама! Бизларин афв эт, (генохларимизни) мағфират қил, раҳм айла! Ўзинг хожамизсан! Бае, бу коғирлар қавми устидан ғолиблик ато эт!" ("Бақара", 286).

﴿رَبَّنَا لَا تُرِعْ قَلوبِنَا بَعْدَ إِذْ هَدَيْنَا وَهَبْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً إِنَّكَ

﴿أَنْتَ الْوَهَابُ﴾

5. «Роббана ла түзіг қулұбандың баяда из хадайтана ва ҳаб ланда мил ладунка роҳмада, ишиака анта-л-ваҳҳаб».

"Эй Рabbимиз, бизни ҳидоят йүлиға солғанингдан кейин дилларимизни (хақ йүлдан) оғдирма ва бизга Үз ҳузурингдан раҳмат ато эт! Албатта Сенгина (барча неъматларни) ато эттувчисан!" ("Оли Имрон", 8).

﴿رَبَّنَا إِنَّكَ جَامِعُ النَّاسِ يَوْمَ لَا رَبِّ فِيهِ إِنَّ اللَّهَ لَا يُخْفِي

﴿الْمَيَاد﴾

6. «Роббана ишиака жами'у-н-наси лийавмил ла ройба фіх, ишина-ллобха ла юхлифу-л-майяд».

"Эй Рabbимиз, албатта Сен одамларни бешек (келадиган) Күн (қиёмат)га ишкевчидиресан. Албатта Аллоҳ вальдага хилоф қылмагай!" ("Оли Имрон", 9).

﴿رَبَّنَا إِنَّا فَاغْفِرْ لَنَا دُنُونَنَا وَقَنَا عَذَابَ النَّارِ﴾

7. «Роббана ишиана әманиә фа-ғfir ланда зунұбанды ва қинә ъазаба-н-нәр».

"Эй Rabbimiz, бисалар Сенге имон келтиргапмиз, бас, бизниң гуноҳларимизни магфират айла ва бизни дүзах азобидаи асра!" ("Оли Имрон", 16).

﴿رَبَّ هَبْ لِنِي مِنْ لَدُنْكَ ذِرَّةً طَيِّبَةً إِنَّكَ سَيِّعُ الدُّعَاء﴾

8. «Робби ҳаб лай мил ладунка зуррийатан қойынбатан ишиака самий'у-д-дуъа».

"Раббим, менга (ҳам) ўз хузуришгдан бир пок зурриёт ато эт! Албатта, Сен дуони эшиктувчисан" ("Оли Имрон", 38).

﴿رَبَّنَا وَامْنَأْ بِمَا أَنْزَلْتَ وَاتَّبَعْنَا الرَّسُولَ فَاسْكُنْنَا مَعَ الْمُتَّقِينَ﴾

9. «Роббана әманиә бинә анзалта ва-ттабаъна-р-росұла фактубна маъла-ш-шәхидий».

"Эй Рabbимiz, позил қылған нарасанғта имон келтирдик ва пайғамбарияға әргашдик. Бас, бизни шоҳидлик берувчилар қаторига ёзғын!" ("Оли Имрон", 53).

﴿رَبَّنَا أَغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَإِسْرَافَنَا فِي أَمْرِنَا وَثَبِّتْ أَقْدَامَنَا وَأَنْصُرْنَا﴾

﴿عَلَى الْقَوْمِ الظَّاهِرِينَ﴾

10. «Роббана-ғфири лана зунұбана ва исрөфана фй амринә ва қаббит ақдамана ва-иңсурна ъала-л-қовми-л-қәфириш».

"Эй, Rabbimiz, бизларинің гұнохларимизни ва ишларимиздаги истроғарчиликтаримизни мағфират айла, қадамларимизни (жанг майдонида) сабит қыл ва бу коғири қавм устиға Үзинш бизни болиб қыл!" ("Оли Имрон", 147).

﴿رَبَّنَا إِنَّكَ مَنْ تُدْخِلُ النَّارَ فَقَدْ أَخْرَجْتَهُ﴾

﴿وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنصَارٍ﴾

11. «Роббана ишиака ман тудхили-и-нәро фактод ахзайтахү ва ма ли-з-зәлниміна мин анәбр».

"Эй Rabbimiz! Кимни дүзахга киритсанг, албатта, уни хор қылған бүлурсап. Золимларга эса, ёрдамчилар йүқдір" ("Оли Имрон", 192).

﴿رَبَّنَا إِنَّا سَمِعْنَا مُنَادِيَ يَنْادِي لِلْإِيمَانِ أَنْ ءَامِنُوا بِرِبِّكُمْ فَقَاتَنَا
رَبَّنَا فَأَغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَكَفِرْ عَنَّا بِسْعَاتِنَا وَتَوَفَّنَا مَعَ الْأَبْرَارِ ﴾
رَبَّنَا وَاهْتَنَا مَا وَعَدْنَا عَلَى رُسُلِكَ وَلَا تُخْزِنَا يَوْمَ الْقِيَمَةِ إِنَّكَ لَا
تَحْلِفُ الْمِيعَادَ ﴾

12. «Роббана ишнанә самиңнә мунадияй йүнәдій ли-л-иңмәни ап әмину би роббикүм фа-әманнә. Роббана фағыр лапә зүнүбана ва каффир ъаниң сайдиатинә ва таваффанә маъза-л-аброр. Роббана ва әтина ма вәъаттанә ъалә русулика ва лә түхзинә йавма-л-қийәмати ишнака лә түхлифу-л-мійәд».

"Эй Раббимиз! Биз: "Раббингизга имон келтиринг!" – деб имонға чорлаган жарчи (Мұхаммад алайхиссалом) ии эшилдик ва дархөл имон келтирдик. Раббимиз! Гүнохларимизни кечир, қылған хатоларимизни ўчир ва бизларни солиҳ кишилар қаторида вафот эттири! Эй Раббимиз! Бизларга пайғамбарларинг орқали вагъда қылған парсалиарингни ато эт ва бизларни қиёмат кунида шармеор қылмагин! Албатта, Сен вагъданға хилоф қылмагайсан" ("Оли Имрон", 193-194).

﴿أَللَّهُمَّ أَنْزِلْ عَلَنَا مَاءَدَةً مِنَ السَّمَاءِ تَكُونُ لَنَا عِيدًا لِأَولَانَا
وَأَخْرَنَا وَإِيَّاهُ مُنْذِكٌ وَأَرْزُقْنَا وَأَنْتَ حَنْزُ الرَّزْقِينَ ﴾

13. «Аллахумма, роббана аизил ъалайнә майдатам мина-с-самән такүиу лапә ъийдал ли аввалиниә ва әхиринә ва әйатам минка ва-рзуқиә ва анта ҳойру-рәзиқий».

"Аллоҳим, эй Раббимиз. Бизга осмондан (бир) даастурхон туширгинки, у аввалу охиримиз учун байрам ҳамда

Сендаң (бизге) мұғызда бүлесін. Бизни (үпдан) ризқ-лантир. Сен ризқлантирувчиларшың яхшиесидирсан" ("Моида", 114).

﴿إِنِّي وَجَهْتُ وَجْهِي لِلَّذِي فَطَرَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ حَتَّىٰ

﴿وَمَا أَنَا مِنَ الْمُشْرِكِينَ﴾

14. «Инни важжахту важхийа ли-ллаҳий фаторо-самавәти ва-л-ардо ҳанийфав ва мә ана мина-л-мушрикін».

"Мен түрі йўлни ташлаган ҳолимда юзимни осмонлар ва ерии яратған зотта қаратдым. Мен мушриклардан эмасман" ("Анъом", 79).

﴿إِنِّي هَدَنِي رَبِّنِي إِلَى صِرَاطٍ مُّسْتَقِيمٍ دِينًا قَيْمَاتٍ مَّلَةً إِبْرَاهِيمَ حَتَّىٰ

﴿وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ﴾

15. «Иннаның ҳадайі роббій илә қызынан мұстакиймии діннан қийамам миллата Ибрәхім ҳанийфав ва мә кана мина-л-мушрикін».

"Албатта, Раббим менің түрі йўлга – рост динға – (хақ йўлда) барқарор Иброҳимнинг динига ҳидоят қилди. У мушриклардан эмас эди" ("Анъом", 161).

﴿رَبَّنَا ظَلَمَنَا أَنْفَسَنَا وَإِنْ لَّمْ تَغْفِرْ لَنَا وَتَزْحِمَنَا لَنَكُونَنَا مِنَ

﴿الْخَيْرِينَ﴾

16. «Роббана золамиң апфусана ва ил лам тағғирланы ва тархамна ланакүннанна мина-л-хәсириң».

"Эй, Раббимиз! Биз ўзимизга зулм қылдик. Агар бизни мағфират ва бизге раҳм қылмасаңг, албатта, зиён күрүвчилардан бўлиб қолурмиз" ("Аъроф", 23).

﴿رَبَّنَا لَا تُجْعِنْنَا مَعَ الظَّالِمِينَ﴾

17. «Роббанә лә тажъалнә маъа-л-қовми-з-зблимий».

"Эй, Раббимиз! Бизларни бу золимлар қавми билан бирга қилиб қўймагин" ("Аъроф", 47).

﴿رَبَّنَا أَفْعَحْ بَيْتَنَا وَبَيْنَ قَوْمَنَا بِالْحَقِّ فَأَنْتَ خَيْرُ الْفَقِيرِينَ﴾

18. «Роббанә-фтах байнаанә ва байна қовминә би-л-ҳаққи ва анта ҳойру-л- фатихий».

"Эй, Раббимиз, биз билан қавмимиз ўртасида ҳақиқий ажримлик ато эт! Сен ажрим қилувчиларининг яхшиендиресан" ("Аъроф", 89).

﴿رَبَّنَا لَا تُجْعِلْنَا فِتْنَةً لِّلْقَوْمِ الظَّالِمِينَ﴾

﴿وَلَخَنَّا بِرَحْمَكَ مِنَ الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ﴾

19. «Роббанә лә тажъалнә фитнатал-лил-қовми-з-зблимий. Ва нажжинә бироҳматика мина-л-қовми-л-қафирий».

"Раббимиз, золимлар қавмига бизни фитна (алда-нувчи) қилиб қўймагин. Ва Ўз раҳматиниг билан бизни коғирилар қавмидан халос этгун" ("Юнус", 85-86).

﴿رَبِّ إِنِّي أَغُوذُ بِكَ أَنْ أُتَلَّكَ مَا لَيْسَ لِي بِهِ عِلْمٌ﴾

﴿وَلَا تَغْفِرْ لِي وَنَرْحَمْنِي أَكُنْ مِّنَ الْخَاسِرِينَ﴾

20. «Робби ишнай айўзу бика ан ас'алака ма лайса лй бихи ъилмув ва илла тағфирий ва тарҳамий акум мина-л-ҳисирин».

"Раббим, мен Сендан үзим (яхши) билмаган нареани сұрапшимдан паноқ тилайман. Агар мени мағфират этмасаңг жаңыра қылмасаңг, албатта, зиён күрүчилардан бўлурман" ("Худ", 47).

﴿إِنِّي تَوَكَّلْتُ عَلَى اللَّهِ رَبِّيْ وَرَبِّكُمْ﴾

﴿مَا مِنْ دَاءٍ إِلَّا هُوَ أَحْدَدُ بِنَا صِرَاطَهُ﴾

﴿إِنَّ رَبِّيْ عَلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ﴾

21. «Иншай таваккалту ъалаллаҳи роббий ва роббикум мә мин дәббатин иллә хува аҳизум бинасыятиха инна роббий ъала сиротим мустақим».

"Албатта, Мен Раббим ва Раббинигиз – Аллоҳга таваккул қилдим. Ўрмаловчи (жонивор) борки, ушпиг ишонихтиёри (тасарруфни) Унинг қўлиидадир. Албатта, Раббим тўгри йўлдадир" ("Худ", 56).

﴿أَنْتَ وَلِيٌّ فِي الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ تَوْفِينِي مُسْلِمًا وَالْجَحْنَمِ بِالصَّابِرِينَ﴾

22. «Анта валийин фи-д-дунйа вал-аҳироти таваффани муслимав ва алхиний би-с-сблиҳийн».

"Дунёю охиратда Ўзинг валийимсан. (Ажалим еттанды) мусулмон ҳолимда жонимни ол ва мени солиҳлар (қатори)га қўшигин" ("Юсуф", 101).

﴿رَبِّ اجْعَلْنِي مُقِيمَ الْصَّلَاةَ وَمِنْ دُرْبِنِي زَيَّنَا وَتَقْبَلْنِي دُعَاءَ﴾

﴿رَبَّنَا أَغْفِرْ لِي وَلِوَالِدَيَ وَلِلْمُؤْمِنِينَ يَوْمَ يَقُومُ الْحِسَابُ﴾

23. «Роббижъалий муқийма-с-солати ва мин зуррийиати роббана ва тақоббал дуъа. Роббана-ғfir лий ва-ли-валидайя ва ли-л-му'минина йавма якўму-л-хисаб».

"Эй Рabbим, мени ва зурриётларимдаи (бўлган фарзандларимни) шамозни тўкис адо этувчи қилгин. Эй Rabbimiz, дуоимни қабул эт! Эй Rabbimiz, ҳисоб қилинадиган (қиёмат) куни менин, ота-онамин ва (барча) мўминларни мағфират қилгин!" ("Нброҳим", 40-41).

﴿رَبِّ أَرْجُمْهَا كَمَا زَيَّانِي صَغِيرًا﴾

24. «Робби-рҳамхумә камә роббайәй қоғийрб».

"Рabbim! Мени улар гўдаклик чоғимда тарбияла-ганиларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин" ("Иеро", 24).

﴿رَبِّ أَذْخَلَنِي مَذْخَلَ صَدِيقٍ وَآخِرَ جَنِي﴾

﴿عَرَجْ صَدِيقٍ وَآجَعَلْ لِي مِنْ لَدُنْكَ سُلْطَنًا نَعِيْرًا﴾

25. «Робби адҳилнй мудҳола сидқив ва аҳрижий мухроҷа сидқив важъал ли миң ладунка султбаи насыйрб».

"Эй Rabbim, мени (қабрга) содиқлик билан (генохларим кечирилган ҳолимда) киритгин ва (тирилтирганингда ҳам) содиқлик (розилигинг билан) чиқаргии ҳамда мени учун ўз даргоҳинингдан бир мадад берувчи қувват ато эт" ("Иеро", 80).

﴿رَئَنَا وَاتَّنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً وَهُنَّ لَنَا مِنْ أَمْرِنَا رَشَدًا﴾

26. «Роббаниә ётниә миң ладунка роҳматав ва ҳайниланә мин амрина рошада».

"Эй Rabbimiz! Бизларга ўз ҳузуринингдан раҳмат ато эт ва бизларнинг ишимизни ўзинг тўғирла" ("Каҳф", 10).

﴿إِنَّ اللَّهَ زَقِيلٌ وَلَا إِشْرُكٌ بِرَبِّنِيْ أَحَدًا﴾

27. «Аллāху роббī ва ла ушрику бироббī аҳадā». "Аллоҳ Рabbimdir ва Rabbigmga ҳеч кимни шерик қылмайман" ("Каҳф", 38).

﴿رَبِّ أَشْرَحْ لِي صَدْرِي وَفَتَرَلِي أَمْرِي﴾

﴿وَأَخْلُنْ عَقْدَةً مِنْ لِسَانِي يَفْقَهُوا قَوْلِي﴾

28. «Робби-шраҳ лі қодрī ва яссир лі амрī, ва-хлул ъукдатам мил лисаній, яфқохұ көвлій».

"Эй, Рabbim, бағримни кеңг қыл. Ишимни осоп қыл. Тилемдан туганини (дудуқликни) ечиб юборгин. (Токи) улар (қавмим) гапимни аягласынлар" ("Тоҳа", 25-28).

﴿رَبِّ زَنِي عِلْمًا﴾

29. «Робби зидній ъылман».

"Эй Рabbim, менга илмни зиёда эт" ("Тоҳа", 114).

﴿إِنِّي مَسَئِي الظُّرُورَةَ وَأَنَا أَزْحَمُ الرَّجُوبَاتِ﴾

30. «Аиний массанийа-д-дурру ва анта архаму-р-рәхимій».

"(Парвардигорим), албатта, мени зарар тутди. Үзиніг раҳмлиларнинг раҳмлисисап" ("Анбиё", 83).

﴿لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَنْكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ﴾

31. «Ла илла илла анта субҳанака иини кунту мина-3-зблімійн».

"Сендан ўзга Илоҳ йүқ. Сен (барча) нуқсоилардан покидресан. Албатта, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим" ("Анбиё", 87).

﴿رَبِّ لَا تَذَرْنِي فَرِذَا وَأَنْتَ خَيْرُ الْوَرِثَةِ﴾

32. «Робби лә тазарнй фардав ва анта ҳойру-л-вәриесін».

«Эй Раббим, мени әлғиз ташлаб қўйма (меросхўр фарзанд ато эт), Ўзинг ворислариниг яхширгидирсан» ("Анбиё", 89).

﴿رَبِّ أَحْكُمْ بِالْحَقِّ وَرَبِّنَا أَلْرَحْمَنُ الْمُسْتَعْنُ عَلَىٰ مَا تَصْفُونَ﴾

33. «Роббиҳум бил ҳакки ва роббуна-р-роҳмани-л-мустаъдану ъалам тасыфун».

«Эй Раббим, Ўзинг ҳаққоний ҳукм қилгии. Раббимиз меҳрибондир ва сизлариниг (ноўрин) сифатлашлагизга қарши Үндсан мадад сўралувчидир» ("Анбиё", 112).

﴿رَبِّ فَلَا تَجْعَلْنِي فِي الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ﴾

34. «Робби фалә тажъалнй фил қовми-з-зблимийн».

«Раббим, мени золимлар қавми ичида қилмагин» ("Мұьминун", 94).

﴿رَبِّ أَغُوذُ بِكَ مِنْ هَمَزَتِ الْشَّيْطَانِ﴾

﴿وَأَغُوذُ بِكَ رَبِّ أَنْخَضْرُونَ﴾

35. «Робби аъўзу бика мин ҳамазәти-ш-шайәтыйн ва аъўзу бика робби ай яхзурўн».

«Эй Раббим, Мен Сендан шайтошлариниг васвасаларидан паноҳ беришингни сўрайман! Яна мен Сендан, Эй Раббим, улар менинг ҳузуримга келишларидан паноҳ сўрайман» ("Мұьминун", 97-98).

﴿رَبَّنَا إِمَانًا فَاغْفِرْ لَنَا وَأَرْتَهْنَا وَأَنْتَ خَيْرُ الْرَّحْمَنِ﴾

36. «Роббанә әманиә фа-ғфирилланә ва-рҳамнә ва анта ҳойру-р-рәҳимийн».

"Эй Рabbimiz! (Үзінг) имон көлтирдик. Бае, бизларни мағфират қылғын ва бизларга раҳм айла. Сен Үзинг раҳм қилувчиларниң яхинесидирсан" ("Мұъминуи", 109).

﴿رَبِّ أَطْفَلَ وَأَزْحَمَ وَأَنْتَ خَيْرُ الْجِنِينَ﴾

37. «Робби-ғифир ва-рҳам ва анта ҳойру-р-рәҳимін».

"Эй Рabbim, (генохларимизни) мағфират эт ва (холимизга) раҳм айла! Сен (үзинг) раҳм қилувчиларниң яхинесидирсан" ("Мұъминуи", 118).

﴿رَبَّنَا أَصْرَفْ عَنَّا عَذَابَ جَهَنَّمَ إِنَّ عَذَابَهَا﴾

﴿كَانَ غَرَامًا ۝ إِنَّهَا سَاءَتْ مُشْتَقَرًا وَمُقَاماً ۝﴾

22 38. «Роббана-сриф ъаинә ъазаба жаһаннама иниң ъазабаха канағорома иниң сә'ат мустакорров ва муқдома».

"Эй, Rabbimiz, Үзинг бизлардан жаһапнам азобини даф этгии. Дархәқиқат, унинг азоби ҳалокатлидир. Албатта, у әнг ёмон қароргоҳ ва әнг ёмон мақомдир" ("Фурқон", 65-66).

﴿رَبَّنَا هَبَّ لَنَا مِنْ أَرْوَاحِنَا وَدُبَّلَنَا فَرَّأَ أَعْنَفَ﴾

﴿وَاجْعَلْنَا لِلنَّعِيْتِ إِنَّمَا﴾

39. «Роббана ҳаб ланә мин азважинә ва зуррийятинә куррота аъйуннин ва-жъалия ли-л-муттақинна имама».

"Эй, Rabbimiz, хотииларимиздан ва зурриётларимиздан бизларга күз қувончиниң баҳш эт ва бизларни тақводорларга пешіво қылғын!" ("Фурқон", 74).

﴿رَبِّ أَوْزِعْنِي أَنْ أَشْكُرْ بَعْنَالَكَ الَّذِي أَنْعَمْتَ عَلَيَّ وَعَلَى وَلَدِي﴾

وَأَنْ عَمَلَ صَلَحًا تُرَضِّهُ وَأَذْخَلَنِي بِرَحْمَتِكَ فِي عِبَادِكَ

الصلحيت

40. «Робби авзынның ашкуро ниъматака-ллатың аньамта ъалайха ва ъала валидайха ва аң аымала сөлихан тардыху ва адхилий бироұматика фи ъибадика-с-сөлихин».

"Эй Рabbim, менни Сен үзим ва ота-онамга ниъом этгаш неъматингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бұладиган яхши амалларнигиша қилишга муваффак эттинг ва Ўз фаалинг билан солиҳ бапдаларниг қаторига кириптинг" ("Намл", 19).

﴿رَبِّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي فَاغْفِرْ لِي فَغَفَرْ لَنِّي﴾

إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ

41. «Робби иниң ژоламту нағсары фагофаро лаҳұ иннахұ хува-л ғоғұру-р-рохім».

"Эй Rabbim, албаттa, мен үзимга зулм қилиб қўйдим. Бас, менни мағфират эт", деди. (Аллоҳ) уни мағфират этди. Албаттa, Унинг Ўзигина мағфиратли ва раҳмли Зотдир" ("Қосас", 16).

﴿رَبِّ هَبْ لِي مِنَ الْصَّلَحِينَ﴾

42. «Робби хаб-лай мина-с-сөлихин».

"Эй Rabbim, Ўзинг менің солиҳ (фарзанд) лардан ато эттинг" ("Соффат", 100).

﴿رَبُّنَا وَسَمِّتَ كُلَّ شَيْءٍ رَّحْمَةً وَعَلَمًا فَاغْفِرْ لِلَّذِينَ تَائُوا وَاتَّبَعُوا

سَيِّئَاتَ وَقِيمَهُ عَذَابَ الْجَنَّمِ﴾ رَبُّنَا وَأَذْخَلَنِي جَنَّتَ عَدَنَ الَّتِي

وَعَدَنَّهُمْ وَمَنْ صَلَحَ مِنْ وَابْنَيْهِمْ وَأَرْوَاحِهِمْ وَذَرَنَّهُمْ إِنَّكَ أَنْتَ

الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ وَقَهْمُ الْسَّيْنَاتِ وَمَنْ نَقَ الْسَّيْنَاتِ يُؤْمِنُ فَقَدْ

رَجَمَهُ وَذَلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿٤﴾

43. «Роббана васиъта кулла шай'пр роҳматав ва ылмә, фа-ғифир лиллазына табў ва-ттабаъу сабілака ва қиҳим ъазаба-л-жаҳим. Роббана ва адҳилхум жаниати ъадни-ллати ваъттахум ва ман солаҳа мин абнҳим ва азважихим ва зуррийатихим, иннака анта-л-ъазизу-л-ҳаким. Ва-қиҳиму-с-сайиат ва ман таки-с-сайиати йавма-изин фақод роҳимтах, ва залика хува-л-фавзу-л-ъазыйм».

"Эй Раббимиз, Ўзинг раҳмат ва илм жиҳатидан барча нарсадан кенгдиресан. Бас, тавба қилған ва йўлинига эргашган кишиларни мағфират эт ва уларни дўзах изобидан сақла. Эй Раббимиз, уларни ҳам, уларнинг ота-боболари, жуғити ҳалоллари ва зурриётлари орасида солиҳ бўлған кишиларни ҳам Ўзинг уларга вайда қилған майгу жаниатларга доҳил қилгин. Албатта Сен қудрат ва ҳикмат соҳибидирсан. Ўзинг уларни барча ёмонликлардан аерагин. Кимни ўша Куида (қиёматда) ёмонликлардан асрасанг, бас, ҳақиқатан унга раҳм қилибсан. Мана шу улкан ютуқдир".

لَرَبِّ أَوْزَعْنِي أَنْ أَشْكُرْ بِعْمَلَكَ الَّتِي أَنْعَمْتَ عَلَيَّ وَعَلَى وَلَدِيَ وَأَنْ

أَعْنَلَ صَلِحًا تَرْضِيهِ وَأَصْلِحَ لِي فِي ذَرِيَتِي إِنِّي تَبَتَّ إِلَيْكَ وَإِنِّي مِنْ

الْمُسْتَمِئِنِينَ ﴿٤﴾

44. «Робби авзиъий ан ашкуро ииъматака-ллати авъамта ъалайя ва ъалә валидайя ва ан аъмала сөлиҳан тардбуху ва аслиҳ лї фї зуррийати ииний тубту илайка ва ииний мина-л-муслимий».

"Эй Рabbim, менга ва ота-онамга шығыом этган неъматиншта шүтүр қилишига ва Ўзинг рози бўладиган солиҳ амалини қилишига мени муваффақ этгии ва мен учун зурриётимни иелоҳ эт. Албатта, мен Сенга тавба қилдим ва албатта, мен мусулмонлардаңдирман" ("Аҳқоф", 15).

﴿رَبَّنَا أَغْفِرْ لَنَا وَلَا حُوِّنَا الَّذِينَ سَبَّوْنَا بِالْإِيمَنِ وَلَا تَجْعَلْ﴾

﴿فِي قُلُوبِنَا غَلَّا لِلَّذِينَ إِمْتُوا رَبَّنَا إِنْكَرُوا فَرَحْمٌ﴾

Роббанағ-ғир ланә ва ли-иҳванина-ллазйна сабакүнә бил иймән ва лә тажъал фй қулубинә гиллал-лиллазйна ҳманў, роббанә шинака роўфу-р-роҳим».

"Эй Рabbимиз! Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари имон билап ўтганиларни мағфират қилгии ва қалбларинизда имон келтирган зотларга ишебатангина пайдо қилмагин. Эй Рabbимиз, албатта, Сен меҳрибон ва раҳмлидирсан" ("Ҳашр", 10).

﴿رَبَّنَا لَا تَجْعَلْنَا فِتْنَةً لِلَّذِينَ كَفَرُوا وَأَغْفِرْ لَنَا رَبَّنَا﴾

﴿إِنْكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ﴾

46. «Роббана лә тажъалиә фитната-л-лиллазйна кафарў ва-ғфирил лана роббана шинака анта-л-ъазнизы-л-ҳаким».

"Эй Rabbimiz, бизни коғир бўлган кимсаларга алданувчи қишиб қўйма, бизни мағфират эт. Эй Rabbimiz, албатта, Сенинг Ўзинг қудрат ва ҳикмат соҳиби дирсан" ("Мумтаҳана", 5).

﴿رَبَّنَا أَتْعِمْ لَنَا نُورَنَا وَأَغْفِرْ لَنَا﴾

﴿إِنْكَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾

47. «Роббанә атмим лапа шуронә вагфири-ланы, ишака ъалә күлли шай'ин қодір».

"Эй Раббимиз, Үзінг бизларға нуримизни комил қилиб бергін ва бизларни мағфират этгін. Албатта, Сен ҳар нарасага қодирсан" ("Тахрим", 8).

﴿رَبِّنَا أَغْفِرْ لِي وَلِوَالدَّيْ وَلِمَن دَخَلَ بَيْتَنَا مُؤْمِنًا﴾

﴿وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ وَلَا تَرُدُّ الظَّاهِرِينَ إِلَّا تَبَارِ﴾

48. «Робби-ғфирилі ва-ли-вәлидайайа ва лиман даҳола байтия мұ'минав ва лил-му'миніна ва-л-му'минати ва ла тазиди-з-зблиміна иллә табард».

"Эй Раббим, мени, ота-онамни, уйимга мүмнін ҳолда кирған кишиларни ва барча мүмнину мүмниналарни мағфират этгін! Золимларға эса ғақат ҳалокатни зиёда қылғын" ("Нұх", 28).

*ДУОНИНГ ФАЗИЛАДЫ
ХАҚИДА ПАЙҒАМБАРИМІЗДАҢ
РЫВОЯДЫ ҚИЛИНІЛАН ҲАДИСЛАР*



Расулуллох (с.а.в.) "Дуо ибодатнинг үзагицир" деділар ва орқасыдан шу оятни ўқыдилар: "Парвардигорингиз: "Менің дуо қилинглар, мен сизларға (дуоларынгизни) мұстажоб қиласы, – деди" ("Ғоғир", 60). (Термизий, Абу Довуд).

"Аллоҳдан Униңнег фазлидан сұраңг. Албатта, Аллоҳ Уидан сұралашынни яхни күради. Энг ағзал ибодат (уни қилиб) оқибатнин күтишдир".

Ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинған бир ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай деганлар:

"Кимга дуо қилини баҳти мұяссар бўлса, унга раҳмат эшиклари очилади. Аллоҳдан сўраладиган нарсалар ичида Унга энг севимлиси оғият сўравидир. Дуо келадиган бало-қазо ва мусибатларни даф этади. Қазони фақат дуо қайтаради. Сизлар ҳам дуо қилинглар" (Термизий).

Анас (р.а.) ривояти. Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай деганилар:

"Эй умматим, эй асҳобим, ҳар бирингиз барча эҳтиёжларинингизни фақаттини Аллоҳдан истаңг. Оёқ кийиминингизниң ишни узилса ҳам, фақаттини Аллоҳдан сўранг".

"Сизлардан ҳар бирингиз ҳар бир нарсангизни фақат Аллоҳдан сўранг. Ҳатто оёқ кийиминингизниң боғичини ҳам" (Термизий).

"Дуо аввалги ва охирги барча мусибатларни даф этади. Эй Аллоҳниң бандалари, сизлар ҳам дуо қилинг".

"Аллоҳ паздида дуодан кўра азиизроқ нарса йўқдир".

"Аллоҳ таоло ҳаёв ва қарамидан истаңг. Бандалари қўлларини дуога очган вақт Аллоҳ уларни бўш қайтаришдан ҳаёв қиласди" (Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Ҳоким).

"Аллоҳ таолонинг фазли қарамидан истаңг. Аллоҳ таоло истагапларни севади. Ибодатиниг афзали дуо қилиб, иштижасини кутишидир" (Термизий Ибн Масъуддан).

"Дуо ибодатиниг ўзагидир" (Термизий).

Умар (р.а.) ишнинг ўғлидан шундай ривоят қилинади:

"Ҳар бир ишнинг Аллоҳга дуо қиласар эдим. Уловимининг юриницида ҳам Аллоҳдан осонлик беришни сўрар ҳамда бунида севинч ва фарогатни ҳис қиласар эдим".

Умар (р.а.) ишнинг дуоларидан бири қўйидагича эди:

"Аллоҳум! Мени яхини ишонлар билан бирга қил. Мени ёмонлар орасига қўйма. Мени хайрли инсонларга қўш".

"Ким Аллоҳдан истамаса, Аллоҳ газаб қиласди" (Термизий, Ибн Можа).

Аллоҳдан истамаслик, Унга дуо қылмаслик кибр юзасидан
жизни Аллоҳга муҳтоҷ деб билмасликининг бир кўринишидир.

**РАСУЛУЛЛОҲНИНГ ҒУО ҚИЛИШ
ҰСУЛЛАРӢ**



Анас (р.а.) дан ривоят қилинади.

"Расулуллоҳ (с.а.в.) дуо қылганиларида қўлларини
шундай кўтарар эдиларки, қўлтиқларининг опоклигини
кўрар эдим" (Бухорий).

Умар (р.а.) шундай деган:

"Расулуллоҳ (с.а.в.) дуоларини икки қўлларини
юзларига суртиб тамомлар эдилар" (Термизий).

Убай иби Каъб:

"Расулуллоҳ (с.а.в.) бирор учун дуо қиладиган бўл-
салар, дуони аввал ўзларида бошлар эдилар" (Тер-
мизий).

Бунга мисол қилиб Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинган
шу ҳадисини ҳам айтиш мумкин.

Набий (р.а) айтадилар:

"Аллоҳ бизни ва Одининг биродарини раҳмат ай-
ласин".

Ибн Масъуд (р.а.) ривоятига кўра Расулуллоҳ (с.а.в.)
истиғфор ва дуони уч марта тақрорлашдан хушланган эканлар
(Абу Довуд).

Расулуллоҳ (с.а.в.) дуоларини:

سُبْحَانَ رَبِّ الْعَالَمِينَ أَكَلَ الْوَهَابِ

«Субҳана роббийа-л-ъалийи-л-аъла-л-ваҳҳаб» кало-
ми билан бошлар эдилар. (Имом Аҳмад ва Ҳоким).

ДҮОНИНГ ӨДОБИ



Аллоҳ томонидан дуоси қабул бўлишини истаганлар "Анбиё" сурасида айтиб ўтилганидек, рағбат ва қўрқув билан дуо қилибгина қолмай, Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилган ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) тавсия қилган қоидаларга ҳам риоя қилишлари керак. Имом Фаззолийнинг "Ихёу улумиддин" номли асарида дуоси қабул бўлишини истаганлар амал қилиши лозим бўлган ўн қоида Қуръон ва ҳадисга асосланиб, бирма-бир кўрсатилиб ўтилган. Улар қуйидагилар:

1. Рамазон ойи, арафа куни, Ҳайит қунлари, жума куни каби муборак кунларда кўпроқ дуо қилиш.
 2. Ёмғир ёғаётганда ва фарз намозларидан сунг дуо қилиш.
 3. Дуони қиблага юзланиб, қўлларини қўлтиқ кўринадиган дараҷада кўтариб, дуони қўллари билан юзини силаб тутатиш.
 4. Дуо қилаётган вақт овоз баланд (жахрий) ҳам, яширип (маҳфий) ҳам бўлмасдан, шулар ўртасида бўлиши лозим.
 5. Тазаррӯъ ҳолида дуо қилиш. Маъносини билмайдиган дуони қилмаслик.
 6. Умид ва қўрқув билан дуо қилиш.
 7. Қабул қилинишига ишонгани ҳолда дуо қилиш.
 8. Давомли дуо қилиш, қабул бўлмаяпти, деб дуо қилишини ташлаб қўймаслик.
 9. Дуони Аллоҳнинг зикри билан бошлаш.
 10. Дуо қилинганда аввал тавба қилиш, садақа бериш каби Аллоҳ розилиги учун сабаб бўладиган савобли амал қилиш.
- Ушбу ўн қоида Қуръон ва ҳадислар асосида қуйидагича шарҳлаб берилган.

Жума куни хафтанинг энг қадрли қунидир. Бу кунда дуо қилиш ҳақида Абу Ҳурайра (р.а.) дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай деганлар:

"Жума кунинда шундай бир вақт борки, (у вақт жуда

ҳам қисқа) кимининг қилини дуоси шу вақтта тұғри келесі, албатта, ижобат бўлади" (Бухорий).

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу вақтнинг жуда қисқа эканлигини муборак қўллари билан кўрсатгандар. Ушбу вақт ҳақида турли хил фикр бор. Лекин унинг аниқ вақти Пайғамбаримиз томонидан айтиб ўтилмаган. Бу мақбул соатнинг яширип эканлиги жума күнининг фазилатини янада оширади. Агар ушбу мақбул соатнинг вақти айтилса, одамлар фақат ўша вақтга рафбат қилиб, қолганларига эътиборсиз қарашлари мумкин.

Саҳар вақти. Тунининг охирги учдан бир қисми. Куръон ва ҳадисда ушбу вақтта алоҳида эътибор берилган. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилган:

﴿الصَّابِرُونَ وَالصَّدِيقُونَ وَالْقَنِيْتُ وَالْمُنْفِقُونَ

وَالْمُسْتَغْفِرُونَ بِالْأَسْحَارِ﴾

"Улар (тақводорлар) сабрли, садоқатлы, итоатлы, саҳоватлы ва саҳар чоғларида Аллоҳдан мағфират сўрайдиганлардир" ("Оли Имрон", 17).

﴿وَبِالْأَسْحَارِ هُمْ يَسْتَغْفِرُونَ﴾

"Саҳарларда улар (Аллоҳдан) мағфират сўрар эдилар" ("Зориёт", 18).

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ушбу вақт ҳақида шундай деганлар:

"Аллоҳ таоло ҳар куни кечанинг учдан бири қолганды дунё осмонига тушади ва "Мағфират истагин борми? Мағфират қиласан, тавба қилувчи борми, тавбасини қабул этаман, сўровчи борми, сўраганини бераман", дейди. Бу ҳол тоғ оттуича давом этади" (Бухорий).

Бошқа бир ҳадисда "Бу вақтда зини қилган ва бирорининг ҳаққини ейдиганлардан ташқари ҳамманинг дуоси қабул бўлади" деган жумла бор.

"Кечада дуолар қабул бўладиган шундай бир вақт борки, бу вақтда дуо қилиган, дунё ва охират учун Аллоҳдан эҳтиёжларини сўраган ҳамманинг истагани берилади. Бундай соат ҳар кечада бордир" (Муслим).

Рамазон ойи. Бу ой ойлар ичидаги энг бутоқ ва фазилатларга бойлиги, қолаверса, унда минг ойдан ҳам афзал Қадр кечаси борлиги, у кечада Йуръон нозил бўла бошлагани учун у ўн бир ойининг султонидир. Шу сабабли ушбу ойда рад этилган дуолар деярли бўлмайди. Ушбу ойга ҳурмат кўрсатиб, барча шартларнига амал қилиган ҳолда рўза тутиш дуо қабул бўлини учун васила бўлади. Чунки Пайғамбаримиз (с.а.в.):

"Рўзадор ишончининг дуоси рад этилмайди", деб айтганлар. (Термизий).

Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай деганлар:

"Азоп ва иқомат орасида қилинган дуолар рад этилмайди" (Термизий, Абу Довуд, Насаий).

Абу Умомадан ривоят қилинади.

Набий (с.а.в.)дан сўрашди:

"Аллоҳ томошидан энг кўп қабул бўладиган дуо қайси?"

Пайғамбаримиз (с.а.в.) уларга жавобан:

"Гунининг охирги учинчи қисми қолгаңда ва фарз намозлари орқасидан қилинадиган дуо", — дедилар. (Термизий).

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади.

Набий (с.а.в.):

"Баиданинг Раббисига энг яқин вақти сажда қилинададир. У вақт дуони кўпайтиринглар", дедилар.

Дуонинг одобларидан бирни таҳоратли ҳолда қиблага юзланиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.) каби қўлларини қўлтиқ кўринадиган даражада юқорига кўтариш ва охирида иккита кафти билан юзини сплаган ҳолда тутатишдир. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай деганлар:

"Аллоҳдан кафтларнаның ичини очиб сұрашлар, орқасы билан әмас. Кафтларнаның қозынан сурингелар" (Абу Довуд).

Дуонинг одаблардан яна бири овозни мағфиялдик ва жаҳрийлик орасыда пасайтиришдір. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қылған:

﴿إِذْ نَادَى رَبُّهُ بِنَاءَ حَقِيقَةً قَالَ رَبِّنِي وَهُنَّ الْعَظِيمُ بَنِي﴾

﴿وَأَشْتَعَلَ الْرَّاسُ شَيْئًا وَلَمْ أَكُنْ بِدُغَاكِتْ رَبِّ شَيْئًا﴾

"У Парвардигорига хүфёна дуо қилиб, деган эди: "Эй Рabbim, дарҳақиқат менинг сүякларим мұртланып, кексалықдан бошим (соғым) оқарди. Эй Rabbim, мен сенің дуо қилиб (хеч қачон) бағтесіз бўлған әмасман!" ("Марям", 3-4).

﴿قُلْ أَذْعُوا اللَّهَ أَوْ أَذْعُوا الرَّحْمَنَ﴾

﴿أَيَا مَا تَدْعُوا فَلَهُ الْأَسْمَاءُ الْحَسَنَى﴾

﴿وَلَا تُجْهِرْ بِصَلَاتِكَ وَلَا تُخَافِتْ بِهَا وَابْتَغِ بَيْنَ ذَلِكَ سَبِيلًا﴾

"Аллоҳ деб чорланғыз ёки Раҳмон деб чорланғыз. Қаңдай чорласағылар-да (жоиздир). Зоро, У зотининг гүзәл исемлари бордир. (Эй Мұхаммад), намозынаны жуда жаҳрий (баланд овозда, ошкора) ҳам қилиб юбормаң (токи, мұшриклар эшитиб, Қуръонни ҳақорат қылмасынлар) ва ўта мағфий ҳам қилиб юбормаң (токи, саҳобаларнаның тиңглаб-фойдалансынлар). Шуларнаның (яни жаҳрийлик билан мағфийлик) ўртасында йүлни тутиң!" ("Иеро", 110).

Дуо қилаёттанды театраның сақнасында роль ижро этаёттандар спектакли овозни баланд қилиши қатының ман этилады. Аллоҳ фақат самимият ва ихлос билан қилинган дуоларни қабул

қилишиниң унутмаслик керак. Батылар шундай баланд овозда дуо қилишадыки, дуони Аллоҳ учун қилаяптыми ёки одамлар эшитишін учунмы, билиб бўлмайди.

Аллоҳ наиздида дуонинг энг фазилатлиси ёлғиз Ўзигагина қилиниадиган дуодир. Шунинг учун Қуръони каримда келган, Пайғамбаримиз (с.а.в.) таълим берган қаломлар билан дуо қилиш фазилатлироқ. Мәйносини тушунмайдиган ёки ақлга сиғмайдиган дуо қилиш (масалан, Аллоҳим, мени пайғамбар қил, руҳлар билан мулоқот қилишни ўргат каби) мумкин эмас. Қуръони каримда Аллоҳин марҳаматлиларининг энг марҳаматлиси ҳамда мағфиратли ва раҳмли Зот эканлиги бир печа ояти карималарда айтиб ўтилган. Шу сабабли дуо қилаётган инсон Аллоҳнинг мазкур сифатларини эслаб, Унинг азобидан қўрқиб, раҳматидан умидвор ҳолда дуо қилиши дуонинг одобларидан бўлиб, бу хусусда Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилган:

﴿ وَأَدْعُوكُمْ حَوْفًا وَطَمْعًا إِنَّ رَحْمَةَ اللَّهِ قَرِيبٌ مِّنَ الْمُخْسِنِينَ ﴾

"ва У зота (азобидан) қўрқиб, (раҳматидан) умидвор бўлган ҳолингиизда ибодат қилингиз! Аллоҳнинг раҳмати чиройли амал қилувчиларга яққаидир" ("Аъроф", 56).

﴿ تَسْجَدَ قَنْتَرَبِهِمْ عَنِ التَّفَاجُعِ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ حَوْفًا وَطَمْعًا ﴾

"Уларининг ёнибонлари ўрин-жойларидан йироқ бўлур (тунларини ибодат билан ўтказишиб, оз ухлайдилар). Улар Парвардигорларига қўрқув ва умидворлик билан дуо-илтижо қилурлар" ("Сажда", 16).

Шунингдек, Аллоҳ таоло Закариё алайҳиссаломининг дуосини қабул қилганини билдиргандан сўнг шундай марҳамат қилган:

﴿ إِنَّهُمْ كَانُوا مُسِرِّعُونَ فِي الْخَيْرِ وَيَدْعُونَا رَغْبًا وَرَهْبًا وَكَانُوا لَنَا حَشِيعِينَ ﴾

"Дархәқиқат улар (янын мазкур пайғамбарлар) яхши ишларни қилишіга шошар ва Бизга рағбат ва құрқұв билан дуо қиласа әділшір" ("Анбиё", 90).

Довуд алайхиссалом даврида құрғоқчылық бўлди. Халқ дуо қилиш учун ораларидан уч олимни ташлашди. Олимлардан бирни шундай дуо қилди:

"Эй бор Худоё! Китобингда ўзимизга зулм қилғанларни афв этишишимизни билдиридинг. Биз ҳам пағсемизга зулм қилдик. Сенинг мағғиаратининг истаймиз. Бизларни афв эт!"

Иккичи олим эса шундай муножот қилди:

"Аллоҳим, Китобингда құлларни озод қилишишимизни амр этдинг. Биз ҳам қул ўлароқ ҳузурингдамиз. Бизларни озод қил!"

Кейинги олим эса:

"Эй Раббим! Китобингда әшигимизга келған сұровчини ҳайдамаслигимизни, ундан юз ўтираслигимизни буюрдиңг. Биз ҳам сұровчимиз. Раҳмат ҳузурингдамиз. Бизларни бўши қайтарма!"

Аллоҳ раҳмат ёмирини ёғдириб, уларнинг дуолари қабул бўлганини билдириди.

Ҳар бир амал сингари дуо қилишда ҳам ихлос зарур бўлиб, дуоси ижобат бўлишини истаганлар, Аллоҳ уни аниқ кўриб, эшишиб турганига, қабул бўлишига тўла ишонч ва умид билан дуо қилишлари лозим. Қалб ғафлатда бўлиб, фақат тил билан айттылган дуо қабул бўлади деб айттиш жуда мушкул. Дуо қилаётганда "Аллоҳга дуон илтижоним етиб борармикан, мен каби гуноҳкор банданинг дуоси қабул бўлармикан?" деган хаёлларга бормаслик керак. Аввал қылган гуноҳларимиз бизни дуо қилишдан тусиб қўймаслиги лозим. Парвардигоримизнинг раҳмати разабидан устунилиги, унинг чексиз раҳматидан умид узиш куфр эканлигини доим ёдимиизда тугишимиз зарур. Аллоҳ маҳлуқларининг энг ёмони – Иблиснинг:

﴿قَالَ أَنظِرْنِي إِلَى يَوْمٍ يُبَعَّثُونَ﴾

"Мешга улар (инсонлар) тириладиган Күнгача (қиё-маттагча яшаш учун) мұхлат бер" – деган дуосини қабул қилиб:

﴿قَالَ إِنَّكَ مِنَ الْمُنْظَرِينَ﴾

"Албатта, ﴿قَالَ إِنَّكَ مِنَ الْمُنْظَرِينَ﴾ "ардаисан", – деган. ("Аъроф", 14-15).

Анас (р.а.)дан ривоят қилинған ҳадисда Аллоҳнинг Расули шундай деганлар:

"Асло: "Аллоҳим, истасаңг, мени афв эт, истамасаңг, афв этма" деб дуо құлмасаңг. Дуода, албатта, ихлос, ишопиң, қатыятылған бўлиши лозим. Аллоҳ истаганини қиласди. Истамаганини эса асло құлмайди. Уни ҳеч нарса мажбурлай олмайди" (Бухорий, Муслим, Термизий, Абу Довуд, Ибн Можа).

"Аллоҳ томонидан ижобат бўлишинга ишопиб дуо қилинг. Гафлатда ва беҳуда қалб билан қилинған дуони Аллоҳ қабул құлмайди" (Термизий).

"Ким Аллоҳдан сидқидилдан шаҳидликни сўраса, Аллоҳ уни шаҳидлар мартабасига етказади, гарчи тўшагида ўлса ҳам" (Термизий).

Пайкембаримиз (с.а.в.): Аллоҳдан фойда бермаган илмдан, қўрқув ҳис қилиб бўйсунмаган қалдан, тўймайдиган шағедан ва эшитилган, лекин қабул бўлмаган дуодан најжот сўраганлар. У зот (с.а.в.)нинг эшитилиб қабул қилинмаган дуодан Аллоҳдан најжот сўраши дуони гафлат билан қиласиданлар учун эслатмадир. Дуолари қабул бўлишини истаганлар бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Акс ҳолда дуо Қадр кечасидами, Катъбадами ёки дуолар ижобат бўладиган бошқа маконларда қилинса ҳам, қабул бўлмаслиги мумкин.

Мўминга хос фазилат қилаётган ҳар бир ишини гўзал ҳолда ниҳоясига етказиб қўйиншdir. Пайкембаримиз (с.а.в.)

"Амалларниң яхшиси оз бұлса-да, бардавом бүлгашыдир", деб айтғанлар. Шу сабаблы дуо қылған иисон ҳеч қачон бир марта дуо қилиб ташлаб қўймаслиги лозим. Аллоҳниң солиҳ бандалари дуони бир марта қилиб, қабул бўлмаса ташлаб қўймайдилар. Улар ўзларининг ожиз, эртаю кеч Раббилирига муҳтоҷ эканликларини доимо ҳис қилиб яшайдилар, улар учун Аллоҳга дуо қилиб, Үндан ўз эҳтиёжларини сўраш фақатгина ҳузур баҳш этади. Шунинг учун улар Аллоҳга тақрор-тақрор дуо қилишдан чарчамайдилар. Дуолари қабул бўлмаса, бунда ҳам Холиқнинг бир ҳикмати бор эканлигини тушунадилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.):

"Аллоҳниң фазлу қарамидан истанг. Албатта, Аллоҳ истаганиларни севади. Ибодатларниң афзали дуо қилиб иатижасини кутишдир", деганлар. (Термизий).

Дуони тақрор-тақрор қилишнинг фойдасини ушбу ҳадис орқали билиб олиш мумкин.

"Қайси бир мусулмон гуниҳ аралаштирумасдан, қарни дошлиқ алоқасини узмасдан туриб дуо қилса, албатта, Аллоҳ унга ё сўраганини тезда беради ёки ӯшанинг ҳисобича ундан ёмонликни буриб қўяди".

Тингловчилардан бири:

"Ундан бўлса, кўп дуо қиласилик, эй Расулуллоҳ!" деди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) унга жавобан:

"Аллоҳ қўпайтирувчироқдир" дедилар. (Бухорий).

Дуони Пайғамбаримиз (с.а.в.) сингари энг камида уч марта тақрорлашимиз керак. Ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) дуо ва истиғфорни уч марта тақрорлашини хуш кўрганликлари айтилган. Шунингдек, Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг дуода бардавом бўлиш ҳақида шундай ҳадислари мавжуд:

"Шошмасангизлар, албатта, дуонигиз қабул қилинади. Эй Аллоҳниң бандалари, "Мен дуо қилдим, лекин дуоим қабул бўлмади" деб дуо қилмай қўйманглар. Дуонигизда Аллоҳдан кўпгина нарсалар сўранг. Чунки

сизлар истагингизни ўта меҳрибон ва раҳмли Зотдан сўраяпсизлар" (Муслим, Бухорий).

Оламларнинг Парвардиғори, бизларни яратган, ризқимизни берган, ишларимизнинг тадбирини қилиган ва бизларга санаб саноғига стиб бўлмайдиган неъматлар ато этган Зотга мурожаат қилаётганимиз учун доимизни ўзимизнинг ҳожатлардан бошламай, Пайғамбаримиз (с.а.в.) сингари Аллоҳ зикри билан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўз истакларини сўрашдан аввал:

سُبْحَانَ رَبِّ الْعَالَمِينَ الْأَعْلَى وَهَبَابٌ

«Субҳана роббийа-л-ъалийи-л-аъла-л-ваҳҳаб»
каломини айтар эдилар (Имом Аҳмад ва Ҳоким).

Дуо қилаётганда Аллоҳга унинг гўзал исмлари билан мурожаат қилиш ҳам жуда яхши. Чуники Аллоҳ таоло Куръони каримда:

۴۰۷۷ ﴿ وَلِهِ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَى فَادْعُوهُ بِهَا ۚ ۝

"Аллоҳиниг гўзал исмлари бордир. Бас, Уни ўша исмлар билан чорланглар (ёд этинглар)" ("Аъроф", 180).

۴۰۷۸ ﴿ قُلْ أَدْعُوَ اللَّهَ أَوْ أَدْعُوَ الْأَرْجَنْتِنَ ۝
۴۰۷۹ أَيُّا مَا تَدْعُوا فَلَهُ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَى ۝
۴۰۸۰ أَيُّا مَا تَدْعُوا فَلَهُ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَى ۝

"Сен: Аллоҳ деб чорлангиз ёки Раҳмон деб чорлангиз. Қандай чорласангизлар-да (жоиздир). Зоро, У зотнинг гўзал исмлари бордир", деб айт" ("Исрө", 110), – деб марҳамат қилган.

Иброҳим (а.с.) Аллоҳга дуо қилишдан аввал шундай деганлар:

۴۰۸۱ رَبَّنَا إِنَّكَ تَعْلَمُ مَا حَنَقَنِي وَمَا نُعْلِنُ ۝

وَمَا يُنْهَىٰ عَلَىٰ اللَّهِ مِنْ شَيْءٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي السَّمَاوَاتِ

"Эй Рabbимиз, албатта, Сен бізлар яширган нарсаны ҳам, ошкор қылған нарсаны ҳам билурсаи. Аллоҳ учун ерда ҳам, осмонда ҳам бирор нарса мағфий эмас" ("Ибрөҳим", 38).

Пайғамбаримиз (с.а.в.): "Дуоларингизда:

يَا فِي الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ

«Йа за-л-жалали ва-л-икрэм» деб айтишда давом эттинг" деганлар (Термизий).

Яна Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир одамнинг:

38) «Йа за-л-жалали ва-л-икрэм» – Буюклик ва икром соҳиби" деб дуо қылғанини эшлитиб: "Истаганингни сұра, дуоинең изжобат бўлди", деганлар.

Аллоҳнинг исмларини дуонинг бошида ёки охирида ёхуд ҳам бошида, ҳам охирида зикр қилиш мақсадга мувофиқ. Пайғамбаримиз (с.а.в.) қылған дуоларда Аллоҳнинг муборак исмлари баъзан бошида зикр қилинган. Масалан,

اللَّهُمَّ رَبُّنَا يَا مَقْلُبَ الْقُلُوبِ فَاطِرُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ

«Аллахумма, Роббана, йа мүколлиба-л-кулуб, фатыро-с-самавати ва-л-ард» сингари.

Дуонинг охирида эса,

إِنَّكَ حَيْدُّ عَجِيدُ

«иннака ҳамидум-мажид – "Албатта, Сенинг Үзинг мақталған, улугланған Зотсан" ёки

إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

«иннака анта-л-ъазизу-л-ҳаким – Албатта, Сенинг Үзинг билувчисан ва ҳикматли Зотсан" каби .

Дуо қилишдан аввал тавба қилиш, садақа бериш, хафалашиб қолған кишиларидан үзр сұраш сингари Аллоҳ розилиги талабида қылнған амаларнинг барчаси дуоларнинг қабул бўлишига сабаб бўлади. Дуо қилаётган инсон Аллоҳ розилиги учун қылған амалини васила қилиб истагини сўраши мумкин. Бу хусусда бир қисса бор¹.

Ибн Умар (р.а.) дан ривоят қилинади:

Набий (с.а.в.): "Уч пафар киши йўлда кетаётган экаилар, ёмнирда қолибдилар. Тоғдаги ғорга кириб олибдилар. Улар кирған ғорга тоғдан бир ҳирсанг тушиб, чиқадиган йўлларини тўсиб қолибди. Учовлари бир-бирларига:

"Аллоҳ учун қылғап солиҳ амалларнингизга назар солиб, уларни васила қилиб, Аллоҳга дуо қилинглар, шояд, сизларга кушойиш берса", дебдилар.

Улардан бири:

"Эй бор Худоё! Менинг қари ота-онам бор эдилар. Менинг кичик ёшдаги болаларим ҳам бор эди. Уларнинг барчасининг риоясини қылар эдим. Уларнинг олдига қайтиб келсам, сут соғиб, болаларимдан олдин ота-онамга ичирап эдим. Бир куни кеч қолиб, кечасигача кела олмадим. Келганимдан сўнг икковларининг ухлаб қолғанларини кўрдим. Одатдагидек, сут соғдим ва ота-онам икковларининг бош тарафларида уйғотиб юбормай, деб кутиб турдим. Болаларга ичиришини ҳам эп кўрмадим. Болалар очликдан оёғим остида қичқиришар эди. Тонг отгунича шу ҳолда турдим. Агар Сен шу нинни Сенинг розилигининг тиляб қылганимни билсанг, бизга бир тирқин очгин, осмонни кўрайлик", деди.

Бас, Аллоҳ тирқин очди. Ундан осмонни кўрдилар.

¹ Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. З жуз. 24-256. "ШАРҚ" националь-матбия акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент 2003.

Бошқаси эса: "Әй бор Худоё! Мен амакимнің қызига әркаклар аёлларға зиг ашаддай мұхаббат қўйиппалиридек мұхаббат қўйған әдим. Бас, уидан (яқинлик) талаб қилдим. У (қызы) бош тортди. У ўзига юз динор беришими сўради. Мен пулни жамлаб келиб, уни ушлаб, икки оёғи орасига тушибдим. Шунда қиз:

"Әй Аллоҳиниг баңдаси! Аллоҳдан қўрқ! Узукнинг ҳаққини бермасдан очма" деди. (Яъни маҳримни бериб, мени шаръий хотин қилиб олмагунингча менга тегма).

السلام عليك أبا النبي ورحمة الله وبركاته

«Ас-саламу ъалайка айиуха-и-набиййу ва роҳматулләхи ва барокатух».

"Эй Набий, Аллоҳининг саломи, раҳмат ва барокоти сизга бўлсин", деб салом берилиб, давомидан ушбу саловот үқилади:

الصلوة والسلام عليك يا رسول الله

Ас-солату ва-с-саламу ъалайка йа росӯла-ллҳҳ,

الصلوة والسلام عليك يا حبيب الله

Ас-солату ва-с-саламу ъалайка йа ҳабибба-ллҳҳ,

الصلوة والسلام عليك يا نبي الله

Ас-солату ва-с-саламу ъалайка йа набийя-ллҳҳ,

الصلوة والسلام عليك يا أخْلِيلَ اللهِ

Ас-солату ва-с-саламу ъалайка йә ҳолийла-лләх,

الصلوة والسلام عليك يا صَفِيفُ اللهِ

Ас-солату ва-с-саламу ъалайка йә қоғиийа-лләх,

الصلوة والسلام عليك يا خَيْرٌ خَلْقِ اللهِ

Ас-солату ва-с-саламу ъалайка йә ҳойро-ҳолки-лләх,

الصلوة والسلام عليك يا نُورَ عَرْشِ اللهِ

Ас-солату ва-с-саламу ъалайка йә нүро-ъарши-лләх,

الصلوة والسلام عليك يا آمِينَ وَجِيءُ اللهِ

Ас-солату ва-с-саламу ъалайка йә әміна вахийя-лләх,

الصلوة والسلام عليك يا من زَيْنَةُ اللهِ

Ас-солату ва-с-саламу ъалайка йә ман Зайданаҳулләх,

الصلوة والسلام عليك يا من شَرْفَةُ اللهِ

Ас-солату ва-с-саламу ъалайка йә ман шаррофаҳу-лләх,

الصلوة والسلام عليك يا من كَرَمَهُ اللهِ

Ас-солату ва-с-саламу ъалайка йә ман карромаху-лләх,

الصلوة والسلام عليك يا من عَظَمَهُ اللهِ

Ас-солату ва-с-саламу ъалайка йә ман ъаззомаху-лләх,

الصلوةُ وَالسَّلَامُ عَلَيْكَ يَا مَنْ عَلِمَهُ اللَّهُ

Ас-солату ва-с-саламу ъалайка йа ман ъалламаху-ллох,

الصلوةُ وَالسَّلَامُ عَلَيْكَ يَا سَيِّدُ الْأَوَّلِينَ وَالآخِرِينَ

Ас-солату ва-с-саламу ъалайка йа сайнида-л-аввалина вал ахырыйн,

الصلوةُ وَالسَّلَامُ عَلَيْكَ يَا إِيَّاكَ الْمُتَقِبِّلُ

Ас-солату ва-с-саламу ъалайка йа имама-л-муттақийн,

الصلوةُ وَالسَّلَامُ عَلَيْكَ يَا خَائِمَ الظِّيَّنِ

Ас-солату ва-с-саламу ъалайка йа хбтама-и-набийинин,

الصلوةُ وَالسَّلَامُ عَلَيْكَ يَا رَحْمَةَ الْعَالَمِينَ

Ас-солату ва-с-саламу ъалайка йа роҳматал ли-л-ъаламийн,

الصلوةُ وَالسَّلَامُ عَلَيْكَ يَا شَفِيعَ الْمُتَبَرِّئِينَ

Ас-солату ва-с-саламу ъалайка йа шафийъа-л-музинийн,

الصلوةُ وَالسَّلَامُ عَلَيْكَ يَا رَسُولَ رَبِّ الْعَالَمِينَ

Ас-солату ва-с-саламу ъалайка йа росула робби-л-ъаламийн,

صَلَواتُ اللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَأَنْبِيَاهُ وَرُسُلِهِ وَحَكَمَةَ عَرْشِهِ وَجَمِيعِ حَبْقَمَهِ عَلَى سَيِّدِنَا

عَمَيدِ وَعَلَى أَلِيهِ وَضَحِيبِهِ أَجَعِينَ

Солаватуллоҳи ва маләнкатиҳи ва амбийаиҳи ва
русулиҳи ва ҳамалата ъаршиҳи ва жамийни ҳолқиҳи
ъалә саййидинә Муҳаммадив ва ъалә алиҳи ва соҳбиҳи
ажмаъин.

САЛОВОТ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛAR

*САЛОВОТ САБАБ ҚАБР АЗОБИДАН
ҲАЛОС БҰЛДАН ҚИЗ*



Бир замон Ҳасан Басрий хузурига бир аёл келиб, у зотта
дардини айтиб, күз ёшлар түкди. Бу дардманд аёлнинг бир
неча кун күз ёши түкиб, ҳолсизлангани билиниб турад эди.

Ҳасан Басрий аёлдан:

— Бирор истагингиз борми? — деб сүради.

— Устоз, қизим дүнёга түймасдан ёш ҳолида вафот этди.
Үзингиз тушунасиз, опалик ҳоли, фарзандим учун куйиб
шемоқдаман. Қизимни бир маротаба бўлса ҳам тушимда
куришини истайман. Бунинг бир йўли, усули бор бўлса, Аллоҳ
розилиги учун менга ўргатинг.

Ҳасан Басрий:

— Сенга бир йўл кўрсатаман. Шуни қилиб, зора, қизингни
тушингда кўрсанг. Хуфтон намозидан сўнг Аллоҳ розилиги
учун алоҳида тўрт ракат намоз ўқи. Намознинг ҳар рака-
тида "Фотиха" сурасидан сўнг бир марта "Такосур" сурасини
тиловат қил. Намоз тутаганидан сўнг то ухлагунингча
Пайғамбаримизга саловот айт.

Дардманд она кечалари айтилганидек ибодат қилиш ва
саловот айтиш билан машрул бўлибди. Бир куни у қизини
тушида қўради. Қизнинг оёқ-қўлига оловдан занжирлар
тақилган, оловдан кийим кийган эди. Аёл қўрқиб уйғонади
ва тезликда Ҳасан Басрийнинг хузурларига келиб, курган
тушини айтиб беради. Шунда Ҳасан Басрий аёлга:

— Марҳум қизнинг ҳаққига хайрли амал қил, садақа бер. Үлганилар учун қилиниадиган бундан хайрли иш йўқ — деди.

Аёл қизи учун садақалар берди, дуолар қилди. Аллоҳдан қизи учун магфират тилади.

Бир куни Ҳасан Басрий тушларида жанинат боғларини кўради. Боғлардан бирининг ўртасида бир кўшк, кўшкнинг ичидаги ўша аёлнинг ёш ва гўзал қизи, эгнида эса нурли кийимлар. У зот қиздан сўради:

— Сепинг онаиг сени жаҳанинамдаги олов ичидаги кўрган эди. Сенинг бу ҳаётинг эса жанинат ҳаётидир!?

Қиз: — Аввалги ҳолим онам кўрганин каби эди. Аллоҳининг севимли дўстларидан, солиҳ бандаларидан бир зот Пайғамбаримиз (с.а.в.)га айтган бир қанча саловотлари савобини менга бағишлади. Шу сабаб Аллоҳ таоло мени афв этди" — деб жавоб берди.

Ҳасан Басрий дарҳол қизнинг онаси ёнига бориб, тушини унга айтиб беради. Аёл:

— Ҳазратим, бундан бўён Пайғамбаримиз (с.а.в.)га доимо саловот айтиб юраман, — деди.

ДУОЛАР ҚАЕЧЛ ҶУЛИШИЛ ОИД ҲИКОЯЛАР



Ўз даврида золимлиги билан танилган Ҳажжожи золим деган бир киши бор эди. Одамлар уидан қўрқиб, Аллоҳдан паноҳ тилар эдилар. У ўзининг зулми билан қанчадан-қанча инсонларниг ёстигини қутирган эди.

Кунлардан бир куни Ҳажжожи золим гўзал ахлоқли бир одамни сабабсиз қамоққа ташлаб, қўлларини кишанлаб қўйди. Қамоқхонада ётган бу муборак инсон қўлларини юқорига кўтариб шуидай дуо қилди:

وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِكَ الْحَلْقُ وَالْأَمْرُ

«Ва лә ҳавла ва лә қуввата илла бик лака-л-холку вә-л-амр».

Яъни "Куч ва қувват яратувчига хосдир. Яратиш ва амр қилиш фақат Ундаидир".

Оқшом бўлгандан соқчилар ҳамма эшикларни ёпдилар. Атрофда унга ёрдам берадиган ҳеч ким қолмаган эди. Тоиг ёришган вақт соқчилар қамоқхонага бордилар. Лекин қамоқда бир дона тароқдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарса йўй эди. Золимга нима деб жавоб беришини ўйлаб қўрқ-қаш соқчи унинг ҳузурига келиб, бўлиб ўтган воқеани унга англатди. Ҳажжоқ соқчидан сўради:

- Қамоқхонада у нима деган эди?
- Шудай дуо қилған эди, — деб соқчи юқоридалги дуони ўқиб берди.
- Ундаи бўлса, айб сенда әмас. Дуо сабаб у қутулди, — деди.

* * *

Солиҳ инсонлардан бири ривоят қиласди.

Оёғимнинг суяги қайрилиб қолган эди. Бир неча кун оғриб, менга азоб берди. Кундан-кунига оғриқ кучаяр эди. Оғриқларга чидай олмай, Аллоҳга ихлос билан дуо қилдим. Дуо қилаётниб ухлаб қолибман. Тушимда бир илон келиб, оғриётган ва ширинг босган оёғимни ялади ва менга азоб бергаётган бу оғриқдан асар ҳам қолмади. Уйғонганимдан сўнг Раббимга қағча кўп ҳамд айтсан, шунча оз, деб ўйладим.

* * *

Ривоят қилишларича, Набий алайҳиссалом даврларида тижорат билан шуғулланган бир кишининг уйига ўғри тушади. Ўғри тижоратчини ҳам ўлдирмоқчи бўлади, лекин тижоратчи ўғридан қанча молни олса ҳам, уни ўлдирмасликни илтимос қиласди. Ўғри рози бўлмайди. Мол эгаси ўғридан таҳорат олиб, икки ракат намоз ўқиш учун муҳлат бери-

шини сұрайди. Үғри унга мұхлат беради. Тижоратчи дархол таҳорат олиб, иккі ракат намоз үқииди ва намоз орқасидан шундай дуо қиласы:

بَأَرْدُودْ يَا وَدُودْ يَا دَالْعَرْشِ الْمَجِيدِ يَا فَاعِلَّا لَمْ يُؤْدِي أَسْلَكْ بَئُورَ وَجْهَكَ الَّذِي

مَلَأَ أَرْكَانَ عَرْشِكَ وَقَنْدِرَاتِكَ الَّتِي قَدَرْتَ بِهَا عَلَى خَلْقِكَ أَوْ بِرَحْبَاتِكَ الَّتِي

وَسَعَتْ كُلَّ شَيْءٍ يَا مُغِيْثُ أَغْثِنِي يَا مُغِيْثُ أَغْثِنِي

«Йә Вадұд, йә Вадұд әз зал ъарши-л-мажиид йә фаъилал лима йурыйд. Ас'алука би нүри важника-л-лазий мақа-а арқаша ъаршика ва биқұдротника-л-латиј қодарта биҳа ъалә ҳолқика ав бироҳматика-л-латиј васиъат кулла шай', йә муғийсу ағиһи, йә муғийсу ағиһи» (охирги жумлани 3 марта тақрорлады).

Шұбу дуони үқиғанидан сүңг Аллоҳининг амри билан ерга бир фарнита тунади. Үғриниң қаттық боғлаб, тижоратчига шундай дейді:

Биринчи марта «Йә муғийсу» деганингда осмон эшик-лари тақиғлаганини эшитдік. Иккінчи марта шу жумлани айтганингда Жаброил алайхиссалом бу бечорани ким күтқаради, деб сұради. Мен дархол ёрдамға шошилдім. Мана күриб турибсанки, мен ённингдаман. Шуни билғинки, ёрдамға мұхтож бўлғиб, Аллоҳга дуо құлғанларининг дуосини Аллоҳ қабул қиласы.

Шұбу воқеадан сүңг тижоратчи Пайғамбаримиз (с.а.в.) хузурларига келиб, бўлиб ўтган воқеаларни айтиб берди. Пайғамбаримиз (с.а.в.):

“Аллоҳ сениңа Үзиннинг исемларидан бўлғаш шундай бир муборак исемларни ўргатибдики, у исемлар билан дуо қиласынг, шу исемлар ҳаққи Аллоҳ дуосини қабул қиласи”, дедилар.

* * *

Бир одам Расууллоқ (с.а.в.) ҳузурларига келиб ўғли асирга түшиб қолганиншы хабарини беради. Расууллоқ (с.а.в.) унға «Лә ҳавла ва лә қувваты илла билләх» ни күп тақрорлаш кераклигини айтадилар. Ҳалиги одам ўғлиға хабарчи юбориб Расууллоқ (с.а.в.)нинш гапларини етказади.

Асирга тушган одам "Лә ҳавла ва лә қувваты илла билләх"ни давомли айтады. Шундан сүңг қайиш билан боғланған құллари ешилади. Озод бўлған асир чиқиб қараса, түя турған бўлади. Түяга миниб ота-онаси ҳузурига саломат қайтади.

* * *

Аллоҳ таолоннинг гўзал исмларидан бири Роҳманидир. Роҳман барча бандаларига меҳрибон демакдир. Бу исм орқали Аллоҳдан паноҳ тилаганларга паноҳ беради, дуо қилғанларининг дуосини қабул қиласи ва ҳожатмандларнинг ҳожатини раво қиласи. Навбатдаги ҳикоя Аллоҳнинг шу муборак исеми билан дуо қилған инсон ҳақида.

Расууллоқ (с.а.в.)нинш озод қилған қулларидан бири Зайд ибни Ҳорис (р.а.) мушрик билан йўлчилик қиласи. Кимсасиз бир ерга келгандан мушрик уни қаттиқ боғлайди. Зайд (р.а.) ундан сўрайди:

- Нима сабабдан мени боғлаб қўйдинг?
- Сени йўқ қилишини хоҳлайман.
- Нима учун?
- Чунки сен Мұхаммад йўлидасан ва Уни севасан.

Зайд унинш қарори қаттый эканлигини тушуниади ва Аллоҳга ихлос билан шундай дуо қиласи:

«Йа Роҳману ағиһний», яны "Мусулмону коғир барча бандаларига меҳрибон Рabbим, менга ёрдам бер".

Шу вақт мушрикка "Уни қўйниб юбор. Нима учун уни ўлдирмоқчисан", деган овоз эшишилади. У ҳар томонга қараб

чиқади, лекин ҳеч кимни күрмагач, яна уни ўлдиришга шайланади. Зайдга (р.а.) та яқнилашаётгап вакт яна ўша овоз әшитилади. У ҳайрон бўлиб, атрофга янада синчилаб қараб чиқади, лекин ҳеч кимни күрмайди. Яна бир бор Зайд (р.а.)ни ўлдиришга ҳаракат қилаётгап вакт аввалгиндардан ҳам баландроқ "қўйиб юбор уни" деган шиддатли овоз келади. Аллоҳ таолонинг жўнатган бир фариштаси сабабли Зайд (р.а.) қутулиб қолади.

Шунда Зайд ибни Ҳорис (р.а.) :

— Сен кимсан? — деб сўрайди.

— Мен Жаброилман. Илк бор дуо қилган вақтингда Сидратул Мунтаҳода эдим. Иккинчи марта дуо қилганингда биринчи қават осмонда эдим. Учинчисида эса сенинг ёнинита келдим ва сенинг қутқардим.



Аллоҳ таоло Куръони каримда марҳамат қиласы:

﴿إِنَّ عِدَّةَ الشَّهْرِ عِنْدَ اللَّهِ أَكْثَرُ شَهْرٍ فِي يَوْمَ خَلَقَ اللَّهُ بَنِيهِ الْجَنَّاتِ وَالْأَرْضَ...﴾

"Албатта, Аллоҳниң паздиде, ойларниң адади Аллоҳниң осмонлар ва ерши яратын күннеги битигига мувоғиқ — ўн иккى ойдир" ("Тавба, 36").

РАЖАБ ОЙИ

84) Расулуллоҳ (с.а.в.) Ражаб ойи кирганды шундай дуо қиласы әдилар:

اللَّهُمَّ يَا رَبِّكُلَّنَا فِي رَجَبٍ وَشَعْبَانَ وَيَلْعَنَنَا رَمَضَانُ

«Аллахумма барик лана фий рожаби ва шаъбани ва баллиғна ромадби».

"Аллоҳим, Ражаб ва Шаъбон ойлариниң биз учун муборак қыл ва бизни Рамазон ойига етиштир" (Ибн Ҳанбал, Муснад").

Хижрий тақвимігэ күра Ражаб ойларының еттинчеси бўлиб "Ашҳурул-хурум" деб аталган тўрт муқаддас ойдан биридир. Бу ойда "Рагойиб ва Месроҷ" номли иккى муборак кечак бор.

Пайғамбаримиз (с.а.в.): "Ражаб ойи Аллоҳниң, Шаъбон ойи менинг ва Рамазон ойи умматимнинг ойидир", деб айтганилар.

Ражаб сўзи "таҗриб" сўзидан олинган бўлиб, ҳурмат ва таъзим деган маъноларни билдиради. Аллоҳ таоло бу ойга ҳурмат кўрсатиб, рўза туттанларни ва ибодат қилганларни мағфират қиласы, юксак даражалар эҳсон этади.

Ражаб жанинатдаги сутдан оқ ва болдан ширин бўлган бир нахрининг номи эканлиги, Қиёмат куни унинг сувидан Ражаб ойида рўза туттганлар ичишлари ҳақида хабар берилган.

Ражаб ойида тутилган рўзалар ва қилинган ибодатлар гуноҳлардан поклагани боис бу ойининг яна бир номи "Шаҳрул мutoҳҳар"дир. Ражаб ойи тавба қилиш ва ҳурмат ойидир. Шаъбон эса муҳаббат ва хизмат ойи. Рамазон ойи яқинлик ва неъмат ойидир.

Зунуну ал-Мисрий шундай деган:

"Ражаб ойи уруғ экинш, Шаъбон ойи уни суюриш ва Рамазон ойи эса ҳосил олиш ойидир. Ҳамма экканини йиғади. Уруғ экмаган одам ҳосил даврида қаттиқ пушаймон бўлади".

Ҳадиси шарифда шундай дейилган:

"Ражаб Аллоҳининг ойидир. Бу ойга ҳурмат кўрсатганилар учун Аллоҳ дунё ва охиратда ҳурмат кўрсатади".

Олимлардан бири шундай деган:

"Сана дараҳт кабидир. Ражаб ойи дараҳтининг барглари бўлса, Шаъбон меваси, Рамазон эса ҳосилни йинкиндири. Ражаб ойи Аллоҳининг магфирати, Шаъбон шафоати, Рамазон эса савоблари чексиз бўлган ойидир".

РАЖАБ ОЙИДА ЎҚИЛАДИГАН ДУОЛАР

Ражаб ойи Аллоҳининг ойи бўлгани сабабли Аллоҳининг сифатларини ўзида кўрсатиб берувчи "Ихлос" сурасини кўп ўқиш керак. Ражаб ойида қуйидаги зикрларни айтиш савобдир.

سُبْحَانَ اللَّهِ الْحَمْدُ لِلَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

10 кун Субҳана-ллохи-л-ҳаййи-л-қойиўм.

سُبْحَانَ اللَّهِ الْأَكْبَرِ الصَّمَدُ

10 күн Субхана-ллоҳи-л-аҳади-с-сомад.

سُبْحَانَ اللَّهِ الْغَفُورِ الرَّحِيمِ

10 күн Субхана-лләхни -л-ғофүри-р-рохим.

Бу тасбөхлар күнда камиде 100 мартадан айтилады.

Рожаб ойида ушбу истиғфорни ҳам ўқиши жуда фойдалы:

أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُومُ وَأَتُوبُ إِلَيْهِ تَوْبَةً عَبْدَ طَالِمٍ

لِتَغْفِيْهِ لَا يَمْلِكُ لِتَغْفِيْهِ مَوْتًا وَلَا حَيَاةً وَلَا شُوْرَا

«Астағфиру-лләх-а-л-ъазы́йма-ллази́й лә иләхә иллә хува-л-ҳайя-л-қойи́ума ва атұбы илайх. Тавбата ъабдин зблимин линағсиҳи ла йамлику линағсиҳи мавтан ва лә ҳайатан ва лә нушурд».

"Нағсига зулм этгаш, ўлдириш, қайта тирилтириш ва қайта түйлашга ожиз баңданинг тавбаси каби Үзидан бошқа илоҳ бўлмаган, тирик ва қоим бўлган улуғ Аллоҳга истиғфор айтаман. Унга тавба қиласман".

РАЖАБ ОЙИ НАМОЗИ

Хожат намози ниятида адо этиладиган 10 ракатлик ушбу намоз рожаб ойининг биринчи ва ўнинчи, ўн биринчи ва йигирманчи, йигирма биринчи ва ўттизинчи кунлари орасида ўқилади. Бу намоз шом ёки хуфтои намозидан кейин ўқилса бўлади. Жума ва якшанбага ўтар кечаси, хусусан, таҳажжуд намози вақтида адо этиш янада афзалроқдир.

Бу намоз учун қуйидагича ният қилинади: "Аллоҳим, ўз ташрифлари билан дүниёни нурга гарқ этган саййидимиз ҳурмати, Сенниг наздингда қадрли бўлган Рожаб ойи ҳурмати, мени илоҳий файзу иноятингдан баҳ-

раманд эт. Обиң да зоҳид баңдалариниг қаторига қайд қил. Дүнё ва охират машаққатларидаи халос айла, холис Сенинг ризоиниг учун ишят қылдим. Аллоҳу акбар".

Иккى ракатдан жами үп ракат адo этиладиган бу намоз-ниң ҳар ракатида бир марта "Фотиҳа", уч марта "Кафирун" ва уч марта "Ихлос" суралари үқилади.

Намоздан сўнг ўн бир марта ушбу дуо үқилади:

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْحَمْدُ
لَهُ الْعَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ وَقَدِيرٌ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

«Лә илāха шлла-ллбху ваҳдаху лә шарīка лах, лаҳу-л-мулку ва лаху-л-ҳамду юхийӣ ва юмийт ва хува ҳайну-л-лâ йамӯт, бийадиҳи-л-ҳойру ва хува ъалâ қулли шай'ин қодиyr».

"Ташҳо Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ илоҳ йўқ. Мулк Уникидир. Ҳамд Унга хосдир. Тирилтирувчи ва ўлдирувчи Удир. У тирикдир. Яхшилик Унгадир. У ҳар нареага Қодирдир".

Ражаб ойининг кейинги ўн кунликларида ҳам айнаи шу шаклда ўн ракатлик намоз үқилади. Фақат намоздан сўнг ўн бир марта қўйидаги зикр айтилади:

إِلَهُهَا وَاحِدًا أَخْدَأْ حَمْدًا فَرَدًا وَثِرَا حَيَّا قَيْوَمًا دَائِيًّا أَبْدًا

«Илāхан вāҳидан аҳадан қомадан фардан витран ҳайян қоййўман дайман абадан».

"Илоҳ, ягопа, битга, беҳожкат, ёлғиз, тоқ, тирик турувчи, қойим Зотдир".

Бу зикрдан сўнг ўн бир марта:

اللَّهُمَّ لَا تَأْنِي لِمَا أَغْطَيْتَ وَلَا مُعْطَنِي لِمَا مَنَعْتَ وَلَا رَأَدَ لِمَا فَظَيْتَ وَلَا مُبْدَلَ لِمَا حَكَمْتَ وَلَا يَنْفَعُ دُلْجَدُ مِنْكَ الْجَدُّ شُبْحَانَ رَبِّ الْعِزَّى الْأَعْلَى الْوَهَابُ شُبْحَانَ رَبِّ الْعِزَّى الْأَعْلَى الْوَهَابُ شُبْحَانَ رَبِّ الْعِزَّى الْأَعْلَى الْوَهَابُ شُبْحَانَ رَبِّ الْعِزَّى الْأَعْلَى الْكَرِيمُ الْوَهَابُ يَا وَهَابُ يَا وَهَابُ يَا وَهَابُ يَا وَهَابُ

«Аллāхумма ла маинъа лимā а́ттойт ва лā мұнътия
лима манаъта ва лā родда лимā қодойта ва лā мубаддила
лима ҳакамта ва лā янифаъу за-л-жадди минка-л-жадд.
Субхāна роббийя-л-ъалийи-л-аъла-л-ваххāb. Субхāна
роббийя-л-ъалийи-л-аъла-л-ваххāb. Йā ваххābu, Йā
ваххābu, Йā ваххāb».

"Аллоҳим, Сен ато этадиган нарсаны ман қиласынан
ва ман қиласынан бері оладиган күч нұқсандыр.
Қазошынан қайтарувчи йүк. Ҳукмнан ўзгартирувчи
йүк. Иқобиғанан қайтарғувчи йүккесидир. Күплас ато этувчи
улуг Раббим шұқсанлардан поксандыр. Күплас ато этувчи
улуг Раббим шұқсанлардан поксандыр. Олий, карим, күплас
ато этувчи Зотин поклик ила ёд этамаси. Эй күплас ато
этувчи, эй күплас ато этувчи, эй күплас ато этувчи",
дуоси үқилади.

РАГОЙИБ КЕЧАСИ

Бу кеча Ражаб ойининг бириңчи жума кечаси (пайшан-
бани жумага боелаган кеча) деб таҳмин қилинади. У мусул-
монлар орасида муқаддас саналған кечалардан биридир.

"Рогаба" сўзи билан ўзакдош бўлган бу сўз бирор нарсаны
исташ, унга рағбат қилиш маъносини билдиради. Мусул-
монлар ушбу кечани ибодат билан кутиб олиб, Аллоҳнинг
раҳмати ва мағфиратини топишга умид қиласидилар. Шу

сабабли у "Рағойиб — рағбат қилинганды" деб номланади, деган ривоятлар бор.

Одамлар орасыда бу кеча Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўн икки ракат намоз ўқиганлари ҳақида ривоятлар бор. Аммо уларниң сағиҳ эканлығига ҳеч қандай ҳужжат-далил йўқ. Бу ҳақда ҳанағий уламолардан "Бахрур роиқ" ва "Раддул Мұхтор" китобларининг муаллифлари ҳам ўз китобларида ёзишган.

Мусулмоилар орасыда "Рағойиб" кечасида ўн икки ракат намоз ўқишиң дастлаб ўн иккинчи асрнинг бошларыда жорий қилинганды. Бу намоз нафила бўлгани учун ўқилса, савоби кўп бўлади. Ўқилмаса гуноҳкор бўлмайди. Ҳожат ниятида ўқиладиган ўн икки ракатлик бу намоз шом ва хуфтон намозлари орасыда адо этилади. Ҳар икки ракатда салом бериш билан адо этиладиган бу намознинг биринчи ракатида бир марта "Фотиҳа" ва уч марта "Қадр" сураси ўқилади.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ ۝ وَمَا أَذْرَكَ مَا لَيْلَةُ الْقَدْرِ ۝ لَيْلَةُ الْقَدْرِ
خَيْرٌ مِّنْ أَلْفِ شَهْرٍ ۝ تَزَوَّلُ الْمَلَائِكَةُ وَالرُّوحُ فِيهَا بِإِذْنِ رَبِّهِمْ فَمَنْ كُلُّ أَنْشَاءٍ

۝ سَلَّمٌ هٰى حَتَّىٰ مَطْلَعِ الْفَجْرِ ۝

«Иниә анзалинаху фи лайлати-л-қодр. Ва мә адрока мә лайлату-л-қодр. Лайлату-л-қодри ҳойрум мин алфи шаҳр. Таңаззалу-л-маләккету ва-р-рӯҳу фийха би-изни роббихим мин кулли амр. Саламун хийа ҳатта мағлаъи-л-ғажр».

"Албатта, Биз у (Құръон) ни Қадр кечасида нозил қылдик. (Эй, Мұхаммад) Қадр кечаси нима эканини Сизга не ҳам англатур?! Қадр кечаси минг ойдан яхши-роқдир. У кечада фаришталар ва Рух (Жаброил) Пар-

вардиорларининг изни билан (осмондан) ерга тушадилар. У кеча тоиг отгунича саломатликдир".

Рукуъ ва саждадан сўнг иккинчи ракатга ўтилади.

Иккинчи ракатда бир марта "Фотиҳа" ва ўн икки марта "Ихлос" сураси ўқилади.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

﴿قُلْ هُوَ اللّٰهُ أَحَدٌ ۝ إِلٰهٌ لَا إِلٰهَ مِثْلُهُ ۝ وَلَمْ يَكُنْ لَّهٗ ۝ كُفُورًا أَحَدٌ ۝﴾

كُفُورًا أَحَدٌ

«Кул хува-ллоҳу аҳад. Аллāху-с-сомад. Лам йалид ва лам йӯлад ва лам йакул лаҳӯ қуфуван аҳад».

"(Эй, Мұҳаммад) айтинг: У Аллоҳ яғонадир. Аллоҳ беҳожат, (лекин) ҳожатбарордир. У тұрмагаш ва туғылмагаш ҳам. Ва Үнға ҳеч ким тенг бүлмаган".

Шу тарзда ўн икки ракат намоз ўқиб бўлингач, етти марта саловоти уммийя, яъни:

اللّٰهُمَّ صَلِّ عَلٰى سَيِّدِنَا مُحَمَّدِ النَّبِيِّ الْأَمِيِّ وَعَلٰى أَلِيِّ وَصَاحِبِيِّ وَسَلِّمْ

«Аллāхумма солли ъалā саййидинā Мұхаммадини-и-набиийи-л-уммийи ва ъалā алихи ва соҳбихи ва саллим» ўқилиб, икки марта саждага борилади. Биринчи саждада 70 марта:

شُبُرُخْ قُلُوسُ رَبِّنَا وَرَبُّ الْمَلَائِكَةِ وَالرُّوحِ

«Суббӯҳун қуддусун роббуна ва роббу-л-маләикати ва-р-рӯҳ», деб айтилгач, саждадан кўтарилиб бир марта:

رَبُّ اغْفِرْ وَارْحَمْ وَتَجَوَّزْ عَمَّا تَعْلَمْ إِنَّكَ أَنْتَ الْأَعَزُّ الْأَكْرَمُ

«Робби-ғfir ва-рӯҳам ва тажаъаз ъаммā таъламу иннака анта-л-аъazzul-акром», дейилади.

Иккинчи саждада бириңчи саждадагидек етмиш марта :

شُبُحٌ فَلْوَسٌ رَّبِّنَا وَرَبُّ الْمَلَائِكَةِ وَالرُّوحُ

«Суббұғұн құддұсун роббуна әле мұстажоб да

ва-р-рұх», деб айтилади. Саждадан тургач, Аллохдан дунё ва охират билан боғлық барча истаклар сүралади.

Айтиб ўтганимиздек, уламолар "Рагойиб" намози ҳақидағи ривоятлар сағиҳ әмаслигини таъқидлаганлар. Юқорида көлтирилған намоз эса бу кечани ибодат билан жонлантиришин истаганлар учун құлланыма сифатида берилған, холос. Уни бажариш мажбурий әмас. Ҳар ким ұзининг тоқати даражасыда бу кечани истаганича ўтказиши мүмкін. Қазо намозлари бұлғанлар нағиля намоз ўрнига кучи етганича қазо намозларини адо этишлари мақсадда мувофиқроқиди.

Үн саккизинчи аердан бошлаб "Рагойиб" кечаси маҳсус жойларда тантанали күтиб олина болылади. Тасаввуф ахлидан бұлған шоирлар бу кечага атаб шеърлар ёзишган. Бу шеърларнинг айримларига күйлар басталаниб, диний маросимларда айтилған. Бошқа муқаддас кечалар каби "Рагойиб" кечасыда ҳам минораларға қандыл осиплиши одат тусига кирди. Халқ орасыда муқаддас кечаларни ибодат билан ўтказиш, седанали күлча ва ширинлік икром қилиш оддий ҳолатта айланди. Бу одат ҳозыргача давом этаёттан ўлкалар бор.

"Рагойиб" кечасини муқаддас билиб, уни дуо, зикр, истиғфор ва тавба каби түрли хил ибодатлар билан ўтказиш уламолар томонидан маъқулланған.

Ражаб ойининг бириңчи жұма куни пешин ва аср намозлари ўртасыда иккі ракатдан жами түрт ракат шукр намози ўқылади. Ҳар ракатда бир марта "Фотиҳа" сураси, етти марта "Оятул Курсий" ва беш мартадан "Ихлос", "Фалақ" ва "Нос" суралари ўқылади. Намоздан сүнг йигирма беш марта:

لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ الْكَبِيرِ الْمُتَعَالِ

«Лә ҳавла ва лә қуввата иллә билләхи-л-ъалийий-л-ъазыймін-л-кабиіри-л-мутаъл».

Йигирма беш марта:

أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ وَأَتُوْبُ إِلَيْكَ

«Астағфирулләх-л-азыйма ва атұбу илайк» зикри ўқылади.

ИСРО ВА МЕРДОЖ

Исро ва Мерож оддий нисоннинг ақли етмайдиган илоҳий бир ҳодисадыр. Буни қалам англата олмайды. Бунда замон ва макон чегараси, масофа йүқ бўлгандир. Бу Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг илоҳий иноятга эришишлариdir. Бу кечада Мұхаммад алайҳиссалом умматига 5 вақт намоз фарз қилинган. У кеча Пайғамбаримиз (с.а.в.) Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло билан сұхбатлашганлар.

Шубҳасиз, Исро ва Мердож Аллоҳиниг ўз Расулига берилган буюк мұғизалардан биридир. Ражаб ойида бу мұғиза іуз берган. Ушбу ойнинг йигирма еттигчи куни Расули Акрам (с.а.в.) икки йўлчилик қилганлар. Биринчisi, ер йўлчилиги, иккимчisi эса, само йўлчилиги.

Фаршта Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ (с.а.в.) хузурларига қанотли тулпор Буроқни олиб келади ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)га хушхабар етказади:

“Эй Аллоҳиниг Расули, бугун сиз само зиёратига таклиф этилдингиз”.

Бу ҳақда “Исро” сурасининг 1-оятида шундай марҳамат қилинган:

﴿ مُبَخِّنَ الَّذِي أَسْرَى بِعَنْدِهِ لَيْلًا مِّنَ الْمَتَجْدِ الْحَرَامِ إِلَى الْمَتَجْدِ

الْأَقْصَا الَّذِي بَرَكَنَا حَوْلَهُ لِتُرِيهِ مِنْ آئِيَاتِنَا إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ

"Үз баңдағы (Мұхаммад)га оят-мұжизаларимиздан күрсатнан учун түнда, (Маккадаги) Масжидул-Харомдан (Кудусдаги) Биз атрофиппі баракоттың қылғаны Масжидул-Ақсога сайр қылдырыған Зот ноктири. Дархан-қықат, Үәниятүвчи ва күргүвчидір".

Пайғамбаримиз (с.а.в.) Масжидул Харомдан Жаброил алайхіссалом раҳбарлығыда масжиди Ақсога ва у ердан эшакдан баландроқ хачирдан настроқ бўлған Буроқ номли отда етти қават осмонига сайр қылғанлар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) осмонининг биринчи қаватида Одам алайхіссаломни кўрадилар. Унинг ўнг ва чап тарафларида турли одамлар қораси кўришарди. Одам алайхіссалом ўнг томонидаги инсонларга қараб қуладилар. Чап томонларида инсонларга қараб эса йигладилар. Сўнг Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) Жаброил алайхіссаломдан сўрадилар:

— Эй Жаброил булар кимлар?

— Эй Аллоҳнинг Расули. Бу Одам алайхіссаломдир. Унинг ўнг ва чап тарафидагилар болаларининг руҳидир. Ўнг томонидаги жанинат аҳли, чап томонидагилар эса дўзахийлардир.

Иккичи қават осмонда Яхё ва Исо пайғамбарларни учратадилар. Кейинги қават осмонда Юсуф алайхіссаломни кўрадилар. Расууллоҳ (с.а.в.) Юсуф алайхіссаломнинг олдиларига бориб, салом берадилар. Тўртинчи қават осмонда Идрис алайхіссалом, бешинчи қаватда Хоруи алайхіссалом, олтинчи қаватда Мусо алайхіссалом ва еттинчи қават осмонда Иброҳим алайхіссалом билан учрашадилар. Ундан сўнг Пайғамбаримиз (с.а.в.) га Байтул-Маъмур кўрсатилиди. У ҳар куни етмиш минг фаришта тавоғ қиласидиган, уларнинг кўилигидан бир тавоғ қылғани қайта кира олмайдиган, Каъбанинг қоқ тепасида жойлашган масжиддир. Сўнгра Пайғамбаримиз (с.а.в.) Сидратул-муитаҳоға кутариладилар. Осмондаги фаришталар фақат Сидратул-муитаҳоғача бора оладилар, ундан у ёғига ўта олмайдилар. Шу сабабли "Сидратул-муитаҳо" ("Туташ дарахти") деб номланади. Унинг олдида Маъво жанинати бор.

Меъроj кечаси Пайғамбаримиз (с.а.в.) га уч нарса берилди:

1. "Бақара" сурасининг охирги икки ояты – "Аманар Ресулу..." деб бошланадыган 285- ва үтден кейинги 286- оятылар.

2. Умматидан Аллоҳга шерик құшмаганлар жаһнатаға киришларининг хушhabари.

3. Меъроj ҳадяси сифатида беш вақт намоз.

МЕЪРОЖДА ҚИЛИНГАН ҲУКМЛАР

Меъроjда Аллоҳ таоло томонидан қилингандық ҳукмлар жуда улуттады. Үндагы илохий хабарлар Ислом динининг маънавий асосини ташкил этады. Бу ҳукмлар инсонларни Аллоҳ розилигини топишга, икки дүнё саодатига етишишга, гүзәл хулиқли бўлишига ҳамда ҳаром ва попокликнинг ҳар қандай кўринишидан ҳазар қилишига чорлади. "Исеро" сурасининг қуйидаги ояларидан мазкур ҳукмлар баён қилинганды:

﴿ وَقَضَى رَبُّكَ أَلَا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَلَدِينِ إِحْسَنَأْ إِمَّا يَتَّقَنُ عِنْدَكُمْ
 الْكَبِيرُ أَحَدُهُمَا أَوْ كَلَّا هُمَا فَلَا تَقْرُلْ هُمَا أَفْ وَلَا تَتَبَرَّهُمَا وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا
 كَرِيمًا ﴾ وَأَخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ الَّذِي مِنَ الرَّحْمَةِ وَقُلْ رَبِّ أَنْزَلَهُمَا
 كَمَا رَبَّيَانِي صَغِيرًا ﴾

"Раббингиз, Ушниң Үзигагаша ибодат қилишлариниңизни ҳамда ота-опага яхшилик қилишини амр этди. Агар уларниң бири ёки ҳар иккиси ҳузуриңгда кексалик ёшига етсалар, уларга "үф" демагии ва уларни жер-кима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт! Улар учун, мөхрибонлик билан, хорлик қапотини наст тут (хокисор бул)

ва: "Эй Рabbim, мени (улар) гұдаклик чоғымдан тарбиялағанлариңек, сен ҳам уларға раҳм қылғын", деб айт!"

﴿وَلَا يُنْهِيَ الْأَغْلَبَةَ إِنْ تَكُونُوا صَاحِبِينَ فَإِنَّمَا حَكَانَ لِلْأَوَّلِينَ
عَفْوًا ۝ وَإِنَّمَا ذَلِكَ حَقُّهُ ۝ وَالْمُتَكَبِّرُونَ لَا يُنْهِيَ
أَنَّ الْمُبَدِّرِينَ كَانُوا أَخْوَانَ الْفَيْطَنِ ۝ وَكَانَ الْمُتَيَعْنُونَ لِرَبِّيهِمْ كَثُورًا ۝
وَإِنَّمَا تُعَذِّبُنَا عَنْهُمْ أَنْجَاهُهُ رَحْمَةً مِّنْ رَبِّكَ تَرْجُوهَا فَقُلْ هُنْ قَوْلَةٌ مُّبَشِّرَاتٍ ۝﴾

"Раббингиз дилларингиздаги нараса (сир) ларингизни яхпин билүвчидир. Агар сизлар солиқ бұлсанғизлар, албатта, У тавба қилувчиларни мағфират этувчидир. Қариндошга, мискин ва йүловчига (хайр эхсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва иерофтарчилікка мутлақо нұл қўйманг! Чунки иерофтарлар шайтонлариниң биродарларидир. Шайтон эса Парвардиорига ўта пошукр эди. Агар сиз Раббингиз (томони)дан бұладиган марҳаматдан умидвор ҳолингизда, улардан (қариндош, мискин ва йүловчилардан) юз ўгирадиган (ёрдам бермайдиган) бўлсанғиз, у холда уларға юмшоқ сўз айтинг!"

﴿وَلَا تَجْعَلْ يَدَكَ مَغْلُولَةً إِلَى عَنْقِكَ وَلَا تَبْسُطْهَا كُلَّ الْبَسْطِ فَتَقْعُدَ مَلُومًا ۝

﴿مَحْسُورًا ۝ إِنْ رَبِّكَ يَبْسُطُ الْرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ وَيَقْدِرُ إِنَّهُ كَانَ بِعِبَادِهِ حَبِيرًا ۝
بَصِيرًا ۝ وَلَا تَقْتُلُوا أُولَئِكُمْ خَفَيْهَ إِمْلَقِي خَنْ نَرْزُقُهُمْ وَإِنَّمَا كُنْ إِنْ قَتَلُهُمْ
كَانَ خَطَاكَأَكْبِيرًا ۝ وَلَا تَقْرِبُوا إِلَيْنِي إِنَّهُ كَانَ فَحِشَةً وَسَاءَ سَيْلاً ۝
كَانَ خَطَاكَأَكْبِيرًا ۝ وَلَا تَقْرِبُوا إِلَيْنِي إِنَّهُ كَانَ فَحِشَةً وَسَاءَ سَيْلاً ۝﴾

وَلَا تَقْتُلُ النَّفْسَ الَّتِي حَرَمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَمَنْ قُتِلَ مَذْلُومًا فَقَدْ جَعَلَنَا

لَوْلَيْهِ سُلْطَنَنَا فَلَا يُسْرِفُ فِي الْقَتْلِ إِنَّهُ كَانَ مَنْصُورًا ﴿٤﴾

"(Бахиллик билан) қўлинигизни бўйини гизга боғлаб ҳам олмайд. (Исроф гарчилик қилиш билан) уни бутуслай ёниб ҳам юбормайд. Акс ҳолда, маломат ва маҳрумликда қолурсиз. Шубҳасиз, Раббинигиз ўзи хоҳлагани киниларниг ризқини кенг ҳам, таиг ҳам қилур. Албатта, у баидаларидан огоҳ ва (уларни) кўриб турувчи зотдир. Болаларнигизни қашшоқлиқдан қўрқиб ўлдирмангилизар - уларга ҳам, сизларга ҳам Биз ризқ берурмиз. Уларни ўлдириши, шубҳасиз, катта хатодир. Зиног яқинлашманглар! Чунки у бузуқлик ва ёмон йўлдир. Аллоҳ таъқиқлагани жонни ўлдирмангииз, магар ҳақ (шаръий сабаб) билангиша мумкин. Кимки зулман (яъни ноҳақ) ўлдирилса, Биз унинг эгаси (вориси) учун (қасос олишига) салтанат (хуқуқ) бердик. Бас, у (қотилни) ўлдиришда ҳаддан ошмасин. Албатта, у ёрдам берилган одамдир".

«وَلَا تَقْرِبُوا مَالَ الْيَتَامَةِ إِلَّا بِالْيَتَامَى هُنَّ أَخْسَنُ حَنِّيَّةً يَتَلَقَّ أُشْدَدَهُ وَأَوْفُوا

بِالْعَهْدِ إِنَّ الْعَبْدَ كَانَ مَسْتُولًا ﴿٥﴾ وَأَوْفُوا الْكِيلَ إِذَا كِلْمَهُ وَرَزُونَا

بِالْقِطْعَانِ الْمُسْتَبِقِمِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَخْسَنُ تَأْوِيلًا ﴿٦﴾ وَلَا تُنْقِضُ مَا لَيْسَ لَكَ

بِهِ عِلْمٌ إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْقَوَادُ كُلُّ أُولَئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْتُولًا ﴿٧﴾

"Етимининг молига, то у вояга етгунича яқинлашманглар, илло чиройли йўсипда бўлса майли. Аҳдга вафо қилинглар. Зоро, аҳд (Қиёмат куни) сўраладиган

ишидир. (Савдо-сотиқда) ўлчаган вақтларинингизда ўлчовни тұла-тұқис қилинглар ва түғри тарозида тортынглар! Мана шу яхни ва чиройлы ечим (хұкм)дир. (Эй, инсон), ўзининг (аинқ) билмагаш нарасаға әргашма! Чунки қулоқ, күз, дил – буларниң барчасы түркисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур). Ер қозида кибр-ҳаво билан торма! Албатта, сен (оёқларниң билан) ҳаргиз ерни теша олмайсан ва баландликда тоғларга ета олмайсан. Буларниң барчаси Раббининг паздида макруҳ бўлган гуноҳ(лар)дир. Бу (оятлар) Раббининг Сизга вахий қилиган ҳикматларидан (баъзилари)дир. Аллоҳга бошқа бирор "илоҳ" ни иисбат берманг. Акс ҳолда маломатлашган ва (Аллоҳ раҳматидан) маҳрум бўлган ҳолда жаҳаппамга ташланурсиз".

﴿ إِنَّ هَذَا الْقُرْءَانَ يَهْدِي لِلّٰٓئِنْ هُوَ أَقْوَمُ وَيُبَشِّرُ الْمُؤْمِنِينَ الَّذِينَ يَعْمَلُونَ الْمَعْبُوتَ أَنَّهُمْ أَجْرًا كَبِيرًا وَأَنَّ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ أَعْنَدُهُمْ كُلُّهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا وَيَدْعُ الْإِنْسَنَ بِالثُّرُدِ عَاهَةً بِالْحَنْبَرِ وَكَانَ

﴿ الْإِنْسَنُ عَجُولًا ﴾

"Албатта, бу Қуръон энг түғри йўлга ҳидоят этур ва эзгу ишиларни қиласидиган мұмынларга катта мүкофот борлиги (хақида) башорат берур. Шунингдек, охиратта ишоцымайидигашлар учун аламли азоб тайёрлаб қўйгани мизининг ҳам ("башорат"ини берур). Инсон (Аллоҳдан) яхшилик сўраб дуо қилигин каби (гоҳо сиқилган пайтларида) ёмонликка ҳам дуо қиттур. Инсон (мана шундай) шопқалоқдир".

﴿ وَجَعَلْنَا لِلَّيْلَ وَالنَّهَارَ أَبْغَانْ فَمُخْوِنًا ، إِذَا الْأَلَيلُ وَجَعَلْنَا ، إِذَا النَّهَارُ مُتَصَرِّةً
 لَيَتَتَفَعَّلُوا فَضْلًا مِنْ رِبْكَنْهُ وَلَتَعْلَمُوا عَدَدَ الشَّيْنِ وَالْحَسَابِ وَحَكُلُّ شَيْءٍ
 فَصَلَّهُ تَفْصِيلًا ﴾ وَكُلُّ إِنْسَنٍ أَزْمَنَتُهُ طَبِيرَهُ فِي عُيُونِهِ وَخَرَجَ لَهُ يَوْمٌ
 الْقِبْلَةُ كِبَابًا يَلْقَهُ مَنْشُورًا ﴿ أَفَرَاكَبَكَ كَفَى بِنَفْسِكَ الْيَوْمَ عَلَيْكَ
 خَسِيْعًا ﴾ مِنْ أَهْتَدَى فَإِنَّمَا يَهْتَدِي لِنَفْسِهِ وَمَنْ حَلَّ فَإِنَّمَا يَضْلُلُ عَلَيْهِ
 وَلَا تَرُوْ وَارِدَةً وَزَرْ أَخْرَى وَمَا كَنَا مُعْذِنِينَ حَتَّىٰ يَعْثَرَ رَسُولًا ﴿ ٤

98 "Биз кече ва күндерүзини (құдратимизни құрсатып туралыған) иккі белги қилиб қўйдик. Кечанинг белгисини ўчирдик. Күндер аломатини эса, Раббинигиздан фазл (ризқ) исташларининг учун ҳамда йиллар сағогини ва ҳисобини билишларининг учун ёруғлик қилиб қўйдик. Барча нареани батағеніл баён қилиб қўйгацмиз. Биз ҳар бир инсоннинг амалини бўйнига илиб қўйгандирмиз. Қиёмат кунида унга очиқ ҳолда учратадиган китобини (номай аъмолни) чиқариб берурмиз. (Унга айтилур): "Китобинигни ўқи! Бугун ўз шахснинг ўзинота қарши етарли ҳисобчиидир". Ким ҳидоят йўлига юреа, бас, ўзи учун юрар. Ким (ҳидоят) йўлидан чалғиса, у ҳам ўз зиёнига чалғур. Ҳеч бир (юк) кўттарувчи (гуноҳкор жон) ўзга жонининг юкини (гуноҳини) кўттармас. Биз то бирон пайғамбар юбормагунимизча азоблагувчи бўлган эмасмиз".

﴿ وَإِذَا أَرْدَقْنَا أَنْ بُلْكَ قَرْبَةً أَمْزَنْهُ مُتَرْفِهِنَا فَقَسْقُوا فِيهَا فَعَلَقَ عَلَيْهَا الْقَوْلَ ﴾

فَدَمْرَتْهَا تَذَمِّرًا وَكُمْ أَهْلَكْنَا مِنَ الْقُرُونِ مِنْ بَعْدِ نُوحٍ وَكُنْتُ بِرِبِّكَ
 بِذُنُوبِ عِبَادِهِ حَبِيرًا بَصِيرًا مِنْ كَانَ بِرِبِّ الْعَاجِلَةِ عَجَلْنَا لَهُ فَيْلَهُ ما
 نَشَاءُ لَعْنَ رُبِّنَا ثُمَّ جَعَلْنَا لَهُ جَهَنَّمَ يَصْنَعُهَا مَدْمُومًا مَدْحُورًا وَمَنْ أَرَادَ
 الْآخِرَةَ وَسَعَى هَا سَعْيَهَا وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَأَوْتِلَكَ كَانَ سَعْيَهُمْ مَنْكُورٌ
 كُلًا نُعِذْ هَلُولًا وَهَلُولًا مِنْ عَصَمِ رَبِّكَ وَمَا كَانَ عَطَاءُ رَبِّكَ مَحْظُورًا
 أَنْظُرْ كَيْفَ فَضَلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَى بَعْضٍ وَلِلآخِرَةِ أَكْبَرُ

ذرْ جَنْتٍ وَكَبْرُ تَفْضِيلًا

"Бирор шаҳарни ҳалок қилишни истасак, ундағы манишат ахълини (итоат этишга) буюрамиз ва улар итоатензлик қилишгач, у шаҳар (аҳолиси) устига (азоб ҳақидағы) сөз муқаррар бўлур. Бас, биз уни вайронага айлантирурмиз. Нуҳ (қавми)дан кейин ҳам қанча авлодларни ҳалок қилдик. Раббингиз ўзи бандаларининг гуноҳларидан старли хабардор ва кўрувчидир. Ким нақд (дунё)ни истаса, Биз (шу дунёда) ўзимиз истагаш кимсаларга хоҳлагашимизча нақд қилиб берурмиз. Сўнгра, унга жаҳанинамни берурмиз. Унга хор ва қувнинг учраган ҳолда кирур. Ким охиратни истаса ва мўминлик ҳолида (уз) саъни билан ҳаракат қилса, бас, ундаи зотларининг саъйлари (Аллоҳ наздида) манзурдир. Эй Мұхаммад, (барчага) – мана бу (мўмин)ларга ҳам, анави (коғир)ларга ҳам Раббингизнинг исьматидан ато этурмиз. Раббингизнинг исьмати (хеч кимдан) ман қилинmas.

Миқаддас ойлар да мустажоб дуолар

(Бу дүнёда) улариниң бирларидаш бирларини (ризқ ва мартабада) қашдай устун қылганимизни күринг! Шак ійүүккі, охират даражалари каттароқ ва афзалроқдир".

МЕРДІК КЕЧАСИДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

Бу қадрли кечада ўқилиши лозим бұлган аниқ бир дуо күрсатылған. Қайси дуо ўқилса, иншааллоҳ қабул бўлади. Ушбу кечада Аллоҳни улугловчи, уни турли иуқсонлардан поклаб ёд этувчи қуйидаги тасбехларни ўқиш афзалдир:

سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ أَكْبَرُ

وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ

«Субхана-лләхи ва-л-хамду лилләхи ва лә иләха илла-лләху ва-лләху акбар ва лә ҳавла ва лә қуввата иллә биллахи-л-ъалийи-л-ъазыйим».

"Аллоҳ иуқсонлардан покдир. Ҳамд Үнга хос ва Үндан ўзга илоҳ йўқ. Аллоҳ буюк. Куч ва қувват олий ва буюк Аллоҳдандир".

﴿لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ﴾

«Лә иләха иллә анта субхәнака иний кунту мина-з-зәлләмийн».

"Сендан ўзга Илоҳ йўқ. Сен (барча) иуқсонлардан покдирсан. Албатта, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим".

МЕРДІК КЕЧАСИДА ЎҚИЛАДИГАН НАМОЗ

Меъродж кечасини ибодат билан жонлантириш ва ўзаро түпланиб илмий сұхбатлар ўтказиш кейинги асрларда юзага чиққан. Бу кечада ўқиласиган маҳсус намоз ҳам мусулмон-

лар орасыда кейинчалик жорий бўлган. Аввал ҳам айтганимиздек қўйида келтириладиган намоз ушбу кечани ибодат билан ўтказишини истаганлар учун кўрсатма, холос. Уни адо этганилар инишааллоҳ савоб топадилар. Хуфтон намозидан сўнг икки ракатдан жами үн икки ракат ҳожат намози ўқилади. Бу намозининг ҳар бир ракатида "Фотиҳа" сурасидан сўнг үн марта "Ихлос" сураси, намоз тутагач эса тўрт марта "Фотиҳа" сураси ва юз марта ушбу тасбеҳ ўқилади:

سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لَهُ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللهُ أَكْبَرُ

وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ الْعَظِيمِ

«Субҳана-лләҳи ва-л-хамду лиллаҳи ва лâ илâха illâ liллâхи-л-ъалийи-л-ъазыйм».

Ушбу тасбеҳдан сўнг истиғфор, саловот ўқилиб, Аллоҳдан ўз ҳожатлари сўралади.

Меърож кечасидан кейинги кун, яъни Ражаб ойининг йигирма еттинчи куни рўза тутиш афзалдир. У кун пешин ва аср намозлари оралиғида тўрт ракат намоз ўқилади. Намозининг ҳар ракатида "Фотиҳа" сурасидан сўнг беш марта "Оятул Курсий", беш марта "Кафирун", беш марта "Ихлос", "Фалақ" ва "Нос" суралари ўқилади.

ШАЪБОН ОЙИ

Исломдаги муқаддас ойлардан бири Шаъбон ойидир. Бу ойининг араблар орасида аввалин номи "Азил" бўлган.

Араблар бу ойни "шахруллоҳи муazzam", "шахрул карома", "шахрул касийр" деб аташади. Бунинг сабаби бу ойда улар боғу бўстонларга чиқиб, ўзлари билан олган егуликлар тамом бўлгунга қадар сайр қилиб, кезинши одат қилганликлариидир. Мадиналиклар бу ойининг үн бешинчи кунини "лайлутул ҳалва" дейишади. Араблар бу кеча уйларида имкониятларига

Муқаддас ойлар ва мустажоб дұмолар

қараб шириниліклар пишириб ейишади ва тарқатишади. Үсемонли турклар орасыда ҳам бу кече бойу камбағал қариндош ва құшиннларга ҳолва икром қилиш одат тусига киргап. Бу одат ҳозырғы күнің қадар турқларнинг айрим жамоалари орасыда сақланиб қолғап.

Шаъбон ойи Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ойи ҳисоблашади. Аллоҳшының Расули (с.а.в.) Шаъбон ойи киргандан шундай дер әдилар:

"Шаъбон ойида нағсымизни ислоҳ қиласылыш. Ү ойда яхни шиятлар қиласылыш. Аллоҳ Шаъбон ойини бошқа ойлардан мениң сизлардан устун қылғани каби устун қылған".

Олимлардан бири шундай деган:"Ражаб ойи бадани, Шаъбон ойи қалбни, Рамазон ойи әса рұхни тозалайди. Агар Ражаб ойида бадан, Шаъбон ойида қалб тозаланмаса, Рамазон ойида рұх қандай қилиб тозаланади?"

Ушбу ой ҳақида Аллоҳшының Расули (с.а.в.):

"Шаъбон менишг ойим, Ражаб Аллоҳшының ойи, Рамазон әса умматимининг ойидир", деб айтғанлар.

Исломият тарихидеги айрим әнг муҳым воқеаларнинг айдан шу ойда із беріши уннинг қадрини янада оширади. Шаъбон ойининң ўрталарыда Аллоҳ тарафыдан нозил бўлған оят билан қибланинг Байтул Мақдисдан Каъбан мұazzамага ўзgartирилиши, иккинчи ҳижрий сананинг айнан Шаъбон ойида мусулмонларга Рамазон ойи рұзасини тутишнинг фарз қилинини шулар жумласидандир.

ШАЪБОН ОЙИДА РҰЗА ТУТИШ

Онша онамиз (р.а.)дан ривоят қилинади:

"Аллоҳшының Расули (с.а.в.) рұзаны шунчалик маромига етказиб тутар әдиларки, биз, ҳатто, у киши ҳар доим рұзадор бўлсалар керак, дердик. Рұза тутмаган пайтларыда әса эди сира рұза тутмасалар керак, деб

үйлардик. Расулуллоҳиң Рамазон ойынан бопқа ойларда тұлық рұза туттаптарини күрмадым. Шаъбон ойынан бопқа ойларда ҳам тұлық рұза туттаптарини күрмадым".

Усома (р.а.)дан ривоят қилинади.

Набий алайхиссаломдан сұрашды:

"Әй Аллоҳиң Расули, ойларниң ҳеч бирида Шаъбонда рұза туттапшигиздек, рұза туттапшигизни күрмадым. Набий алайхиссалом унға жавобаи: "Бу бир ойки, одамлар ундан ғоғыл қолурлар. У Раждаб билан Рамазонниң орасида. Бу бир ойки, унда амаллар оламлар Раббисига құтариլур. Менниң амалим құтарилаёттаңда рұзадор бұлиниң яхши күрамаи", дедилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Шаъбон ойинин фазилати ҳақида шундай деганлар:

"Шаъбон ойында тутылған рұза Рамазон ойига тәттілмидір".

"Ойларниң сезимлисін Рамазон ойига боелиқ бўлған Шаъбон ойидир".

ШАЪБОН ОЙИДА САЛОВОТ АЙТИШ

Шуни яхши билиш керакки, ушбу ой Пайғамбарымиз (с.а.в.)га қўпдан-кўп саловот айтиш ойидир. Бу ҳақда Ибн Шайф Яманий шундай деган:

"Шаъбон ойи Набий (с.а.в.)га саловот айтиш ойидир. Зоро, саловот айтиш ҳақида "Аҳзоб" сурасида Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилған":

﴿إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ يَنْهَا الظَّرِفَةُ إِذَا مَوَّلَوا عَلَيْهِ﴾

﴿وَسَلَّمُوا أَتَلِيمًا﴾

"Албатта, Аллоҳ ва Ушниң фаришталари Пайғамбарга саловот айтурлар. Эй, мўминлар, (сизлар ҳам) унга саловот ва салом айтинг" ("Аҳзоб", 56).

ШАЛЬБОН ОЙИ НАМОЗИ

Шаъбон ойининг биринчи кечаси ҳар ракатида бир марта "Фотиҳа" сураси ва уч марта "Оятул Курсий" ўқилиб, таебех намози адо этилади.

(Тасбех намозининг ўқилиши тартиби кейинги саҳифаларда келтириллади).

Шаъбон ойининг йигирма етпичи кечаси икки ракат шукр намози ўқилади. "Фотиҳа" сурасидан кейин ўзи истаган сурани зам қилиши мумкин. Намоз учун қўйицдагича шият қилинади:

"Аллоҳум, меин Расулиниг охирига етиштирдинг. Саййидимиз ойини мен учун ҳам шафоатчи ҳамда шоҳид қил. Аллоҳу акбар".

Намоздан кейин етмиш марта қўйицдаги истиғфор айтилади:

أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ وَأَشْوَبُ إِلَيْكَ

«Астағфиру-ллоджа-лъазыйма ва атўбу плайк – Улуг Аллоҳдан мағфират сўрайман. Унга тавба қиласман».

70 марта қўйицдаги саловот ўқилади:

اللَّهُمَّ صَلُّ عَلَى رُوحِ مُحَمَّدٍ فِي الْأَزْوَاجِ وَصَلُّ عَلَى

جَنَيدَ مُحَمَّدٍ فِي الْأَجْسَادِ وَصَلُّ عَلَى قَبْرِ مُحَمَّدٍ فِي الْقُبُوْرِ

«Аллахумма қолли ъалә рӯҳи Муҳаммадни фил арвाह ва қолли ъалә жасади Муҳаммадин фил ажсад ва қолли ъалә қобри Муҳаммадин фил қубур».

"Аллоҳум, руҳлар орасида Муҳаммад алайҳиссалом руҳига, жасадлар орасида Муҳаммад алайҳиссалом жасадига ҳамда қабрлар орасида Муҳаммад алайҳиссалом қабрига саловот юбор".

БАРОАТ КЕЧАСИ

Бароат сўзи лугатда қийинчиликдан халос бўлиш, нажот топиш ва жазодан қутулиш каби маъноларни билдиради. Бароат кечасида Аллоҳнинг мағфират ва раҳмат эшиклари мўмин бандалари учун очилгани боис кечага шундай ном берилган. Бу кечанинг раҳмат, барокат ва фазилати санаб бўлмайдиган даражада ҳисобсиз. Бу муборак кечада Жаброил алайҳиссалом Расулулоҳ (с.а.в.) хузурига келиб шундай деди:

"Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ бу кечада бир қанча бандаларни мағфират қиласди, батъзиларни эса мағфират қилмайди. У кечадаги мағфиратта Аллоҳ, Унинг Расули ва мўминларни масхара қилганилар, мусулмонлар билан аразланиганилар, силан раҳм қилмаганилар, кибрли одамлар, ота-онаснин порози қилганилар, сархушиликда умр ўтказганилар муносиб бўлмайдилар".

Оиша онамиз (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда Набий алайҳиссалом шундай деганлар:

"Албатта, Аллоҳ Шаъбонинг ярмидаги кечада дунё осмонига тушади. Калбиниг қўйларининг исуни ададидан кўнгрени мағфират қиласди".

Калб – қўйларининг сони кўплиги билан машҳур араб қабиласи.

Абу Мусо (р.а.)дан ривоят қилинади:

Набий (с.а.в.): "Аллоҳ Шаъбон ярмидаги кечага қараб мушрик ва хусуматчидан ташқари жамики маҳлуқотларини мағфират қиласди", дедилар.

Ато иби Ясар шундай деган:

"Шаъбон ойининг 15-кечаси Азоил алайҳиссалом кейинги йил Шаъбон ойининг 15-кечасига қадар ўлиши керак бўлган инсонлар рўйхатини ҳозирлайди. У орада қанча инсонлар ўзининг бу рўйхатта тушшиб қолганидан хабари бўлмайди".

Иби Умар (р.а.)дан ривоят қилинган бир ҳадисда Набий (с.а.в.) шундай деганлар:

"Тұрт кечә борки, унда дуолар рад этилмайды:

1. Райкаб ойининг илк кечаси.
2. Шаъбон ойининг ярмидаги кечә.
3. "Қадр" кечаси.
4. Иккى байрам кечаси".

"Тұрт кечә бордирки, кечалари күндузлар, күндузлары кечалар кабидир. Аллоҳ у кечаларда онт ичғашларни оптига содиқ қылауди, инсексларни афв этади, уларга чексиз савоб ва мукофот беради. Бу кечалар: "Қадр" кечаси, Бароат кечаси, арафа кечаси ва жумъя кечасидир".

Ибн Можа Али (р.а.)дан ривоят қылған ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай деганлар:

"Шаъбон ойининг 15-куни келгандың вақт күнни рұза билан ўтқазынг, кечаси ибодат қылинг. Чунки Аллоҳ қүёш ботиш вақтіда дүлгө осмонига тушади ва шундай марҳамат қиласы:

— Истіғфор айтиб тавба қылған борми, унда ризқ берамап. Балога учраган борми, хотиржамлик берамап. Фалончи қашы, пистоңчи қашы?

Бу овоз атроф ёришгүнга қадар шундай давом этади".

"Ким Шаъбон ойининг 15-кечаси ва иккى байрам кечалари ибодат қылса, барча қалблар ўлған бир кунда уннинг қалби ўлмайды".

БАРОАТ КЕЧАСИДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

اللَّهُمَّ إِنْ كُنْتَ كَتَبْتَ إِسْمِي شَقِيقًا فِي دِيْوَانِ الْأَشْقِيقِ فَاقْعِدْ
 وَأَكْتُبْنِي فِي دِيْوَانِ السُّعَادِ فَأَثْبِتْنِي قَائِمًا فُلْتَ فِي كِتَابِ الْكَرِيمِ
 »يَمْحُوا اللَّهُ مَا يَشَاءُ وَيُثْبِتُ وَعِنْدَهُ أَمْ الْكِتَابِ«

«Аллахумма ин кунта кatabta исемі шақийан фі дийвани-л-ашкійан фамхұху ва-ктубнің фі дийвани-с-суъадаң фасбутху фа-иншака күлтә фі китабика-л-карнім йамхұ-ллбұху ма яшәу ва йусбит ва ъиндахұ умму-л-китаб».

“Аллоҳим, менинг исемимни ёмонлар, шаккоклар дафтариға ёзғап бўлсанг, уни ўчири ва мени яхшилар дафтирида қайд эттири. Ва исемимни у ерда қолдир. Зоро, сен карим китобингда дедингки:

“Ўзи хоҳлаган парсани (хукмни) ўчирур ва (Ўзи хоҳлаган хукмни) барқарор қилиур. Она Китоб (Лавхул Маҳфуз) Унинг ҳузуриладир” (“Раъд”, 39).

Бароат кечаси жуда қийматли бир кечадир. Расулуллоҳ (с.а.в.) у кечада қылган дуоларининг барчаси қабул бўлган. Бу муборак кечада Аллоҳнинг барча марҳамат, раҳмат ва мағфират эшиклари очилади.

Оиша онамиз (р.а.)дан ривоят қилинади. У зот Пай-ғамбаримиз (с.а.в.)дан:

— Эй, Расулуллоҳ, Бароат кечасида қаңдай дуо қила-миз? — деб сўраганиларида, Расулуллоҳ (с.а.в.) ушбу дуони айтганлар:

اللَّهُمَّ أَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابِكَ وَأَعُوذُ بِكَ يَوْمَ قِبْلَتَكَ مِنْ سَخْنَتِكَ وَأَعُوذُ بِكَ

مِنْكَ جَلَّ وَجْهَكَ لَا أَخْصِي شَاءَ عَلَيْكَ أَنْتَ كَمَا أَنْتَ عَلَى تَقْسِيمِكَ

«Аллахумма аъұзы бика мин ъикәбика ва аъұзы бика биридб-иска мин саҳотника ва аъұзы бика миника жалла важхика ла ухсей санә’ан ъалайка анта кама аснайта ъалә нафсика».

“Аллоҳим, розилигиниг билан разабингдан, Сенинг улуғ шаънинг билан ёрдам сўрайман. Сени мақтаб охирига стказа олмайман. Сен Ўзинги Ўзинги мақтагаңдексан”.

БАРОАТ КЕЧАСИ НАМОЗИ

Тасбесх намозиниң йилнинг ҳамма вақтида ҳам ўқиш мүмкін, Бароат кечаси намози эса йилда бир марта ўқилади. Бу кечада ўқилиши лозим бўлган намоз юз ракатдир. Бу намозга "солатул-хойр", яъни "яхшилик намози" дейилади. Бу ҳам "Раюйиб" ва "Меъроҷ" кечаларидан намоз сингари мусулмон жамоалари орасида кейинчалик жорий бўлган. Уни ҳар ким ўз жисмоний ҳолатидан келиб чиқиб, истаганича ўқиши мүмкін. Уни ўқий олмаган гуноҳкор саналмайди.

Ушбу намоз учун қўйидагича ният қилинади:

"Ният қилдим Аллоҳ розилиги учун ва Ушиниг илоҳий афвига сазовор бўлиш, саййидлар дафтарига қайд этилиш истагида Бароат кечаси намозини ўқишига".

Икки ракатдан ўқиладиган бу намознинг ҳар ракатида "Фотиҳа" сурасидан сўнг ўн марта "Ихлос" сураси ўқилади. Ёки "Фотиҳа" сурасидан сўнг ҳар ракатда юз марта "Ихлос" сурасини ўқиб, ўн ракатлик намоз шаклида адо этиш ҳам мүмкін.

Намоздан сўнг ўн тўрт мартадан саловот, истиғфор, "Фотиҳа" сураси, "Оятул Курсий" ва "Гавба" сурасининг охирги икки ояти ўқилади.

﴿لَقَدْ جَاءَكُمْ رَسُولٌ مِّنْ أَنفُسِكُمْ عَزِيزٌ عَلَيْهِ مَا عَنِتُّمْ حَرِيصٌ

عَلَيْكُمْ بِالْمُؤْمِنِينَ رَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴾فَإِن تَوْلُوا فَقْلَنْ حَسِيبٌ اللَّهُ لَا

إِلَهٌ إِلَّا هُوَ عَلَيْهِ تَوَكِّلٌ وَهُوَ بِالْعَرْشِ الْعَظِيمِ﴾

«Лакод жа-акум росўлум мин анфусикум ъазизун ъалайхи ма ъаниттум ҳарийсун ъалайкум би-л-муъминийна роўфу-р-роҳим. Фа-ин таваллав факул ҳасбийа-ллоҳу ла илаҳа илла ҳу, ъалайхи таваккалту ва ҳува роббу-л-ъарши-л-ъазыйм».

"Хақиқатан, сизларга ўзларынан бұлған, сизларның қийинчилекларынан алам чекадиган, сизлар билан қозықувчи ва мүмінларга мүшіфиқ ва раҳмдил Расул келгандыр. Бас, (шунда ҳам) юз ўғиресалар, айттын: "Менің Аллоҳ киғоядид. Үндеп ўзға илоҳ йўқдир. Унга таваккул қилдим. Ү буюқ арийнинг Раббидир" ("Тавба", 128-129).

Сўнгра мана бу тасбех ўқилади:

سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لَهُ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ أَكْبَرُ

وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ الْعَظِيمِ

«Субхана-лләхи ва-л-хамду ли-лләхи ва лә иләха илла-лләху ва-лләху акбар. Ва лә ҳавла ва лә қуввата иллә билләхи-л-ъалийи-л-ъазыж».

Буларниң барчасини ўқигач, қўлларини дуога очиб, дунё ва охирати учун нимаики истаги бўлса, Аллоҳ таолодан сўраш керак.

ТАСБЕХ НАМОЗИ

Бароат кечасида тасбех намози ўқишнинг жуда катта фойдаси бор. Аллоҳниң Расули (с.а.в.) амакилари Аббос ибн Абдулмутталиб (р.а.) га шундай деди:

"Эй Аббос, эй амаки! Сенга икром этайми? Марҳамат этайми? Лутғо кўрсатайми? Сени ўи хислатли қиласайми? Качон ўшаларни қиласанг, Аллоҳ сенинг гулоҳини аввалгиши охиригисини, эскисини янгисини, хатосини камчилигини, кичигини каттасини, сирини ошкорини мағфират қиласди. Ўша ўи хислат турт ракат намоз ўқимогини".

Пайғамбаримиз алайҳиссалом тўрт ракатлик тасбех намозини адо этиш тартибини айтганларидан сўнг сўзларида давом этиб шундай дедилар:

"Агар ҳар күни бу намозини ўқиій олсаңғ, ҳар күни ўқи. Агар қыла олмасаңғ, ҳар жумада бир марта қыл. Агар уни хам қыла олмасаңғ ҳар ойда бир марта қылғын. Агар бүндай хам қыла олмасаңғ, йилда бир марта қыл. Буни хам қыла олмасаңғ, умриңгда бир марта қыл" (Абу Довуд).

ТАСБЕХ НАМОЗИННИ ЎҚИШ ТАРТИБИ

Бу намоз түрт ракатдир. Такбирдан сұнг аввал:

سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ وَبِإِنْزَالِكَ أَسْمَتُ وَتَعَالَى جَدْكَ وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ

«Субханака-ллāхумма ва биҳамдик ва табāрокā-смук ва таъала жаддук ва лā илāha gойрую» дуоси ўқилади.

Ундан сұнг "Фотиҳа" ва бир сурә ўқилади. Сұнг турған ҳолда ўн беш марта:

سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لَهُ وَلَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ أَكْبَرُ

وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللهِ الْعَظِيمِ

«Субхāна-ллōхи ва-л-хамду ли-ллāhi ва лā илāha illa-llohu va-llohu akbar. Va lā ҳавла ва lā куввата illā bil-lāhi-l-ъalāhiyyi-l-ъazāyiyyi»

тасбехи ўқилади. Сұнг рукуға борилади. Рукуъда уч марта: «субхāna rabbihā-l-ъazāyiyyi» дегандан сұнг айни шу ҳолда яна ўн марта юқоридаги тасбех ўқилади. Рукуъдан күтариlgандан сұнг саждага бормай, тик оёқда ҳам ушбу тасбех ўн марта ўқилади. Ундан сұнг саждага борилади.

Сажды тасбехлари, яны «субхāna rabbihā-l-аъlā» уч марта айтилганидан сұнг, саждадан бошни күтартмаган ҳолда яна ўн марта ушбу тасбех ўқилади. Иккі сажды орасында ўтирган вактда ҳам ўн марта ушбу тасбех ўқилади. Иккисінчи саждада ҳам сажды тасбехлари айтилганидан сұнг ушбу тасбех ўн марта ўқилади. Иккисінчи саждадан күтариlgандан кейин ҳам кейнинги ракатта ўтмай ушбу тасбех яна ўн марта ўқилади.

Мана шу ҳолатда биринчи ракат тугайди. Ушбу тасбехлар бир ракатда етмиш беш мартадан ўқилиши лозим. Шундай тарзда тұрт ракат намоз адо этилади.

Абдул Азиз иби Абу Раввод шуидай дейди: "Ким жаннат истаса, тасбек намозини ўқисин". Абу Усмон ал-Ҳарри аз-Зоҳид эса бу хусусда шундай дейди:

"Тасбек намозичалик ғам-ташвиш ва азиятларини бартараф қыладиган бошқа ҳеч нарса күрмадим".

Айтишларича, ушбу тасбекни, яъни

سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لَهُ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَالْأَكْبَرُ

«Субхана-лләхи ва-л-ҳамду ли-лләхи ва лâ илâха илла-лләху ва-лләху акбар» тасбехини ўқиган ҳар бир инсон учун жаннатда бир дарахт әкилади. Бундан кўриниб турибдик, тасбек намозини ўқиган инсон учун Аллоҳ таоло жаннатда 300 дарахт бунёд этади.

Фазилатидан ва қозониладиган савоблардан умид қылган ҳолда Бароат кечасини энг яхши шаклда ўтказишимиш керак. Бу каби фурсатлар ҳар қуни келмайди. Унинг қийматини билган ҳолда шунга яраша ҳаракат қилишимиз лозим бўлади.

Бир шоир шундай ҳикматли сўзларни айтган:

"Эй инсон фарзанди! Ражаб ойи фазилат билан ўтди. Қийматини билмадик, орамиздан кетди. Шаъбоннинг ярмиси келди. Нафс ва шайтон бизни овлаш учун ўз тузорини биз томон йўллади. Бу кеча тутамай хайрли ишлар ва ибодатларга шюшил. Жаннат учун саъй-ҳаракат қилиш осон, лекин ҳаракат қилган қаерда бор? Ҳаракат қилмоқчи булғанларнинг кўзига бу дунё ва унинг неъматлари парда каби тортилган".

РАМАЗОН ОЙИННИГ ФАЗИЛАТИ

Рамазон исломий ойлар ичиде энг буюк ва фазилатларга бойлиги, қолаверса, унда минг ойдан ҳам афзал Қадр

кечаси борлығи, унда Қуръон позил бўла бошлагани билан у ўн бир ойининг султонидир. Ушбу ойининг мўминларга икки дунёда ҳам манфаатлари чексиз. Бу ойда Аллоҳнинг раҳмати ёғилиб, мағфират этилган баандалар охир-оқибат дўзахдан ҳам најот топғанлари учун унинг дастлабки ўн кунлиги раҳмат, кейингиси мағфират, охирги ўн кунлиги эса дўзахдан најот дейилади (Бухорий).

Рамазон арабча сўздир. Бу муборак ойининг Рамазон деб аталишида қўйидагича ҳикматлар бор:

1. Ёзининг охри, кузининг бошида ёғиб ер юзини чангдан тозалаган ёмғир маъниосини билдирган "рамза" сўзидан олинган. Бу ёмғир ер юзини тозалагани каби, Рамазон ойида тутилган рўза ҳам одамларни гуноҳлардан поклайди. Набий (с.а.в.) шундай деганлар:

**"Ким Рамазон рўзасини имон билан ва савоб тала-
бida тутса, аввалги гуноҳлари мағфират қилинади".**

2. Күёшнинг шиддатли ҳароратидан тошлариниг қизиб кетиши маъниосини билдирган "рамаз" сўзидан олинган. Қизиб кетган ерда ёки тошда юриш машаққатли бўлиб, оёқларни куйдиради. Рўзадор ҳам Аллоҳ учун ихтиёрий очлик ва ташниликка чидаб гуноҳлардан фориғ бўлади.

Ҳадисда Рамазон ўн бир ойининг султони, дейилган. Унинг бошқа ойлардан афзаллиги қўйидагиларда акс этади:

1. Қуръони каримда номи зикр этилган ягона ой Рамазондир.
2. Қуръони карим бу ойда позил бўла бошлаган. "Рамазон ойи – одамлар учун ҳидоят (манбаи) ва тўғри йўл ҳамда фурқон (ҳақ билан ботилни ажраттувчи) нинг очиқ оятлари бўлиб, Қуръон позил қилинган ойдир" ("Бақара", 185).

3. "Қадр" кечаси Қуръони каримда "минг ойдан яхшироқдир", деб таъриф берилган айнан шу ойда.

4. Динимизнинг беш тамали бўлган рўза ибодатини бажаришдек буюк ибодат ҳам шу ойда амалга оширилади. Аллоҳ таоло: "Бае, сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсан", деб марҳамат қилган. ("Бақара", 185).

5. Фитр садақаси берини фақат бу ойга хос ибодатdir.

6. Таровиҳ намози ҳам бу ойнинг маҳсус ибодатидir.

Набий (с.а.в.): "Ким Рамазонда имон ва ихлое билан қоим бўлса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинур", деганлар.

7. Эътикофда ўтириш. Абу Хурайра (р.а.) ривоятида: "Набий (с.а.в.) ҳар Рамазонда ўн кун эътикоф ўтирасар эдилар", дейилган. Оиша онамиз (р.а.): "Набий (с.а.в.), то Аллоҳ у кининни вафот эттиргушича Рамазонининг охирги ўн кунлигига эътикоф ўтирасар эдилар. У зотдан кейин зависалари ўтиришиди", деганлар.

8. Упбу ойда Аллоҳ таоло мусулмонларининг узоқ йиллик сабр-бардошларига илоҳий мукофот ўлароқ Бадр урушида улкан зафар – Ислом дини тарихидаги биринчи улкан ғалабани берди. Бу кунни Аллоҳ таоло "Фурқон куни" – ҳақ билан ботилини фарқ қиласидиган кун, деб номлаган.

9. Рамазон ойинда Қуръон ўқини ва ҳайру эҳсон қилиш. Ибн Аббос (р.а.): "Набий (с.а.в.) яхшилик қилишида одамларининг энг саҳииси эдилар. У зотининг энг саҳиий шайтлари эса, Рамазонда, Жаброил алайҳиссалом мулокотларига келганди бўлир эди. Жаброил ҳар кечада У зотининг ҳузурларига келар эди. Набий алайҳиссалом унга Қуръонин ўқиб берар эдилар", деганлар.

Ҳадисда Рамазон ойида Қуръони каримни ҳатм қилиш суннат эканлиги кўриниш турибди. Шунингдек, имконияти етганлар бу ойда кўпдан-кўп садақа беринлари, ҳайру эҳсон қилишлари жуда ҳам савобли амалдир. Аиас (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан: "Қайси садақа афзал", деб сўрашди. У зот алайҳиссалом: "Рамазон ойида берилган садақа", дедилар.

Абу Хурайра (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда Набий (с.а.в.) шундай деганлар:

"Сизга муборак Рамазон ойи келди. Аллоҳ таоло сизга унинг рўзасини тутмоқликини фарз қилди. Унда осмонларининг эшиклари очилур, жаҳанинамининг эшиклари

Мұқаддас ойлар да мұстажоб дүолар

ёпилади. Үнда ўзбошимча шайтоилар кишаңланади. Үнда Аллохининг бир кечаси бўлиб, у минг кечадан яхшидир. Ким у кечанинг яхшилигидан маҳрум бўлса, батажқиқ маҳрум бўлибди".

Аллохининг Расули (с.а.в.) ушбу ойининг фазилати ҳақида яна шундай деганлар:

"Рамазон келган вақт жашнатининг ҳамма эшиклари очилади. У ой давомида ҳеч бири ёпилмайди. Жаҳаннамишинг ҳамма эшиклари ёпилади. У ой тутагунига қадар ҳеч бири очилмайди".

Салмони Форсийдан ривоят қилинган бир ҳадисда Аллохининг Расули (с.а.в.):

"Эй шисооплар, буюк ва жуда муборак бир ойининг сөяси сизиншіг устишиғизга тушибди. У ойда Қадр кечаси бордирики, минг ойдан-да хайрлидир. Аллоҳ бу ойиншіг рузасини фарз, тунги ибодатини эса нафл қилди. Ким у ойда нафила амал қиласа, бошиңа ойлардаги фарзни бажарган бўлади. Ким у ойда фарз бажарсан, бошиңа ойлардаги 70 фарзни бажарган бўлади. У ой сабр ойидир, сабриниң жавоби эса – Жашнатдир. У – яхшилик ойидир. У мўминишіг ризқини оширадиган ойидир. Бу ойда бир рўзадорга ифторлик қилиғашининг, гуноҳлари мағфират қилиниб, жаҳаннамдан пажот топади. Рўзадорининг савоби камайтирилмаган ҳолда, рўзадорининг савобичалик унга ҳам савоб берилади. Саҳобалар: "Эй Аллохининг Расули, едиришга ҳеч нарсамиз бўлмаса-чи?" деб сўрашди. Аллохининг Расули (с.а.в.) шундай жавоб қилдилар: "Аллоҳ таоло бу савобни рўзадорга бир дона хурмо ёки бир қултум сув ёки сут берганига ҳам ато қиласди. Рамазон шундай ойидирки, унишіг аввали раҳмат, ўртаси мағфират, охири эса дузаҳдан пажотдир. Бу ойда хизматкорининг меҳнатиниң енгиллаштирганини Аллоҳ мағфират қиласди ва жаҳаннам оташидан қутқарди", деганлар.

Жобир иби Абдуллоҳ (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда

Набий (с.а.в.): "Аллоҳ Рамазон ойида мендан аввалы ҳеч бир пайғамбарга бермаган беш нарасин умматимга берди", деганлар. Булар:

1. Рамазон ойининг илк кечаси Аллоҳ умматимга раҳмат назари билан қарайди. Аллоҳ кимга раҳмат назари билан қараса, унга азоб бермайди.

2. Рӯздорниң оғизидан келадиган ҳид мушкниң ҳидидан ҳам хушбўйроқ қилинди.

3. Фаришталар кечаю кундуз уларниң ҳаққига истиғфор айтадилар. Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қиласи:

﴿ الَّذِينَ تَحْمِلُونَ الْعَزْمَ وَمَنْ حَوْلَهُمْ يُسْتَحْوَنَ بِخَمْدَرِ رَبِّهِمْ وَيُؤْمِنُونَ بِهِ
وَيَسْتَغْفِرُونَ لِلَّذِينَ ظَاهَرُوا عَلَيْهِمْ وَيُغْنَى مَسْئَلَةُ رَحْمَةٍ وَعِلْمًا فَأَنْفَقُوا
لِلَّذِينَ تَابُوا وَأَتَبْعَوَا بِإِلَهٍ وَقِيمٍ عَذَابُ الْجَنَّمِ ﴾ ⑤

"Аршии кўтариб турадиган ва унинг атрофидаги (фаришталар) Парвардигорларига ҳамд айтиш билан (У зотни барча айбу шуқсонлардан) поклаб-тасбеҳ айтурлар ва У зотта имон келтирурлар, ҳамда имон келтирган кишиларни мағфират қилишини сўрарлар:

"Эй, Раббимиз, Ўзинг раҳмат ва илм жиҳатидан барча нарасадан кенгдирсан. Бас, тавба қилган ва йўлинигга эргашган кишиларни мағфират эт ва уларни дўзах изобидан сақла" ("Фоғир", 7).

Оятнинг давомида фаришталар Аллоҳга яна шундай илтижо қиласидилар:

﴿ رَبَّنَا وَأَذْخِلْهُمْ جَنَّتَ عَدْنَ إِلَيْهِ وَعَدْتَهُمْ وَمَنْ صَلَحَ مِنْ أَبْنَائِهِمْ
وَأَرْزُقْ جَهَنَّمَ وَذَرْتَهُمْ إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴾ ⑥

"Эй, Рabbимиз, уларни ҳам, уларнинг ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётлари орасида солиҳ булған кишиларни ҳам Ўзинг уларга вайда қылған мангу жаинатларга доғыл қылғын. Албатта Сен қудрат ва ҳикмат соҳиби диресан" ("Фоғир", 8).

Бошқа бир ҳадисда шайтон занжирабанд қилинади ва Рамазон ойи тамом бўлгунига қадар бушатилмайди, дейилган.

4. Жаинатга ҳар куни зийнат берилади. Аллоҳ таоло зийнат берувчи ларга:

"Менинг солиҳ бандаларим учун тайёрлан. Улар дунё машаққатларидан холос бўлиб, менинг юртимга истироҳат учун келишларига оз қолди", деб марҳамат қиласи.

5. Аллоҳ Рамазоннинг сўнгти кечаси мўмин бандаларини мағфират қиласи.

Рамазон ойида беш вақт намоздан сўнг қуйидаги сура ва оятларни ўқиш жуда ҳам фазилатлидир.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾ الرَّحْمَنُ

الرَّحِيمُ ﴿مَلِكُ يَوْمَ الدِّينِ﴾ إِلَّا كَمَا خَيَّبَ وَإِلَّا كَمَا نَتَّسَبَّبَ ﴿أَقْدَمَنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ﴾ صِرَاطُ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرَ الظَّاغُورِيِّ

عَلَيْهِمْ وَلَا الظَّالِمِينَ ﴿﴾

﴿

Бисмиллах-р-роҳмани-р-роҳим

«Ал-ҳамду-лиллаҳи робби-л-ъаламин. Ар-роҳмани-р-роҳим. Малики йавми-д-дін. Ийіака наъбду ва ийіака настайін. Ихдина-с-сырбто-л-мустақім. Сырбто-ллазіна ан-ъамта ъалайхім ғойри-л-мағдуби ъалайхім вала-д-дбллін» (Амін).

"Барча мақтov, шукрлар оламларнинг тарбиячиси Аллюҳга бўлсин. У Раҳмои ва Раҳиймдир. У қиёмат кунининг

подшохидир. Фақат Сенгагина ибодат қиласындағы да фақат Сендағина ёрдам сүраймиз. Бизни түгри йүлгі ҳидоят қылғын. Үзинге сөйлем бергандарының ійлигі (бошлаган), ғазабға дучор бўлганлариниң ійлигі эмас, адашганларни кига ҳам эмас" (Омин).

"Оятул Курсий"

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

هُوَ اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَقُّ الْقَيْمُ لَا تَأْخُذْهُ سِنَةٌ وَلَا تَوْمَّلُهُ مَا فِي
الْأَرْضِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا
يَنْهَا أَنْ يَهْرُكُ وَمَا حَلَفُهُمْ وَلَا يُجِيظُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ
وَيَعْلَمُ كُرْسِيُّهُ الْشَّمْنَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَا يَنْعُدُهُ

جَفَّهُمْ وَهُوَ أَعْلَى الْعَظِيمِ ﴿٤﴾

Бисмиллах-р-рохман-р-рохиим

«Аллоху лâ илâха илâха хува-л-хайру-л-кайрум. Латакъа-хузуху синатув ва лâ навм, лаху мâфи-с-самавати ва мâфи-л-ард. Ман заллази яшфаъу ъиндаху илла биизних, яълламу мâ байна айдихим ва ма ҳолфаҳум ва лâ шуҳиттұна бишайъим мин ъилмих илла бимâ ша-а, васиъа курсийуҳу-с-самавати ва-л-ард, ва лâ шаудукъа-хифзуҳум мâ ва хува-л-ъалийру-л-ъазыжим».

"Аллоҳ — Үңдан үзга илоҳ йўқдир. У тирик ва абадий турувчидир. Уни на мудроқ тутар ва на уйқу олар. Осмонлар ва ердаги (барча) нарсалар Үникидир. Үнинг ҳузурида ҳеч ким (ҳеч кимни) Үнинг изнисиз шафоат

қылмас. (У) улар (одамлар)дан олдинги (булган) ва кеңшігі (бұладиган) нарасаны билур. (Одамлар) Ушынг ыл-мидаған фақат (У) истаганича үзлаштырурлар. Униш күрсейсін осемонлар ва ердан кесіндір. У иккисиншінг ҳиғзи Уни толиқтирмас. У олий ва буюқдір" ("Бақара", 255).

"Шаҳидаллоҳу ..." ояты

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

﴿ شَهِدَ اللَّهُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ وَالْمَلِكُ كُلُّهُ وَلَوْلَا الْعِلْمُ قَاتِلًا بِالْفَحْشَاتِ لَا
إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ الْحَسِيرُ ﴾ إِنَّ الَّذِي يَرَى عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْتِنْدَرُ ... ﴾ ۱۷﴾

Бисмилләхи-р-роҳмани-р-роҳим

«Шахида-лләху аннахү лә илаха иллә ҳува ва-л-маланкату ва улу-л-ъилми қәимам би-л-қист, ла илаха илла ҳувал-ъазизу-л-ҳаким. Инна-д-діна ънида-лләхил ислам».

"Аллоҳ, фарипиталар ва илм ахълари – адолат ила түрүвчи Аллоҳдан ўзға ибодатта сазовор танпры ійүқтілігінша шохидлик берадылар. Уидан ўзға ибодатта сазовор илоҳ ішүй. У азиз ва ҳаким Зотдір. Албатта, Аллоҳшынг наздида (мақбул) дин Исломдір" ("Оли Имрон", 18-19).

"Құлиллаҳұмма..." ояты

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

﴿ قُلْ اللَّهُمَّ مَلِكَ الْمُلَكَاتِ تُؤْتِي الْمُلَكَاتَ مَنْ تَشَاءُ وَتَنْزَعُ الْمُلَكَاتَ مَمْنُ تَشَاءُ
وَتُعِزِّ مَنْ تَشَاءُ وَتُعِذِّلُ مَنْ تَشَاءُ بِتَدِيكَ الْحَقْرُ إِنَّكَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴾ ۱۸﴾

تُولِجُ الْيَلَ فِي الْنَّهَارِ وَتُولِجُ الْنَّهَارَ فِي الْيَلِ ۚ وَتُخْرُجُ الْحَمَى مِنَ الْمَيْتِ
وَتُخْرُجُ الْمَيْتَ مِنَ الْحَمَى ۖ وَتَرْزُقُ مَنْ تَشاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ ۝

Бисмиллахি-р-роҳмани-р-роҳим

«Қули-ллаҳумма мәлика-л-мүлки ту'ти-л-мүлка ман таша'у ва таңзиъ-л-мүлка мимман таша' ва туъиззу ман таша'у ва тузиллу ман таша' бийадика-л-хойр, иннана ъалә қулли шай'ин қодийр. Тұлижу-л-лайла фи-н-наҳари ва тұлижу-н-наҳаро фи-л-лайл, ва тұхрижу-л-хайя мина-л-майити ва тұхрижу-л-майитта мина-л-хайя ва тарзұқу ман таша'у биғори хисаб».

"Айтинг: "Әй ҳукмроилик этаси – Аллоҳим, Сен хоҳлаган кишинигта ҳукмроилик ато этурсан ва хоҳлаган кишинигдан ҳукмроиликни тортиб олурсан, хоҳлаган кишинигни азиз қылурсан ва хоҳлаган кишинигни хор этурсан. Яхшилик Сенинг құлинигдадир. Албатта Сен барча нарасаға қодиресан. Кечани қуандызга киритурсан ва қуандызни кечага киритурсан. Ылікдан тирикни чиқарурсан ва тирикдан ўлыкни чиқарурсан ҳамда истаган кишинигта беҳисоб ризқ берурсан" ("Оли Имрон", 26-27).

РАМАЗОН ОЙИДА РҮЗА ТУТИШ

Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қиласы:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كَبِّئْ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُبِّئَ عَلَى الْذِيْتِ مِنْ
فَبِكُمْ لَعْلَكُمْ تَكْفُونَ ۝ أَيَّامًا مَعْدُودَاتٍ ... ۝

"Әй имон келтирғанлар, тақволи бұлишингиз учун сизлардан олдинги (уммат)ларға фарз қилингани каби

Мұрқаддас ойлар ва мұстажоб дүолар

сизларға ҳам саноклы күнларда рұза тутиш фарз қилинди" ("Бақара", 183-184).

Аллоқ таоло Мұхаммад (с.а.в.) умматига рұзани иккىниң ҳижрій сананың Шаъбон ойида фарз қилған. Бу ой мұммиларининг күпдан-күп савоблар олиб, иккі дунё саодатига әришишлары учун катта имконият берилған бир ойдир. Бу ой раҳмат ва шафқат, барака ва савоб ойи.

Расулуллоқ (с.а.в.) бу ойның фазилати ҳақида шундай деганлар:

"Сизга муборак Рамазон ойи келди. Аллоқ сизге ушинг рұзасини тутмоқтыкни фарз қилди. Үнда осмоиларининг эшиклари очилур. Жаҳаниам эшиклари ёнилур. Үнда үзбошимча шайтоналар кишинанади. Бу ойда бир кече борки, у минг ойдан яхшироқдир" (Ахмад, Байҳақий, Насайй).

"Ким Рамазон рұзасини имон билап ва савоб талабида тұтса, аввалғы гуноҳлари мағфират қилинади".

"Ким Рамазон рұзасини тұтса, олдинги гуноҳлари афв этилади. Аллоқ уни жашнатта Раййон эшиги орқали кирилади".

"Жашнатда Раййон номлы эшик бор. Бу эшиқдан рұза тутғанларғина кирадилар. Қиёмат куни: "Рұзадорлар қани?" деб иидө қилинади. Рұзадорлар шу эшиқдан жашнатға кирадилар. Охирги рұзадор кириши билап бу эшик ёнилади" (Бухорий, Насайй, Термизий).

Ибн Масъуд (р.а.) шундай дейди:

"Кимки осойишталық ва хузурлы вақтларида Аллохин әслаган, ҳаром шилар қилинішдан сақланған ҳолда Рамазон ойи рұзасини тұтса, ушбу ой тутамай туриб, барча гуноҳлари афв этилади".

Абу Хурайра (р.а.)дан ривоят қилинади.

"Набий (с.а.в.) айтадилар:

"Аллоқ таоло марҳамат қилаған: "Одам фарзаңдиппенг яхши амалиға үн баробардан етти юз баробарғача савоб зиёда қилинади. Рұза уңдаі әмас. Рұза Мен учун ва ушинг мукофотиниң Үзим бераман. Баңдам шаҳваттін, таомини,

шаребини Мен учун тарқ қылады. Рұза пардадыр. Рұзадор учун иккى хурсаңдчылық бор: оғиз очишидеги хурсаңдчылық да қиёмат қунидеги хурсаңдчылық" (Хадиси құдсий).

РАМАЗОН ОЙИНИ ЖОНЛАНТИРИШ

Бу ой ўн бир ойининг султонидир. Юқорида уннинг дастлабки ўн күнлиги раҳмат, кейингиси мағфират, охирги ўн күнлиги дұзахдан најжот әканлиги айтиб ўтилди. Бу ой қундузлари рұза тутиш, кечалари таровиҳ намози ўқиши, ибодатларда собит туриш, Қуръон хатын қилиш, күтілаб хайру әхсонлар бериш билан жонлантирилади. Бу ойнинг барака ойи әканлиги шундаки, Аллоҳ таоло бу ойда нафл ибодат бажарғанға фарз ибодат бажарғаннинг, фарз ибодат бажарғанға эса етмеш фарз аді этганинг ажрини беради. Бу ойнинг дастлабки 10 қунида «Лә иләҳа илла-лләх», кейингисида «Астағфиру-л-ләх» ва учинчи ўн күнлигида «Алләхумма ажирий мина-нәр» зикрларини күпайтириш лозим. Дуоларимизда Аллоҳдан иккى дүнё саодатини сұраш, жаһаннам азобидан најжот тилаш керак.

Рамазон ойининг дастлабки кечаси (Шальбон ойини Рамазонға боғлаган кеча) шом ва хуфтон намозлари орасида Аллоҳ муборак Рамазон ойига сов-саломат етказгани учун иккى ракат шуқр намози ўқилади. Биринчи ракатда "Фотиҳа" сурасидан кейин бир марта "Кавсар" сураси ўқилади. Иккинчи ракатда эса "Фотиҳа" сурасидан кейин бир марта "Ихлос" сураси ўқилади. Намоздан сүнг истаганча истиғфор ва саловот айтилади.

ИФТОР ДУОЛАРИ

Муоз ибн Зухра шундай деган:

"Набий (с.а.в.) рұзаны очиши вактида шундай дер әдилар:

اَللّٰهُمَّ لَكَ صُمْتُ وَعَلٰى رِزْقَكَ أَفْطَرْتُ

«Аллāхумма лака ҫумту ва ъалā ризқика афторту».

"Аллоҳим, Сен учун рӯза тутдим, Сен бергани ризқинг билан ифтор қилдим" (Абу Довуд).

Абдуллоҳ, ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилиниади.

Расулуллоҳ (с.а.в.) рӯзани очиш вақтида шундай дер эдилар:

لَقَبِ الْفَهَمَةِ وَانْتَلَى الْعُرُوفَ وَبَتَّ الْأَجْزَءَ إِنْ تَأْتِيَ اللَّهُ

«Захаба-з-зомаъу ва-бталлати-л-ъурӯку ва сабата-л-ажру иншā-аллāх».

"Сувенизлик тугади, томирлар намланди, ажр ва мукофотлар ҳам ишишаллоҳ берилади" (Абу Довуд).

Рӯзани очаётганды үқиладиган яна бир дуо бор:

بِسْمِ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ أَكْلَمُ لَكَ صُنْثُ وَعَلَى رِزْقِكَ أَفْطَرْتُ

وَعَلَيْكَ تَوَكِّلْتُ شُبَحَائِكَ وَبِحَمْدِكَ فَتَبَلِّ مِنِي إِنَّكَ أَنْتَ السَّوِيعُ الْعَلِيمُ

«Бисми-ллаҳи ва-л-ҳамду-ллаҳи, аллāхумма лака ҫумту ва ъалā ризқика афторту ва ъалайка таваккалту, субҳāнака ва биҳамдика фатакоббал минни, иннака анта-с-самī'у-л-ъалим».

"Аллоҳининг поми билан. Аллоҳга ҳамд бўлсин. Аллоҳим, Сен учун рӯза тутдим ва Сенга таваккул қилдим. Ўзинг барча нуқсанлардан поксан. Ҳамд Ўзингта хосдир. Мендан (рӯзамни) қабул қилгин. Албатта, Сен эннитувчи ва билгувчисан".

اللَّهُمَّ لَكَ صُنْثُ وَبِكَ آمَنْتُ وَعَلَيْكَ تَوَكِّلْتُ وَعَلَى

رِزْقِكَ أَفْطَرْتُ فَأَغْفِرْ لِي بَا عَفَافَ مَا قَدَّمْتُ وَمَا أَخْرَجْ

«Аллахумма лака құмту ва бика әманту ва алайқа таваккалту ва ъала ризқика афторт фа-ғифирлі йағоффару мә коддамту ва мә аххорту».

"Аллоҳим, Сенниг розилигинг учун рұза тутдим. Сенга имоң келтирдим ва Сенға тавакқал қылдым. Сен берған ризқиңг билан ифтор қылдым. Эй гүнохларни афв қылувчи Зот! Менинг аввалғи ва кейинги гүнохларимни афв эт".

اللَّهُمَّ لَكَ صُنْتُ وَعَلَى رِزْقِكَ أَفْطَرْتُ وَبِكَ آتَيْتُ وَلَكَ

أَشْلَمْتُ وَعَلَيْكَ تَوَكَّلْتُ فَتَقَبَّلْتُ مِنِّي إِنَّكَ أَنْتَ السَّمِيعُ الْغَيِّبُ

«Аллахумма лака құмту ва ъалә ризқика афторту ва бика әманту ва лака асламту ва ъалайқа таваккалту фатакоббал минни ишинақа антас саміньу-л-алім».

"Аллоҳим, Сенниг розилигинг учун рұза тутдим. Сенниг берған ризқиңг билан ифтор қылдым. Сенға таслим бұлдым. Сенға тавакқал қылдым. Амалларимни қабул эт, албатта, Сен эшитгувчи ва билгувчисай".

Абдуллоҳ иби Амрдан ривоят қилинади.

"Аллоҳининг Расули (с.а.в.) ифтор вақтида шундай дуо қиласар здилар:

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ بِرَحْمَتِكَ الَّتِي وَسَعَتْ كُلُّ شَيْءٍ وَأَنْ تَغْفِرْنِي

«Аллахумма мин ас'алука бироҳматика-ллатий васиъта кулли шай'ин ан тағфиролій».

"Аллоҳим, албатта, ҳар нарасан зғаллаган раҳматинг билан Сендан мени мағфират этишинигин сұрайман" (Ибн Можа).

Абдуллоҳ иби Зубайр (р.а.)дан ривоят қилинади.

"Набий (с.а.в.) Саъд иби Муоззиқида ифтор қилдилар да сүнгра шундай дуо қилдилар:

أَفْطَرَ عِنْدَكُمُ الصَّابِرُونَ وَأَكَلَ طَعَامَكُمُ الْأَبْرَارُ وَصَلَّتْ عَلَيْكُمُ الْمَلَائِكَةُ

«Афтора ъиндакуму-с-сбимүна ва акала тоъамакуму-л-аброру ва соллат ъалайкуму-л-малайках».

“Хузурингизда рӯздорлар ифтор қилдилар, таомнигизни яхшилар едилар ва фаринталар сизга саловот айтдилар”.

РАМАЗОН ДУОСИ

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ يَاسِنَاتِكَ الْخَيْرِيَّةِ

يَا اللَّهُ

﴿ فَاغْلِقْ أَنْهَادَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ... ﴾

Аллахумма иний ас'алука бисмика-л-ҳуснა.
Йа Аллах!

«Фаълам аннахӯ ла илаха илла-ллӯх».

“Аллоҳим, албаттга, Сендан гўзал исемлариниг билан сўрайман. Эй Аллоҳ! Йа, (Эй, Мұхаммад) билгиси: Аллоҳдан ўзга ибодатта лойиқ илоҳ йўқ” (“Мұхаммад”, 19).

يَا رَحْمَنُ

﴿ الرَّحْمَنُ عَلَمُ الْفَرْqَانِ ﴾

Йа Роҳмân!

«Ар Роҳмани ъаллама-л-Қуръан».

“Эй мўмину коғирга меҳрибон ва иеъмат берувчи зот! Меҳрибон (Аллоҳ) Қуръонни таълим берди” (“Раҳмон”, 1-2).

يَا رَجِيمُ

﴿... وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴾

Йә Роҳим!

«Ва қана-лләху ғофуро-р-роҳима».

"Эй фақат мүмиларга раҳм қилювчи! Аллоҳ мағфиратлы, меҳрибон бўлган зотдир" ("Нисо", 100).

يَا مَالِكَ

﴿... مَالِكَ يَوْمَ الدِّينِ ﴾

Йә Мәлик!

«мәлики йавмид дін».

"Эй Подшоҳ! (У) Қиёмат күнишинг подшоҳидир" ("Фотиҳа", 4).

يَا قُلُوسُ

﴿... الْمَلِكُ الْقُدُوسُ الْكَلِمُ ... ﴾

Йә Куддүс!

«Ал малику-л-күддүсу-с-салам».

"Эй ойблардан пок Зот. (Аллоҳ) Подшоҳ, (барча айбу нуқсоплардан) пок, (баңдаларига) тиңчлик, омонлик берувчи!" ("Ҳашр", 23).

يَا مُتَعَالٍ

﴿... فَتَعْلَمَ اللَّهُ الْمَلِكُ الْحَقُّ ... ﴾

Йә Мутаъал!

«фатаъала-лләхул-малику-л-ҳаққю».

"Эй шуқсоплардан юқори турувчи Зот! Ҳаққоний Подшоҳ — Аллоҳ олий зотдир" ("Тоҳа", 114).

يَا سَلَامُ

﴿ وَاللَّهُ يَدْعُو إِلَىٰ دَارِ السَّلَامِ ... ﴾

Йә Салам!

«Валләху йадъ ў илә дәри-с-салам».

"Эй шүкендерден саломат, тиичлик, омоилик берувчи Зот! Аллоҳ (одамларни) салом диәри (жашнат)га чорлайди" ("Юнус", 25).

يَا مُؤْمِنُ

﴿ ... الْمُؤْمِنُ الْمُهَمِّشُ الْعَزِيزُ ... ﴾

Йә Му'мин!

«Ал му'мину-л-мухаймину-л-ъазиз».

126 "Эй имон ва омоилик берувчи Зот! (Аллоҳ) имон ва омоилик берувчи, барча нарасаны қамраб оловчи, барчанинг устидаи ғолибдир" ("Хашр", 23).

يَا عَزِيزُ

﴿ ... وَكَانَ اللَّهُ غَنِيًّا حَكِيمًا ﴾

Йә Азиз!

«Ва кәна-лләху азийзаң ҳәкима.

"Эй барчанинг устидаи ғолиб Зот! Ва Аллоҳ құдратли ва ҳикматлы Зотдир ("Фатх", 7).

يَا جَبَّارُ

﴿ ... الْجَبَّارُ الْمُتَكَبِّرُ ... ﴾

Йә Жаббәр!

«Ал жаббәру-л-мутакаббир.

"Эй олий қадар, улут Зот! Бүйсүпдиргувчи, (тапқо) кибр әгаси" ("Хашр", 23).

يَا خَالقُ

﴿... فَتَبَارَكَ اللَّهُ أَحْسَنُ الْخَلِيقَنَ﴾

Йә Хөлиқ!

«Фа-табарока-лләху аҳсану-л-хөлиқін».

"Әй аели ва ўхшаши йүқ нарсаларии аниқ бир ўлчовлар билан яратувчи Зот! Яратувчиларининг энг гүзали – Аллоҳ барокатлизидир" ("Мұммин", 14).

يَا مُصَوِّرُ

﴿... هُوَ الَّذِي يُصَوِّرُ كُلَّ شَيْءٍ فِي الْأَرْضِ كَيْفَ يَشَاءُ﴾

Йә Мусовир!

«Хуваллазың йусовирукум фи-л-арҳами кайфа йаша».

"Әй маҳлүқотларининг суратини шакллантирувчи! У сизларга бачадонда бүлгаш пайтиңгизда Ўзи хоҳлаган суратин бергап Зотдир" ("Оли Имрон", 6).

يَا بَارِيُّ

﴿... إِلَّا بَارِيُّ الْمُصَوِّرُ ...﴾

Йә Бәриъу!

«Ал бәриъу-л-мусовир.

"Әй йүқдан бор қылувчи, вужудға келтирувчи! (Аллоҳ) йүқдан бор қылувчи, (барча нарсага) сурат-шакл бергувчи" ("Ҳашр", 24).

يَا أَوَّلُ

﴿... هُوَ الْأَوَّلُ وَالآخِرُ وَالظَّاهِرُ وَالبَاطِنُ ...﴾

Йә Аввал!

«Хұва-л-аввалу ва-л-әхыру ва-з-зәхирү ва-л-бәтін».

"Эй ҳамма нарасдан аввал Зот! У аввалу охир, Зохир (ошкор) ва Ботин (пинхон)дир" ("Хадид", 3).

۱۲۸

﴿... إِنَّ رَبَّنَا الْغَفُورُ شَكُورٌ ﴾

Йә Шакүр!

«Инна роббанә ла-ғофүрун шакүр».

"Эй оз амал учун күй савоб берувчи Зот! Албатта, Раббимиз ўта маңғыратли ва шукр соқиби (оз амал учун күй савоб берувчи)дир" ("Фотир", 34).

يَا وَدُودُ

﴿... وَهُوَ الْغَفُورُ آلَوْكُودُ ﴾

Йә Вадүд!

«Ва хувал ғофүру-л-вадүд».

"Эй барчага яхшиликни право күрүвчи! У (мүмиларга) кечиримли, муҳаббати кучли Зот" ("Буруж", 14).

يَا ظَاهِرُ

﴿... وَالظَّاهِرُ وَالْبَاطِنُ ... ﴾

Йә Зәхир!

«Ва-з-зәхирү ва-л-бәтін».

"Эй мавжудлиги ошкор, очиқ - ойдии бүлгап Зот! У Зохирү (ошкор) ва Ботин (пинхон)дир" ("Хадид", 3).

يَا قَائِمُ

﴿... قَاتِلًا بِالْفَسَادِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ﴾

Йә Қоим!

«Қоимам би-л-қисты лә илāха иллā ху».

"Эй ҳамина қоим тургувчи! Аллоҳ адолат ила туриб, Ундаң ўзга илоҳ йүқлигига (шоҳидлик беради)" ("Оли Имрон", 18).

يَا حَمْيٌ

﴿... لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَنِيفُ لِقَوْمٍ﴾

Йә Ҳайй!

«Аллāху лā илāха иллā хува-л-ҳаййу-л-қоййūм».

"Эй ҳамина тирик, абадий қолгувчи Зот! Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йүқ. У тирик ва абадий турувчидир" ("Бақара", 255).

يَا عَلِيمٌ

﴿... وَهُوَ السَّمِيعُ الْغَيْبُ﴾

Йә Җалім!

«Ва хува-с-самійу-л-алім».

"Эй ҳар бир нареани билувчи! У эшитувчи ва билгувчи Зотдир" ("Анъом", 13).

يَا بَصِيرٌ

﴿... لَهُ اللَّهُ بَصِيرٌ بِالْعَبَادِ﴾

Йә Бағір!

«инна-лләх бағірум би-л-ъибâd».

Эй ҳар бир нареани күрувчи! Албатта, Аллоҳ баңда-ларини күриб турувчидир ("Ғоғир", 44).

يَا حَلِيمُ

﴿... وَإِنَّ اللَّهَ لَعَلِيمٌ حَلِيمٌ ﴾

Йа Ҳалім!

«ва ишилләхә ла-ъалімун ҳалім».

"Эй ҳалім Зот! Албатта, Аллоҳ билүвчі ва ҳалімдір!"
("Хаж", 59).

نَّىٰ وَلِمَنْ

﴿... وَكَانَ اللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا ﴾

Йа Ҳакім!

«ва кāна-лләху азізан ҳакіма».

"Эй ҳар бир нарасиң ҳикмат ила қылғувчи Зот! Ва
Аллоҳ құдратли ва ҳикматли Зотдір" ("Фатх", 7).

يَا كَرِيمُ

﴿... فَإِنَّ رَبِّيْ غَنِيْ كَرِيمٌ ﴾

Йа Карім!

«фаинна роббій ғониййун карім».

"Эй сұралмаса ҳам күплаб ато этувчи қарамли
Зот! Албатта, Раббим бесінжат ва қарамли зотдір"
("Намл", 40).

يَا مُقْتَدِرُ

﴿ إِنَّ الظَّبَابَنَ فِي جَنَّتَوْنَرِ فِي مَقْعَدِ صِدْقٍ عِنْدَ مَلِيكِ مُقْتَدِرٍ ﴾

Йа Мұктадір!

«Ишил муттақіна фи жақиатив ва нахар.
Фи мақъади құдқии ъиңда малийкім мұктадір».

"Әй ўта қудратли Зот! Албатта, тақводорлар жаннатларда ва дарёлар узра қодир Нодшоқ ҳұзуридаги садоқат мақомыда бўлурлар" ("Қамар", 54,55).

يَا بَاعِثُ

﴿... وَأَنْ لَهُ يَبْعَثَ مَنِ فِي الْقُلُوبِ﴾

Йә Бәъис!

«Ва аниа-лләхә йабъасу ман фил қубүр»

"Әй халқларга пайғамбар, кинишиларга ҳиммат юборувчи, ўлукларни қайта тирилтирувчи Зот! Ва албатта, Аллоҳ қабрлардагиларни тирилтирур" ("Хаж", 7).

يَا رَازِقُ

﴿... وَاللهُ خَيْرُ الرَّازِقِينَ﴾

Йә Рәзик!

«Ва-лләху ҳойру-р-рәзикйн».

Әй ризқ берувчи! Ва Аллоҳ энг яхни ризқ бергувчиidir ("Жұма", 11).

يَا وَارِثُ

﴿... وَلِللهِ مِيرَاثُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ ...﴾

Йә Вәрис!

«Ва лилләхи миyrбесу-с-самавәти ва-л-ард».

Әй барча мавжудотлар йўқ бўлганда ҳам боқий қолувчи Зот! Осмонлар ва ериииг мероси Аллоҳ (қолур) ("Оли Имрон", 180).

يَا قَوِيُّ

﴿... إِنَّ اللَّهَ لَقَوِيٌ عَزِيزٌ﴾

Йа Қовніш!

«Иниа-лләхә ла-қовнішун айз».

Эй қувватли Зот! Албатта, Аллоҳ қучли ва қудрат-лидир! ("Хаж", 40).

يَا شَهِيدُ

﴿... إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدًا﴾

Йа Шахнід!

«Иниа-лләхә кәна ъалә кулли шай'ин шахнід».

Хар бир нарасага ҳозыру нозир, барчага шохијдлик берувчи Зот! Албатта, Аллоҳ барча нарасага гуваһдир! ("Ахзоб", 55).

يَا مُبِينُ

﴿إِنَّهُ هُوَ الْمُبِينُ وَالْمُعِيدُ﴾

Йа Мубдиъ!

«Иниахұ хува йубдиъу ва йуъйд»

Эй барча нарасаларни аввал бошдан бор қылған Зот! Албатта, Унииг Үзи бошлар (яратар) ва қайтарур (қайта тирилтирур) ("Буруж", 13").

يَا رَزَاقُ

﴿... وَاللَّهُ يَرْزُقُ مَن يَشاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ﴾

Йа Роззәк!

«Ва-лләху йарзуку май йаша'у бигойри хисаб».

Эй күплас ризқ берувчи! Аллоҳ ҳохлагап кишиларга бәхисоб ризқ берур ("Бақара", 212).

يَا نَوَابُ

﴿ إِنَّ اللَّهَ كَانَ تَوَابًا رَّحِيمًا ﴾

Йә Тавваб!

«Ишна-лләхә кәна тавваба-р-рохима».

Эй баңдаларини тавбага йўлловчи, уларниң тавбасини кўилаб қабул қилувчи Зот! Албатта, Аллоҳ тавбаларин қабул қилувчи, раҳмли Зотдир ("Нисо", 16).

يَا وَهَابْ

﴿ ... إِنَّكَ أَنْتَ الْوَهَابُ ﴾

Йә Ваҳҳаб!

«Иннака анта-л-ваҳҳаб».

Эй кўплаб исьматларин беҳисоб берувчи! Албатта, Сен кўплаб ато этувчисан ("Оли Имрон", 8).

يَا جَلِيلُ

﴿ وَبِئْتَنِي وَجْهُ رَبِّكَ ذُو الْجَلَلِ وَالْأَكْرَامِ ﴾

Йә Жалил!

«Ва ябқо важху робника зу-л-жалали ва-л-икром».

Эй сифатларида улуғликка эга бўлган Зот! Улуғлик ва икром эгаси Раббинигизининг Ўзигина боқий қолур ("Раҳмон", 27).

يَا وَكِيلُ

﴿ ... وَكَنْتَ بِاللَّهِ وَكِيلًا ﴾

Йә Вакил!

«Ва кафә биллахи вакила».

Эй барчанинг иши Ўзигагина тоширилган Зот! Вакилликка Аллоҳининг Ўзи киғоя қилур ("Нисо", 81).

يَا كَافِ

﴿ ... وَكَفَى اللَّهُ الْمُؤْمِنِينَ الْقَتَالُ ... ﴾

Йә Кәфий!

«Ва кафа-лләху-л-мұмнина-л-қитәл».

Эй барча нарасада киғоя қылғувчи Зот! Мүмнілар учун Аллоҳшыңнан Үзи киғоя қиласы ("Ахъзоб", 25).

يَا وَلِيٌ

﴿ ... وَهُوَ الَّذِي أَحْمَدَ ... ﴾

Йә Валий!

«Ва ҳұва-л-валиййу-л-ҳамид».

Эй мұҳаббат құлувчи, пурат берувчи ва халқиншың иштеппен юритувчи Зот! У валий ва мақталған зотдир ("Шууро", 28).

يَا رَبُّ

﴿ ... فَتَبَارَكَ اللَّهُ رَبُّ الْعِلَمِينَ ... ﴾

Йә Робби!

«Фатабарока-лләху роббу-л-ъаламийн».

Эй тарбиячи! Бас, барча одамларнин Парвардигори бүлминш Аллоҳ баракотлидир ("Фоғипр", 64).

يَا عَنْبَيْ

﴿ ... وَاللَّهُ أَلَّغَنِي وَأَنْشَأَ الْفُقَرَاءَ ... ﴾

Йә Фоний!

«Ва-лләху-л-ғонийиу ва антуму-л-фуқорә'».

Эй беҳожат Зот! Аллоҳ бой, сизлар эса фақирдир-сизлар ("Мұхаммад", 38).

يَا حَلَّاقُ

﴿ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ الْخَلِقُ الْعَلِيمُ ﴾

Йә Холләк!

«Инна роббака хува-л-холләку-л-ъалім».

Эй яратувчи! Албатта, Раббингизининг Ўзигина яратувчи ва билүвчидир ("Хижр", 86).

يَا مُحْسِنُ

﴿ وَاللَّهُ تَحْبِبُ التَّحْرِيَّاتَ ... ﴾

Йә Мұхсип!

«Ва-лләху шүхиббу-л-муҳсиппән».

Эй эхсан қылувчи! Аллоҳ яхшилик қылувчиларни севади ("Оли Имрон", 134).

يَا قَادِرُ

﴿ ... وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴾

Йә Қәдир!

«Ва-лләху ъалә кулли шай'ни қодир».

Эй ўта қодир Зот! Ва Аллоҳ барча нареага қодирдир ("Оли Имрон", 189).

يَا مُفْضِلُ

﴿ ... وَاللَّهُ دُوَّالْفَضْلِ الْعَظِيمُ ﴾

Йә Муфаддол!

«Ва-лләху зу-л-фадли-л-ъазыйм».

Эй фазл қилувчи! Аллоҳ улуғ фазл әгасидир ("Анфол", 29).

يَا مُتِمٌ

﴿... وَيَتَمْ بِعْدَهُ عَلَيْكَ ...﴾

Йа Мутимм!

«Ва йутимму ишъматаху ъалайк».

Эй тамом қилувчи! (Аллоҳ) Ўз пеъматини батамом қилиб беради ("Юсуф", 6).

يَا مُعِزٌ

﴿... وَتَعِزُّ مَنْ تَشَاءُ وَتُذَلِّلُ مَنْ تَشَاءُ ...﴾

Йа Муъизз!

«Түйиззу ман таша'у ва тузиллу ман таша'».

Эй азиз қилувчи! Хоҳлаган кинингги азиз қилуреан ва хоҳлаган кинингги хор қилуреан ("Оли Имрон", 26).

يَا رَفِيعٍ

﴿رَفِيعُ الْدَّرَجَاتِ دُوَّالَعْرَشِ ...﴾

Йа Роғибу!

«Роғибу-д-дарожати зу-л-ъарш».

Эй күтарувчи! У даражаларни күтарувчи ва Арш соҳибиидир ("Фоғир", 15).

يَا شَفِيعٍ

﴿... مَنْ ذَلِكَ الَّذِي يُشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ ...﴾

Йа Шафийбу!

«Ман за-ллази шафыау ъиндахў иллә би-изних».

Эй шафоат қилувчи! Унииг ҳузурида ҳеч ким (ҳеч кимни) Унииг изинесиз шафоат қила олмас ("Бақара", 255).

يَا كَبِيرُ

﴿ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْاً كَبِيرًا ﴾

Йа Кабир!

«Инна-лләхә қана ъалиййан кабиyrō».

Эй ҳар бир парсадан катта Зот! Албатта, Аллоҳ жуда олий ва улуг зотдир! ("Нисо", 34).

يَا حَقُّ

﴿ فَتَعْلَمَ اللَّهُ الْعَلِيُّ الْحَقُّ ... ﴾

Йа Ҳакк!

«Фа-таъала-лләху-л-малику-л-ҳакк».

Эй ўзгармас событ Зот! Ҳаққоний подиоҳ — Аллоҳ олий Зотдир ("Тоҳа", 114).

يَا بَرُّ

﴿ إِنَّهُ هُوَ الْبَرُّ الرَّحِيمُ ﴾

Йа Баррү!

«Иннахү хува-л-барру-р-роҳим».

Эй улуг яхшилик қилувчи! Албатта, Унииг Үзи марҳаматли ва раҳмлиидур ("Түр", 28).

يَا وَتَرُ

﴿ وَالشُّفَعَ وَالوَتَرُ ﴾

Йә Витр!

«Ва-ш-шафъи ва-л-ватр».

Эй тоқ Зот! Жұфту тоқ билап қасам ("Фажр", 3).

يَا عَفَّارُ

﴿... إِنَّهُ كَانَ غَفَّارًا ﴾

Йә Фоффар!

«Иннахұ кāна ғоффаро».

Эй күйлаб магфират қилувчи Зот! Албатта, У үта магфиратлы зотдир ("Нұх", 10)

يَا عَافِرُ

﴿... وَأَنْتَ خَيْرُ الْغَفِيرِينَ ﴾

Йә Фәфир!

«Ва анта ҳойру-л-ғәфири».

Эй мағфират қилувчи! Үзинг мағфират қилгувчиларшың әнг яхшиенидирсан. ("Аъроф", 155).

يَا حَمِيدُ

﴿... تَنْزِيلٌ مِّنْ حَكِيمٍ حَمِيدٍ ﴾

Йә Ҳамид!

«Танзийлум мин ҳакимин ҳамид».

Эй барча мақтоловлар ила мақталған Зот! (Күръон) ҳикмат ва ҳамд әгаси томонидаи позил қилинганидир ("Фуссилат", 42).

يَا وَاحِدُ

﴿... وَإِنَّهُمْ إِلَهٌ وَاحِدٌ ﴾

Йа Вахид!

«Ва илаху ком илахув вахид».

Эй ягона Зот! Ва илоҳингиз ягона илоҳдир ("Бақара", 163).

يَا مَتَّعِنْ

﴿ إِنَّ اللَّهَ هُوَ الرَّزَّاقُ ذُو الْقُوَّةِ الْمَتَّعِنُ ﴾

Йа Маттин!

«Инна-лләхә хува-р-рөзәйқү зул қуввати-л-маттин».

Эй матонатли Зот! (Аллоҳ) қувват әгаси, шиддат-лидир ("Зориёт", 58).

يَا هَادِي

﴿ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ ... ﴾

Йа Ҳаді!

«Ва лакинна-лләхә Ыаҳді май Ыаша'».

Эй ҳидоят қылувчи! Лекин Аллоҳ Үзи иетаган кишиларни ҳидоят этур ("Бақара", 272).

يَا بَدِيعُ

﴿ بَدِيعُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ ... ﴾

Йа Бадійу!

«Бадійу-с-самавати ва-л-ъард».

Эй ўшашың ішүқ нареаларни яратувчи! У, осмонлару ерни йўқдан бор қылгувчи Зотдир ("Анъом", 101).

يَا عَلِيمُ

﴿ عَلِيمُ الْغَيْبِ وَالشَّهَدَةِ ... ﴾

Йә Алім!

«Җаліму-л-ғойби ва-ш-шахада».

Эй ҳар бир нарсаны билувчи Зот! У махфий (спр) ва ошкора (гап ва шиларни) билувчицир ("Мұъминун", 92).

يَا فَتَّاحُ

﴿... وَهُوَ الْفَتَّاحُ الْعَلِيمُ ﴾

Йә Фаттах!

«Ва хува-л-фаттаху-л-ъалім».

Эй күпілаб нарсаларни очувчи! У ўта очгувчи ва ўта билувчицир ("Сабаъ", 26).

يَا عُظِيمُ

﴿... إِنَّ رَبَّنَا بِمَا تَعْمَلُونَ عَظِيمٌ ﴾

Йә Мұхіт!

«Инна роббій бімә таъмалұна мұхіт».

Эй иҳота қылувчи! Албатта, Раббим қылмишила-риңгизни қамраб олувчицир ("Худ", 92).

يَا قَاضِي

﴿ وَاللَّهُ يَقْضِي بِالْحَقِّ ... ﴾

Йә Қодій!

«Валләху йақдій би-л-ҳаққ».

Эй ҳукм қылувчи! Аллоҳ ҳаққоний ҳукм қилур ("Фоғир", 20).

يَا صَمَدُ

﴿ أَللَّهُ الصَّمَدُ ﴾

Йә Сомад!
«Алләху-с-сомад».

Аллоҳ Сомаддир (хеч кимга қожати йүқ, ҳамма Үнға қожатмайд Зот) ("Ихлос", 2).

يَا حَسِيبٌ
﴿... إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ حَسِيبًا﴾

Йә Ҳасіб!

«... Ини-лләха ъалә қулли шай'ин-ҳасібә».

Әй ҳисеб қилувчи! Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсаның ҳисебини олувчиidir ("Нисо", 86).

يَا نَاصِيرٌ
﴿... يَعْمَلُ الْغَوْنَىٰ وَنَعْمَلُ النَّصِيرُ﴾

Йә Насыр!
«Ниъма-л-мавлә ва ниъма-н-насыр».

Әй ңуерат берувчи Зот! У нақадар яхши хожа ва нақадар яхши ңуерат берувчи ("Анфол", 40).

يَا وَاسِعٌ
﴿... وَكَانَ اللَّهُ وَسِعًا حَكِيمًا﴾

Йә Вәсіль!
«Ва қана-лләху вәсільян ҳакима».

Әй ҳар нарсаны кеңг илми билан қамраб олған Зот! Аллоҳ фазли кеңг ва ҳикматли Зотдир! ("Нисо", 130).

يَا فَاهِرٌ
﴿... وَهُوَ الْقَاهِرُ فَوْقَ عَبَادِهِ﴾

Йә Кәхир!

«Ва хува-л-кәхиру фавко ъибадих».

Эй ҳамма нареа устидан голиб Зот. У бандалари устидан болибдур ("Анъом", 18).

يَا كَبِيرٌ

﴿... الْكَبِيرُ الْمُتَعَالُ﴾

Йә Кабиyr!

«... ал-Кабиyrу-л-мутаъал».

Эй ҳар бир нареада катта Зот! У буюк ва юксак Зотдир ("Раъд", 9).

يَا مَنْ لَيْسَ لَهُ وَلَدٌ

﴿لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُوْلَدْ وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُواً أَخْدًا﴾

Йә ман лайса лахұ валад!

«Лам йалид ва-лам йўлад ва-лам йакул-лахұ
куфуван ахад»

Эй фарзанди бүлмаган Зот. Түргаган ва түрилмагансаи. Сенга ҳеч ким тенг бүлмаган.

يَا أَنْجَنٌ

﴿... لَيْسَ كَمِيلٌ شَفِيٌّ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾

﴿... يَعْمَلُ الْعَوَالِيَّ وَذَعْمَلُ الْكَنْصِيرُ﴾

Йә ман «Лайса ка-мислихі шай', ва-хува-с-самій-у-л-басыйр, ниъма-л-мавлә ва-ниъма-н-насыйр».

Эй ўшаши йўқ Зот. У эшитгувчи ва күргувчи. Қандай ҳам яхши хожа ва қандай ҳам яхши нусрат берувчидир.

وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ

Ва ла ҳавла ва ла қуввата иллә билләхи-л-ъалиййи-л-ъазыйм.

Күч әмбеттажаңыз мартабаси олий, азаматли, улуг Аллоҳдананыр.

ҚАДР КЕЧАСИ

Қадр кечасининг фазилати ҳақида "Қадр" сурасида батағсил айтиб үтилган. Бу суранинг бир оятида Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло шундай марҳамат қиласы:

﴿لَيْلَةُ الْقَدْرِ خَيْرٌ مِّنْ أَلْفِ شَيْرٍ﴾

"Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир" ("Қадр", 3).

Ривоятларга күра, "Қадр" кечаси Рамазон ойининг охирги ўн күнлигидаги тоқ кечалардан бирида бўлади. Бу кечасининг қатъий тайин қилинмаганилиги Аллоҳнинг ҳикматиданандир. Бунинг тахминий сабаби ҳар бир кечани "Қадр" кечаси деб билган ҳолда ибодат қилиш ва Аллоҳнинг мағфиратини тилашдан иборатдир.

Мазкур оят тағсирида Ибн Касир (р.а.) шундай ёзғашлар.

"Бир киши қурол-аслаҳа олиб, минг ой Аллоҳ йўлида жиҳод қилгани билдирилади. Расулуллоҳ (с.а.в.) бундан ажабланадилар ва умматларининг ҳам шундоқ бўлишини орзу қилиб: "Эй Рabbim, менинг умматимни умматлар ичида умри қисқа, амали оз қилдинг", дедилар. Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз (с.а.в.) га жавобан:

"Лайлатул Қадр сен ва умматингга ўша одам жиҳод қилган минг ойдан афзалдир" – деб марҳамат қилди.

Ушбу муборак кечада Аллоҳнинг амри билан фаришталар ибодат қилган баидалар атрофида тоңигта қадар айланниб турадилар ҳамда Аллоҳ таолонинг саломи солиҳ баидаларга юборилади. Ушбу муборак кечада қилинган дуолар рад этилмайды.

Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деганлар:

"Агар жаппаратдан бир одам чиқса ва бутун дүнё аҳли

үнгі мәхмөн бўлса, у ҳаммасини едиради, ичиради ва кийинтиради. Кадр кечаси ҳам Аллоҳнинг мәхмөнларида пиридир. Унинг зиёфати бутун дүнё аҳлига етади. Бандаларниң барчаси Аллоҳ таолошиниг бандалари ва мәхмөнлари дип. Унинг марҳамати, зути үларга тўғри келмайдими?"

Расулуллоҳ (с.а.в.) бу кеча ҳақида шундай деганилар:

"Лайлутул Қадр"ни имон билан савоб талабида бедор ўтказгаи кишининг ўттан гуноҳлари мағфират қилинади".

Оиша онамиз (р.а.)дан ривоят қилинади:

"Набий (с.а.в.) бир кеча ёнимга кирдилар ва:

"Эй Оиша! Бу кеча тўрт амалии қилмасдан ухлама:

1. Қуръонни бир марта хатм қил.
2. Барча Пайғамбарларни қиёмат кунида ўзинги шафоатчи қил.
3. Барча мўминларниң розилигини ол.
4. Ҳаж ва умра қил", дедилар".

Шуларни айтгандан сўнг Расулуллоҳ (с.а.в.) намоз ўқишга киришдилар. Намоз тугагунига қадар кутдим. Расулуллоҳ салом бергандаридан сўнг сўрадим:

"Эй, Расулуллоҳ, ота ва онам сизга фидо бўлсин, менга шу тўрт амалии бажармай ухламаслигимни айтдингиз. Лекин шунчак амалларни бир кечада қила олмайман. Йўлини кўрсатинг".

Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) табассум билан менга жавоб бердилар:

"Эй Оиша, айтган амалларим сендан ҳеч қандай куч талаб қилмайди. Чораси эса қўйидагича:

1. Уч марта "Ихлос" сурасини ўқисанг, Қуръонни хатм қилганичалик бўласан.
2. Менга ва бошқа барча Пайғамбарларга саловот айтсанг, бизлар сенга қиёматда шафоат қиласан.
3. Мўминлар учун Аллоҳдан мағфират тиласанг, үларниң ҳаммасининг розилигини оласан.

4. Мана бу тасбекиңи ихлос билап зикр қылсанғ, бир ҳаж жаңа оласан:

شُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لَهُ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ
 وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ الْعَظِيمِ

«Субхана-лләхни ва-л-хамду ли-ллахи ва лә иләха илла-лләху Ва-лләху акбар. Ва лә ҳавла ва лә қуввата иллә биллахи-л-ъалийи-л-ъазыйм».

ҚАДР КЕЧАСИ ЎҚИЛАДИГАН ДУО

Оиша онамиздан (р.а.) ривоят қилинади. У киши Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан сүрабдилар:

— Эй, Расулуллоҳ, Қадр кечаси Рамазон ойининг қайси күни эквалигини билсам, қандай дуо қилишим керак?

Расулуллоҳ (с.а.в.) мана бу дуони айтдилар:

اللَّهُمَّ إِنَّكَ عَفُورٌ كَرِيمٌ لَا تُحِبُّ الْعُنُوقَ فَاغْفِلْ عَنِي

«Аллахумма шинака ъафувун карімун тұхіббу-л-ъафва фа-ъфу ъаний».

"Аллоҳим, албатта Сен афв этувчи, Каримсан. Афв этишин севасин. Мени ҳам афк эт" (Термізий).

ҚАДР КЕЧАСИ НАМОЗИ

Қадр кечаси махесүс тұрт ракат намоз үқилади.

Бу намоз иккى ракатдан адойтылади. Бириңчи ракатда "Фотиҳа" сурасидан кейин уч марта "Қадр" сураси, иккىнчи ракатда эса "Фотиҳа" сурасидан кейин уч марта "Ихлос" сураси зам қилинади.

Намоздан сүнг бир марта тамриқ тақбири айтилади:

اَللّٰهُ اَكْبَرُ لَا إِلٰهٗ اِلَّا اللّٰهُ وَاللّٰهُ اَكْبَرُ وَلِلّٰهِ الْحَمْدُ

«Алләху акбар, Алләху акбар, ла иләхә иллә-лләху
ва-лләху акбар. Алләху акбар ва лилләхи-л-хамд

— Аллоҳ буюқдир, Аллоҳ буюқдир, Уидан бошиқа
ибодатға лойинқ илоҳ йүқ ва Аллоҳ буюқдир. Аллоҳ
буюқдир ва ҳамд Уига хосдир".

Сүнгра юз марта "Қадр" сураси ўқилади:

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ ۝ وَمَا أَذْرَنَاكَ مَا لَيْلَةَ الْقَدْرِ ۝ لَيْلَةَ الْقَدْرِ خَيْرٌ
مِّنْ أَلْفِ شَهْرٍ ۝ تَنَزَّلُ الْمَلَائِكَةُ وَالرُّوحُ فِيهَا بِإِذْنِ رَبِّهِمْ مِّنْ كُلِّ أُمْرٍ ۝ سَلَامٌ
عَلَىٰ حَتَّىٰ مَطْلَعِ الْفَجْرِ ۝﴾

Бисмилләхি-р-роҳмәни-р-роҳим

«Ишің аизалнайху філайлати-л-қодр. Ва мә адрбқа мә
лайлату-л-қодр. Лайлату-л-қодри ҳойрум мин алфи
шахр. Таңаззалу-л-маләккатау ва-р-рӯху фийха би-изни
роббихим мин кулли амр. Саламун хийа ҳаттә матлаяни-
л-фажр».

Мәхрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан башлайман

"Албатта, Биз у (Қуръон) ин Қадр кечасыда позил
қылдик. (Эй, Мұхаммад) Қадр кечаси шима эканини Сизге
не ҳам англатур?! Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир.
У кечада фаришталар ва Рух (Жаброил) Парварди-
горларининг изини билан (осмондан) ерга тушадилар. У
кеча тоңг отгунича саломатлиқдир".

Юз марта "Шарҳ" сураси:

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

وَاللَّهُ شَرِحُ لِكَ صَدْرَكَ وَوَضَعْنَا عَنِكَ وَزَرَكَ
 الَّذِي أَنْقَضَ ظَهِيرَكَ وَرَفَعْنَا لَكَ ذِكْرَكَ
 فَإِنَّمَا مَعَ الْعَسْرِ سُرَّاً إِنَّمَا مَعَ السُّرَّ سُرَاً
 فَإِذَا فَرَغْتَ فَأَنْتَ بَرِّيَّةٌ وَلَيْكَ فَارِغَبٌ

Бисмиллāхи-р-роҳмāни-р-роҳīм

«Алам нашроҳ лака қодорок. Ва-вадоъна ъанка визрок. Аллазӣ анқодо зоҳрок. Ва-рофаъна лака зикрок. Фа-инна маъа-л-ъусри юсрон инна маъа-л-ъусри юср. Фа иза фароғта фа-исоб. Ва ила роббика фа-ргоб».

Мехрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан боплайман " (Эй, Мұхаммад) күкенігизни (ілму ҳикматга) кең очиб қўймадикми? Сиздан юкингизни олиб қўйдик. Қайсики, белингизни эзib турган эди. Зикрингизни (мартабанигизни) ҳам баланд қилиб қўйдик. Бас, албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга сингиллик бордир. Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга сингиллик бордир. Қачошки фориғ бўлсангиз туринг ва Раббингиз сари рагбат (билан илтижо) қилинг".

Юз марта "Қадр" дуоси:

اللَّهُمَّ إِنَّكَ عَفُوٌ كَرِيمٌ تُحِبُّ الْعَفْوَ فَاعْفُ عَنِي

«Аллаҳумма шинака ъафуввун каримун туҳиббул афва фаъфу ъаний».

"Аллоҳим, албатта, Сен афв этиувчи Каримсан. Афв этишни севасан. Мени ҳам афв эт", деб ўқилади.

ШАВВОЛ ОЙИ

Шаввол Рамазондан кейинги ой ҳисобланади. Рамазон ойин рұзасынан кейин бу ойда олти күн рұза тутишининг ажри катта бўлиб, бу амалини адо этиши ҳар бир мўминига тавсия қилиниади. Абу Айюб Ансорийдан ривоят қилингани ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай деганилар:

"Ким Рамазон рұзасини тутиб, кетидаш шаввол ойнда олти күн рұза тутса, бир йил рұза тутгаңдек бўлади" (Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насаий, Ибни Можа).

Савбон (р.а.)дан ривоят қилингани ҳадисда Набий (с.а.в.):

"Ким Иїди фитр (Рамазон байрами) дан сўнг олти күн рұза тутса, бир йилни тамомлабди", дедилар.

مَنْ جَاءَ بِالْحَسَنَةِ فَلَهُ أَثْنَا عَشْرَ أَمْثَالَهَا

"Ким (бир) ҳасана (савобли иш) қиласа, унга ўн баробар (кўпайтириб ёзилур)" ("Анъом", 160).

Абу Хурайра (р.а.) буни шундай изоҳлаганилар:

"Аллоҳ ҳар бир яхши амалга ўн баробар савоб бергани учун Рамазон ойида ўтказ күн рұза тутиш уч юз кунга тенг бўлади. Ундан кейинги Шаввол ойида олти күн рұза тутиш эса олтмиш кунга тенг. Буларининг жами уч юз олтмиш күн бўлади".

ЗУЛҚАДА ОЙИ

Қамарий ҳисобда Зулқаъда ойи Шаввол ойидан сўнг келади. Ушбу ой ҳаром ойлардандир.

ЗУЛҲИЖЖА ОЙИ

Зулҳижжа ойи Зулқаъдадан сўнг келиб, ҳаж ойи ҳисобланади. Бу ойда Ислом аркоиларидан бирни бўлган ҳаж фарзи адо қилиниади. Дунёнинг барча мамлакатларидан

мусулмонларининг Аллоҳ мұяссар этғанлари Зулхижжанинг аввалги ўи қутилигидә ҳаж амалларини бажариш учун Макка шаҳрига йигиладилар. Каъба тавофида, Сафо ва Марва саъийида, Замзам булоги ёнида, кейин Миқода, Арофат тоғида, Муздалифада, Жамаротда, Мазбаҳда, кейин эса яна Каъба атрофида ибодат, тиловат па дуолар билан машгул бўладилар. Ҳажга боролмаган мусулмонлар ўз юртларида ушбу ўи кунини банимат билмоқлари, бу вақтни ибодат ва дуолар билан ўтказилилари мақсадга мувофиқдир. Бу муборак кунлар Аллоҳининг мүмин баандаларига манфаати кўпдир.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтадилар:

"Бу ўи кун дунёнинг энг хайрли кунлариидир. Солиҳ амалларининг Аллоҳга маҳбуброғи мана шу кунларда қилинганилариидир".

"Аллоҳ наздида бу кунларда қилинган ибодатдан қадрли бир ибодат йўқдир. Имкон қадар бу кунларда Аллоҳни ўзи зикр қилинг. Бу кунларда бир кун рӯза тутини бир йиллик рӯза тутинига тенг. Зулхижжанинг илк ўи куни ичида бир кун рӯза тутини бошқа кунларда бир йил рӯза тутинидан ҳам фазилатлидир".

"Аллоҳ наздида кунларининг улуги ва амалларининг афзалроғи ўи кунлик ва унда қилинганилариидир".

БАЙРАМ КУНЛАРИДА ҚАБР ЗИЁРАТИ

Расулуллоҳ (с.а.в.) айтадилар:

"Баірам күні ким ота-онасининг қабрини зиёрат қылса, ҳар боегаш қадаминга ҳасапот берилади. Ота-онасини баірам кунлари хурсанд қилғанларга Аллоҳ таоло марҳамат қиласди. Бир ишонин хафа қылған күнини Аллоҳ ҳам хафа қиласди ва қиёмат күніда унинг юзига қарамайди".

Бир йил ичида беш кеча борки, ким уларда күп ибодат қылса, кўпгина савоблар топиши мумкин. Бу кечалар – Арафа кечаси, иккى ҳайит кечаси, жума кечаси, Арафадан бир кун олдинги кеча ва Бароат кечаси.

Байрам кечаларида қүйидаги дуони ўн марта ўқиб, Аллоҳ таолога дуо қилиш керак:

يَا حَنْوْنَى يَا قِبْرُمْ يَا بَنِيْعَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ يَا ذَا الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ

«Йә ҳайттың ың қойынуму, йә бадіъа-с-самавати ва-ларди, йә за-л-жаләли ва-л-икрәм».

“Эй Тирик ва Қоим, эй ер ва күкларни йүқдан бор қылған. Шараф ва карам соғиби Аллоҳим!”

АРАФА КУНИ

Хайитдан олдинги кун арафа дейнлади. Арафа куни қүйидаги дуо ўқилади:

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْكُلُّ وَلَهُ الْحَمْدُ بِيَدِهِ الْخَيْرُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ

شَيْءٍ قَدِيرٌ

«Лә иләхә иллә-лләху вәхдаху лә шарїка лах, лаху-л-мулку ва лаҳу-л-ҳамду, бинадиҳи-л-хәйру ва хува ъалә күлли шай'ин қодир».

“Бир ва шериги бүлмаган Аллоҳдан бопқа илоҳ йүқ. Мулк Упникидир. Ҳамд Унга хосдир. Хайр Упдандир. У ҳар нарасага қодирдир”.

Ушбу дуо ҳақида Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деганлар:

“Арафа куни ўқиладиган дуо дуоларининг эиг хайрлиси дидир. Менинг ва мендан аввалги барча Пайғамбарлар қылған дуоларининг эиг фазилатлеси аниа шу дуодир”.

Ушбу дуо Арафа куни әрталабдан ўқишлиши лозим. Акс ҳолда шайтон уни ушуттириб, бу дуони ўқишинга монелик қилиши мүмкін.

Арафа куни ўқиладиган яна бир фазилатли дуо:

اللَّهُمَّ اجْعِلْ فِي قَلْبِي نُورًا وَفِي بَصَرِي نُورًا! اللَّهُمَّ اشْرَحْ لِي صَدْرِي وَبَشِّرْ لِي

أَمْرِي

«Аллāхумма-жъал фі қолбі иўрон ва фі бағорӣ иўрон. Аллāхумма-шроҳлі қодрӣ ва йассир лӣ амрӣ».

"Аллоҳим, қалбимни нурлантири, күзимни нурлантири. Аллоҳим, қалбимга кенглик бер ва ишларимни осон қил".

Арафа күнни мана бу дуони ҳам ўқиши афзалдир:

سُبْحَانَ الَّذِي فِي السَّمَاءِ عَرْشٌ

Субҳана-ллазӣ фи-с-самāн ъаршуҳу
Арши осмонларда бўлган Зот покдир.

سُبْحَانَ الَّذِي فِي الْأَرْضِ سُلْطَانٌ

Субҳана-ллазӣ фи-л-арди султәниҳу — ҳукми ерда бўлган Зот покдир.

سُبْحَانَ الَّذِي فِي الْبَحْرِ سَيِّلٌ

Субҳана-ллазӣ фи-л-баҳри сабиїлуҳу — деңгизда ҳам шўллари бўлган Зот — Аллоҳ покдир.

سُبْحَانَ الَّذِي فِي النَّارِ سُلْطَانٌ

Субҳаналлазӣ фи-н-нәри султәниҳу — оловга ҳам ҳукми ўтадиган Зот покдир.

سُبْحَانَ الَّذِي فِي الْجَنَّةِ رَحْمَةٌ

Субҳаналлазӣ фи-л-жаннати роҳматуҳу — жаннатда раҳмати бўлган Зот покдир.

سُبْحَانَ الَّذِي فِي الْقَمَرِ قَضَاهُ

Субханаллазій фи-л-кобри қодб'уху – қабрда ҳукмі юрган Зот покдир.

سُبْحَانَ الَّذِي فِي الْقِيَامَةِ عَدْلٌ

Субханаллазій фи-л-қийамати ъадлуху – қиёматда адолат қылувчи Зот покдир.

سُبْحَانَ الَّذِي رَفَعَ السَّمَاءَ

Субханаллазій рофаға-с-сама'а – осмонни баланд қилиб құтариб қўйған Зот покдир.

سُبْحَانَ الَّذِي بَسَطَ الْأَرْضَ

Субханаллазій басағо-л-ъардо – ерии түшаб қўйған Зот покдир.

سُبْحَانَ الَّذِي لَا مُلْجَأٌ مِنْهُ إِلَّا إِلَيْهِ

Субханаллазій лә малжа'а минху иллә илайхи – Үзидан бошқага қочилмайдиган Зот – Аллоҳ иуқсоилардан покдир.

АРАФА КУНИ РЎЗА ТУТИШ

Расулуллоҳ (с.а.в.) шундаі деганлар:

"Аллоҳдан умид қиласаны, Арафа кунининг рўзаси ундан аввалги ва ундан кейинги санининг каффороти бўлур".

САФАР ОЙИ ДУОСИ

Сафар ойи қамарий йилинің иккінші ойіндір. Бу ойнинг хусусияти йилиниң бөniң айлары билан бир хилдір. Унда ғылладынган намоз, дуо ва боиқа амали солиҳлар Аллоҳнинг ҳұзуріда бошқа ойлардагидек қабул қилинади. Бу ойда ҳам маросимлар, түйлар, сағарларни амалға ошириш мүмкін. Халқ орасыда бу ойнинг хосиятесіз ой әкаплигі, бу ойда ұнаштыриш маросими, түй қилиш мүмкін әмас, деган фикрга күшілиш яхши әмас.

Пайғамбарымиз (с.а.в.):

"Хамма ойлар ҳам Аллоҳнинг ойи, ҳамма құпдар ҳам Аллоҳнинг қуниидір", – деганлар.

Сафар ойи дуоси ушбуудир:

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

الحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعٰالَمِينَ تَحْمِلُهُ وَلَكَ النُّفْلٰةُ وَأَنَا عَبْدُكَ حُرْفًا
 وَأَنَا بِإِلَيْكَ أَهْلَأْتُ أَهْلَاءً مُسْتَوْدِعُكَ تَفْسِيْجٰي وَدَبِيْنِي وَذَبِيْبِي وَآخِرَتِي
 وَخَوَاتِمَ عُمُورِي وَعَقْلِي وَمُسْتَوْدِعُكَ تَحْبِيْعُ أُمَّةِ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللّٰهُ
 عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِشَهَادَةِ حَوْلِكَ وَبِطَلِيْكَ وَفُورِتَكَ فَإِنَّ مُسْتَوْدِعَكَ مُصَانٌ
 وَحُكْمُكَ تَافِيْدٌ وَقَضَائِكَ غَالِبٌ وَيَا حُكْمَمَ الْحَاكِمِينَ وَيَا أَشَعَّ الْحَاكِمِينَ
 يَا أَكْرَمَ عَنْمَوْلَى وَأَجْوَدَ مَشْوُلَى يَا حَسِيْنَ يَا قَبْرِمَ يَا قَدِيمَمَ يَا قَرْدَيَا وَلَزِيْنَا
 أَحْدُدَ بَا حَسَنَدَيَا مِنْ لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يَوْلَدْ وَلَمْ يَتَكَبَّلْ لَهُ كُفُوَا أَحْدَدَ يَا عَزِيزَيَا
 وَهَبْتَ وَضَلَّ اللّٰهُ عَلَى خَيْرِ خَلْقِهِ خَمْدَدَ وَاهِيَ وَصَخِيْهِ أَجْبَعَيَ

Бисмиллахи-р-роҳмани-р-роҳим

«Ал-ҳамду-л-иллахи лака-л-ҳамду шакүрон ва лака-л-маниу фадлан ва ана ъабдука ъурған ва ана лизәлика ахлан. Аставдиъука нафсі вә діній вә дунія'ї вә әхиротті вә хөватими ъумурі вә ъамалій вә аставдиъука жамійә уммати Мұхаммадин солла-лләху ъалайхі вә саллама би-шиддати ҳавлика вә батшика вә қувватика фә-инна муставдаъака мусебнун вә ҳукмака нағизун вә қодб'ака ғәлибуни вә йә аҳкама-л- ҳәкиміна вә йә асрөя-л-хәсибін. Йә акрома маъмулин вә ажвада масъұлни йә ҳайіту йә қоййұму йә қодіму йә фарду йә витру йә ахаду йә сомаду йә ман лам ялид вә лам йүлад вә лам якул лаҳұ қуфуван аҳад. Йә ъазізу йә ваххабу вә солла-лләху ъалә ҳойри ҳолқиҳи Мұхаммадин вә әлихі вә соғбихи ажма'йн».

Ушбу қисқа дуо ҳам сафар ойн дуосидир:

اللَّهُمَّ فَرَجْنَا بِدُخُولِ الصَّفَرِ وَأَخْبِرْنَا بِالْفَلْقِ وَالظَّهَرِ

«Аллāхумма фаррижнā би-дұхұли-с-софари ва-ҳтим ланā би-л-хойри ва-з-зөфар».

“Аллоҳим, сафар ойнінде киришлик билан бизга қувонч ато эт. Уңдан яхшилик вә зафар билан чиқишни насиб қыл”.

РОБИҮЛ АВВАЛНИНГ ҮН ИККИНЧИСИ (МАВЛУДУН НАБИЙ)

Рабиъул аввал ойнининг 12-кечаси Набий алайхиссалом таваллуд топған кечаларидир. Оламлар фахри Пайғамбаримиз (с.а.в.) шу муборак кечада туғилғанлар.

Бу кеча у зотининг нүрі билан зулматдан ёруғлиққа чиқылған кечадир. Бу кеча у зотининг ҳұрмати учун умматига раҳмат вә марҳамат ёмғыр каби ёнілған кечадир. Мана

шу муборак кечада қилинадиган әнг хайрли амаллардан бири у муборак зот ҳаққында күпдан-күп саловетлар айтиш, у зоттинг ҳұрмати, у зоттинг уммати бұлш шарафига мұяссар бүлганимиз учун тавба ва истиғфор қилишимиз, шуқур намозлари ўқишимиз керак. Шунишдек, ушбу муборак кечада тасбек намозини ўқиш ҳам фазилатлидир.

РОБИЪУЛ ОХИР ОЙИ

سُبْحَانَ اللَّهِ مِلْكَ الْمَرْأَنِ وَمُتَهَّى الْعِلْمِ وَمَبْلَغُ الرُّضْيَ وَرَزِّيْنَةُ الْعَرْشِ

«Субхана-лләхни мил'ал мәзәни ва мунтаха-л-ъилми ва маблағо-р-ридб'и ва зината-л-ъарш».

“Тарози түлгүничча, ісламиң охиригача, ризолигинг стүнничча, Ариш оғырлыгича Сени поқлик ила ёдга олурмиз”.

Бу ойда уибы дуо әрталаб-кечқурун уч мартадан ўқилади.

ЖУМАДУЛ АВВАЛ ВА ЖУМАДУЛ ОХИР ОЙЛАРИ

Бу муборак ойларда қазо намозлари бүлгансалар уларни ўқишилари керак. Нафл ибодатлар қилиш ҳам жуда фазилатлидир.

ҲАРОМ ОЙЛАР

Ҳаром ойлар Мұхаррам, Ражаб, Зулқаъда ва Зулхижжа ойларидир. Аллоҳ таоло бу ойлар ҳақида шундай марҳамат қилған:

﴿إِنَّ عِدَّةَ الشَّهْرِ عِنْدَ اللَّهِ أَثْنَا عَشَرَ شَهْرًا فِي سَبْعَ أَيَّامٍ يَوْمَ خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ مِنْهَا أَرْبَعَةُ حُرُمٌ ذَلِكَ الَّذِينَ الْقَيْمُ فَلَا تَقْلِبُوا

فِيْهِنْ أَنْفُسُكُمْ وَقَتَّلُوا الْمُشْرِكِينَ كَافَةً كَمَا يُقْتَلُونَكُمْ كَافَةً

وَأَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ مَعَ الْمُتَّقِينَ ﴿٤٥﴾

"Албатта, Аллоҳнинг паздида, ойлариниг адади Аллоҳниң оғемонлар ва ерии яратган күнидаги битигига мувоғиқ – ўи икки ойдир. Улардан түрттаси (уруш) ҳаром қилишган ойлардир. Мана шу түгри динидир. Бас, ўша (ой)ларда (жанг қилиб) ўзларинизга зулм қилмангиз! Мушриклар (мазкур түрт ой ичида) сизларга ёспасига уруши очынгиз! Ва бишлигизки, Аллоҳ тақводорлар билан биргадир" ("Тавба", 36).

Расулуллоҳ (с.а.в.) айтадилар:

"Бу муборак ойларда ҳидоят ортади. Аллоҳ таоло баидасининг имонига қувват беради. Бу күпларда илоҳий раҳмат, иеъмат күпаяди. Бундай күпларда ибодат қилини ва рўза тутиши билан сиз ҳам илоҳий раҳматни кутиб олинг".

"Ким ҳаром ойлардан уч куни: пайишиба, жума, шашба кунлари рўза тутса, Аллоҳ унинг уч кунлик рўзасини икки йиллик рўза ўршида қабул қиласади. Агар чоршабадан жумагача тутиб, жума куни садақа берса, Аллоҳ унинг гуноҳларини мағфират этади".

МУҲАРРАМ ОЙИ

